



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 10 » июль

№ 433

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини туризм ҳамда унга бевосита боғлик бўлган тармокларни қўллаб-кувватлаш орқали камайтириш, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш, шунингдек, “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони ва “Санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, туризм соҳасини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарорида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик индустря объектларини таснифлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Туроператор ва турагентлик хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига чартер рейсларининг ташкил қилиш харажатларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Халкаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Фуқаролар йигинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини бериш тартиби түғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ;

Гид (гид-таржимон), экспедиция етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификатини бериш тартиби түғрисида низом 9-иловага мувофиқ;

Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби түғрисидаги низом 10-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш, компенсация ва молиявий ёрдам қўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат нотижорат ташкилотларини институционал қўллаб-қувватлаш түғрисидаги низом 11-иловага мувофиқ;

Туризм ахборот марказларини барпо этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартиби түғрисидаги низом 12-иловага мувофиқ;

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони түғрисидаги низом 13-иловага мувофиқ;

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони ва унинг гувохномасининг тавсифлари 14 ва 15-иловаларга мувофиқ;

Сотишдан тушган маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириладиган амалдаги ва бугунги кунда фойдаланилмаётган собиқ туризм соҳасидаги давлат активлари ва улар эгаллаб турган ер участкалари рўйхати 16-иловага мувофиқ;

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 17-иловага мувофиқ;

Туризм соҳасида амалга ошириш тавсия қилинадиган инновацион бизнес ғоя ва стартаплар рўйхати 18-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан Чора-тадбирлар режаси бажарилиши устидан доимий мониторингни олиб борилишини ҳамда мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар түғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) хар ой якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига кадар ахборот киритилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг амалдаги автоматлаштирилган маҳсус электрон дастури негизида жисмоний шахсларнинг мулки бўлган турар

жойларни ижарага беришнинг ягона Реестрини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Туарар жойларни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом 19-иловага мувофиқ тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

а) Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ чиқиш туризми йўналиши бўйича туроператор ва турагент фаолиятини амалга ошириш учун қўйилган қўйидаги лицензия талаблари 2021 йил 1 августдан кучга киради:

туроператор ва турагентнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни тасдиқловчи суғурта полисининг мавжудлиги;

15 минг АҚШ доллари эквиваленти микдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузурида Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиб қўйиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУК) туризм ахборот марказлари (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини мувофиқлаштиради ва қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Марказ тизими орқали бошқа ташаббускорлар томонидан ташкил этилган ва тегишли худудларда фаолият олиб бораётган марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча марказларга керакли методик ва амалий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур ахборот ва тарғибот материаллари билан таъминлаш;

марказлар реестрини юритиш ва мониторингини олиб бориш;

марказлар фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

в) “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУК томонидан ташкил этилган марказлар учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат мулки обьектлари, шу жумладан устав фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улушкига эга юридик шахсга тегишли бўлган бинолар ва ер участкалари доимий фойдаланишга бепул асосда ажратилади;

г) Марказ ташкил этиш жойни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда давлат мулки обьекти бўлган, шу жумладан устав фондида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улушкига эга юридик шахсга тегишли бўлган автовокзалларда Марказ ташкил этиш учун ажратилган майдонлардан текин фойдаланиш ҳуқуки берилади;

е) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртмасига асосан “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси “Туризм фидойиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминлайди;

ж) “Чорвок” сув омборида моторсиз, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи ҳамда маҳсус вазифаларни бажариш ваколатига эга бўлган вазирлик ва идораларнинг моторли сув транспорти воситаларидан ташқари барча моторли сув транспорти воситаларининг ҳаракатланиши, шунингдек, Чирчик дарёси ва унинг ирмокларида (маҳсус ажратилган сув ҳавзаларидан ташқари) чўмилиш, транспорт воситаларини ювиш ва майший чиқиндиларни ташлаш тақиқланади;

з) жойлаштириш воситасининг турини аниглаш ва ўрнатиш ҳалқаро стандартлаштириш ташкилотининг стандартлари асосида факатгина Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 1 июлдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан чекка қишлоқ ва тоғли жойларда оиласвий меҳмон уйлари ташкил қилиш харажатларининг 30 %гача, лекин 10 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, камида 5 йил давомида фаолият олиб бориш ҳамда белгиланган тартибда ташриф буюрувчиларни автоматлаштирилган маҳсус электрон дастурга киритиб бориш шарти билан белгиланган тартибда компенсация қилиш бўйича таклифларига розилик берилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат асосида айrim муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шунингдек, давлат ўрмон фонди участкалари ҳамда бошқа ҳудудларда амалга ошириладиган тоғ, трек, чанги, велосипед, мотоцикл, ғор туризми, отда сайр қилиш ва туризмнинг бошқа маҳсус турларидаги экспурсияларнинг бошланиш қисмида енгил конструкцияли туризм ахборот марказлари (ташриф марказлари – Visitor center) фаолиятини йўлга қўйиш учун туризм соҳасининг субъектларига ўрнатилган тартибда муайян муддатга вактинчалик фойдаланишга берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёrlарини хисобга олган ҳолда “Туроператор ва турагентларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик ҳавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига катъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 июнданги ПҚ – 4755-сон карорига мувофиқ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузурида Хавфсиз туризм жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 28 майдаги ПФ – 6002-сон Фармонига асосан туризм соҳасининг субъектларига тақдим этиладиган фоизсиз субсидия, компенсация ва фоизсиз ссудалар учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар ҳамда Жамғармага Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиб жамғармасининг маблағлари хисобот йилида фойдаланилмаганда олиб қўйилмайди ва кейинчалик Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланиш учун белгиланган тартибда ва мақсадларда фойдаланилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Жамғармага тушадиган маблағларни тижорат банкларида очиладиган шахсий ғазна хисобвараклари ва хорижий валютадаги банк хисоб ракамида жамғариб бориш ҳамда вактинча бўш маблағларни депозитга жойлаштириш ваколати берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси уч ой муддатда:

туроператорлик фаолияти учун берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин ва якунига кўра туроператор ва турагентлар фаолиятларини амалда бўлган лицензияларига асосан алоҳида фаолиятларга ажратишни таъминласин;

туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этсин;

хостел хизматларининг мувофиқлик сертификатларини хатловдан ўтказиб, уларни Оиласвий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритсин.

9. Белгилансинки, “Ипак йўли” туризм халқаро университетига (кейинги ўринларда – Университет деб аталади) 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, ҳар ўқув йили учун Давлат тест маркази веб-сайти орқали бакалавриатга ва Университет томонидан магистратурага амалга ошириладиган қабул жараёнларида, истисно тарикасида, хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL IBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим

муассасаларида чет тилларини ўқитишининг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган инглиз тилини билиш даражаси (B2 ва ундан юқори) тўғрисидаги сертификатга эга бўлган абитуриентларнинг хужжатлари расмийлаштирилишига рухсат этилади.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ҳафта муддатда:

Самарқанд вилояти Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофикаштириш ҳудудий бошқармаси билан биргаликда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда “Ипак йўли” туризм ҳалқаро университети ректоратини Самарқанд шахри, Университет хиёбони, 20-үй манзилида жойлашган бинога (туташ ҳудуди билан биргаликда) оператив бошқарув ҳукуки билан беғараз асосда топширилишини, “Ипак йўли” туризм ҳалқаро университети қабул қилиб олинишини;

Самарқанд Ҳарбий прокуратураси билан биргаликда Самарқанд шахри Бобир Мирзо кўчаси 3-үй манзилида жойлашган маъмурий бино (бино ва иншоотлари)ни ўрнатилган тартибда “Ипак йўли оғиси” унитар корхонаси тасарруфига беғараз асосда топширилишини, “Ипак йўли оғиси” унитар корхонаси маъмурий бинони қабул қилиб олиниши ҳамда ундан самарали фойдаланилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли Тошкент шахри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 107 “б”-үй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг туташ ҳудудидаги ер усти ва ости автотурагоҳи, дов-дараҳтлар, кириш йўлаклари оператив бошқарув ҳукуки билан “Interhotel” МЧЖ ва “Ҳалқаро ҳамкорлик маркази” АЖ устав капиталидаги давлат улушини бериладиган мол-мulkнинг қолдик (баланс) қийматига камайтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига бепул берилиши таъминлансин.

12. Белгилансинки, “Otel O’zbekiston” қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидағи 80,13 фоиз давлат улушини сотишдан тушган маблағларнинг бир қисми, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфида коладиган маблағларидан ташқари, имзоланган битимга мувофиқ “Шахрисабз юлдузи” меҳмонхона комплекси курилиши учун Польша Ҳукумати томонидан ажратилган кредитни сўндириш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қилган харажатларни коплаш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига йўналтирилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 20-илювага мувофиқ айрим қарорларириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 21-илювага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

16. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларириш ушбу қарор ҳамда туризм соҳасида яратилган имкониятларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
1-илова

Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумийқоидалар

1. Ушбу Низом туризм фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.
2. Тадбиркорлик субъектлари туризм фаолиятини фақат белгиланган тартибда тегишли лицензияни олгандан кейингина амалга ошириш хукукига эга.

Экскурсия фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларга – туризм фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензияни олиш талаб этилмайди.

Туризм фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга 1-иловага мувофик схема бўйича амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

туроператорлик фаолияти – юридик шахс томонидан туризм маҳсулотини шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш бўйича туризм фаолияти;

турагентлик фаолияти – туризм маҳсулотини тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган туризм фаолияти;

экскурсия фаолияти – йигирма тўрт соатдан ошмайдиган ва жойлаштиришга (тунаб қолишга) доир хизматлар қўрсатишни назарда тутмайдиган, маданий мерос обьектлари, дикқатга сазовор жойлар ва бошка обьектлар билан таништириш максадида олдиндан тузилган йўналишлар бўйича экскурсия етакчisi ҳамроҳлигида экскурсиялар ташкил этишга доир туристик фаолиятнинг элементи;

лицензияловчи орган – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари;

лицензия талабори – Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган, туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш мақсадида ариза билан мурожаат килган жисмоний ва юридик шахс.

4. Лицензия қуйидаги туризм фаолияти турларига берилади:

- а) туроператорлик;
- б) турагентлик.

5. Лицензияловчи орган қуидаги учта йўналиш бўйича лицензиялар беради:

ички туризм – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи жисмоний шахсларга туризм хизматларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга ошириш хукуки учун;

чикиш туризми – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи жисмоний шахсларга юридик шахслар томонидан туризм хизматларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга ошириш хукуки учун;

кириш туризми – Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахсларга туризм хизматларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга ошириш хукуки учун.

6. Туризм фаолиятини амалга ошириш хукуки учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

7. Туризм фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензия муддати чекланмасдан берилади.

8. Давлат хизматлари белгиланган Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кўрсатилади.

Давлат хизматлари марказлари ва лицензияловчи орган ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали факат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

9. Туроператорлар фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялаш талаблари ва шартлари қуидагилардан иборат:

а) туризм тўғрисидаги қонун хужжатларига қатъий риоя қилиш;

б) юридик шахс штатида “туризм” йўналиши бўйича олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган ёки малака сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассиснинг бўлиши;

в) юридик шахс ходимлари (гидлар (гид-таржимонлар), эккурсия етакчилари ва йўрикчи-йўл бошловчилар) уч йилда камида бир марта белгиланган тартибда малака сертификати олиши;

д) “чикиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорларига 15 минг АҚШ доллари эквиваленти

микдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиши;

е) туризм хизматларининг мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган туристлар ва эккурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш бўйича тизимнинг мавжудлиги;

ж) туризм маҳсулоти буюртмачиси билан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг туризм хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган электрон тижорат шартномаси тузилганидан кейин туризм хизматларини тақдим этиш;

з) ҳар бир туристга ва эккурсантга туристик саёҳат вақтида Ўзбекистон Республикасига ҳамда чет давлатларга кириш, улардан чиқиш ва уларда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни етказиш;

и) мижозга лицензиатнинг иш режими, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тегишли лицензия, туризм хизматлари сертификатининг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган лицензиатнинг мутахассислари фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва батафсил маълумот бериш, жумладан, ушбу кўрсатилган маълумотларни ўзининг халкаро интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштириш;

к) лицензиат камида икки чет тилидаги, электрон тўловлар, брон қилишлар, “ички туризм”, “чиқиш туризми” ва “кириш туризми” йўналиши бўйича эквайринг хизматларини кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши (ушбу талабнинг чет тиллари бўйича қисми “ички туризм” йўналишидаги лицензиатларга тааллуқли эмас);

л) туроператорларнинг фуқаролик жавобгарлигини сугурталашни тасдиқловчи сугурта полисининг мавжудлиги;

м) фаолиятни факат лицензияда кўрсатилган йўналиш(лар) бўйича амалга ошириш.

10. Турагентлар фаолиятини лицензиялаш талаблари ва шартлари куйидагилардан иборат:

а) туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

б) туризм фаолиятининг “чиқиш туризми” йўналишида факат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш;

в) “чиқиш туризми” йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорларига 15 минг АҚШ доллари эквиваленти микдоридаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хавфсиз туризм жамғармасига захира қилиши;

г) туроператор билан шартнома тузилгандан сўнг туроператорлар томонидан яратилган туризм маҳсулотини тарғиб ва реализация қилиш;

д) ҳар бир туристга ва экскурсантга туристик саёҳат вактида Ўзбекистон Республикасига ҳамда чет давлатларга кириш, улардан чиқиш ва уларда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборотни етказиш;

е) лицензиат камидаги икки чет тилидаги, электрон тўловлар, брон килишлар, “ички туризм”, “чиқиш туризми” ва “кириш туризми” йўналиши бўйича эквайринг хизматларини кўрсатадиган веб-сайтга эга бўлиши (ушбу талабнинг чет тиллари бўйича қисми “ички туризм” йўналишидаги лицензиатларга тааллуқли эмас);

ж) мижозга лицензиатнинг иш режими, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тегишли лицензия, лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлик ва батафсил маълумот бериш, жумладан, ушбу кўрсатилган маълумотларни ўзининг халқаро интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштириш.

3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

11. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун (кейинги ўринларда – Ягона портал) рўйхатдан ўтади.

Лицензия олиш учун лицензия талабори Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона портал орқали лицензияловчи органга қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) туроператорлик фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензия талабгорининг номи ва юридик шакли кўрсатилган ҳолда лицензия олиш учун ариза;

ушбу Низом 9-бандининг “к” кичик бандида кўрсатилган шартлар бажарилгани тўғрисида маълумотлар;

ушбу Низом 9-бандининг “б”, “д”, “е” ва “л” кичик бандларида кўрсатилган талабларнинг бажарилганини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, алоқа телефонлари кўрсатилган маълумотлар;

б) турагентлик фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензия талабгорининг номи ва ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган ҳолда лицензия олиш учун ариза;

ушбу Низом 10-бандининг “ж” кичик бандида кўрсатилган шартлар бажарилгани тўғрисида маълумотлар;

ушбу Низом 10-бандининг “б” ва “в” кичик бандларида кўрсатилган талабларнинг бажарилганини тасдикловчи хужжатлар нусхалари (“чикиш туризми” фаолиятини амалга ошириш учун);

фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, алоқа телефонлари кўрсатилган маълумотлар.

12. Лицензияловчи орган лицензияни бериш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни бошқа ваколатли органларда белгиланган тартибда, ўзаро алоқа орқали, шу жумладан электрон кўринишда, мустакил равища олади.

13. Лицензия талаборидан ушбу Низомда назарда тутилмаган хужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ариза тўлдирилгандан сўнг, лицензия талабори маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани ўз электрон рақамли имзоси (ЭРИ) билан тасдиклайди.

14. Ўзи келиб мурожаат қилганда аризани ЭРИ билан тасдиклаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан хам тасдиклаши мумкин.

Ўзи келиб мурожаат қилганда Давлат хизматлари маркази ходими белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган давлат хизматининг паспортига мувофиқ аризани тўлдиришнинг тўлиқлигини текширади.

Аризани рўйхатдан ўтказгандан сўнг, Давлат хизматлари маркази ходими лицензия талаборига ариза кабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома беради ёки талабноманинг рўйхатдан ўтказилган рақамини кўрсатган ҳолда унинг нусхасига тегишли белги кўяди.

Давлат хизматлари марказлари лицензия талаборлари ЭРИни жойнинг ўзида олишлари учун барча зарур шароитларни таъминлашга мажбурдир.

15. Давлат хизматлари маркази ходими ўзи келиб мурожаат қилганда ариза олинган кунида аризада кўрсатилган маълумотларни маҳсус шаклда аник киритади, у Ягона портал орқали тегишли равища лицензияловчи органга юборилади.

16. Лицензия талабгорининг жойлашган ерида бўлмаган Давлат хизматлари марказига мурожаат қилинган тақдирда, ариза Давлат хизматлари маркази томонидан тегишли лицензияловчи органга Ягона портал орқали юборилади.

Агар лицензия талабори Давлат хизматлари марказига электрон ташувчи қурилмада ариза тақдим этса, Давлат хизматлари маркази ходими,

зарур бўлганда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун ажратилган Ягона портал орқали мурожаатни Давлат хизматлари марказига юборишда ёрдам беради.

17. Ягона портал орқали юборилган ариза автоматик равишида ноёб рўйхатга олиш рақами билан рўйхатдан ўтказилади.

4-боб. Аризани кўриб чиқиш, лицензия бериш ва лицензияни расмийлаштириш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

18. Ариза кўриб чиқилиши учун лицензия талабори тўлов кунида белгиланган базавий хисоблаш микдорининг 2,5 баравари микдорида йигим тўлайди.

Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йигим қайтарilmайди.

Ягона портал орқали лицензия олиш учун мурожаат қилинганида ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган йигим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

19. Лицензия талабори томонидан Ягона портал орқали лицензия олиш учун мурожаат қилинган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун йигимнинг 10 фоизи микдоридаги маблағ “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг электрон ҳукумат ва ракамли иқтисодиётни бошқариш маркази” давлат унитар корхонасининг хисобварағига, маблағларнинг қолган қисми лицензияловчи органнинг хисобварағига ўтказилади.

Давлат хизматлари марказларига ташриф буюрган ҳолда мурожаат қилинган тақдирда, аризаларни кўриб чиқиш учун тўланган йигим суммасининг 20 фоизи микдоридаги маблағлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси хисобварағига ўтказилади.

20. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензияловчи орган томонидан ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган тегишлигига кўра барча зарур ҳужжатлар билан ариза олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда, тасдикланган эксперт хулосаси асосида қабул қилинади.

21. Агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласа, лицензия даъвогари кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг лицензияловчи органни ёзма равишида хабардор қилган ҳолда аризада кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳаклидир.

Лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичida унга лицензия бериши шарт.

22. Лицензияловчи орган қабул қилған қарори тұғрисидаги билдиришномани Марказга ёки Ягона портал орқали тегишли қарор қабул қилинганидан кейин бир күн ичида уни лицензия талабгорига белгиланган тартибда йўналтириш (топшириш) учун юборади.

23. Билдиришномада:

лицензияни бериш тұғрисидаги қарор қабул қилинганда банк ҳисоби реквизитлари ва лицензия бериш учун йифим тұлаш муддати, лицензияловчи органнинг маҳсус ҳисоби реквизитлари бўлиши керак;

лицензияни бериш рад этилганда рад этиш сабаблари, асословчи конун ҳужжатлари ҳамда лицензия талабгори ушбу сабабларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат (уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга) кўрсатилган бўлиши керак.

24. Агар лицензия беришни рад этиш тұғрисида қарор қабул қилинган бўлса, лицензия талабгори рад этиш сабабларини бартараф қилишга ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун топширишга ҳақли бўлган муддат рад этиш сабабларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

25. Лицензиат томонидан туризм фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензиянинг олиниши лицензиат томонидан мазкур Низомда кўрсатилган лицензия талабларига риоя этиш мажбуриятига розилигини билдиради ҳамда мазкур розилик ўз-ўзидан лицензия битимиға тенглаштирилади.

26. Агар лицензиат лицензия бериш тұғрисида қарор қабул қилинганилиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой муддатда лицензияловчи органга лицензия берилиши учун давлат божи тўланганилигини тасдиқловчи маълумотни тақдим этмаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

27. Лицензия беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

лицензия талабгорининг ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштирумай тақдим этиши;

лицензия талабгори тақдим этган ҳужжатларда нотұғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофик эмас деган сабаблар билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тұғрисидаги қарори, шунингдек, лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

28. Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш сабабларини белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, хужжатлар лицензияловчи орган томонидан барча зарур хужжатлар билан ариза олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

Лицензия талабгорининг аризасини такроран кўриб чиқиш учун ҳак олинмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишида лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

Лицензия талабгорининг лицензия беришни рад этиш сабабларини бартараф этиш тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тақдим этилади.

5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш

29. Лицензиат ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жоий (почта манзили) ўзгарган тақдирда лицензиат ёки унинг хуқукий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган тартибда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида туризм фаолиятини амалга ошириш хуқукини берувчи лицензияга эга бўлган лицензиатлар қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ушбу банднинг биринчи хатбоисида назарда тутилган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг бир қисми (қисмлари) учун тўхтатилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

Ушбу банднинг биринчи–учинчи хатбошилари талбларини бузган ҳолда лицензияланувчи фаолиятни амалга оширганлик фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш учун конун хужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

30. Лицензияни қайта расмийлаштиришдан олдин лицензиат унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган тегишли ўзгартиришларни лицензиялар реестрига киритади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан лицензияни тиклаш тўғрисида ариза олинган кундан эътиборан беш иш куни ичida амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш учун тўланган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Ягона портал орқали лицензияни қайта расмийлаштириш учун мурожаат қилинганида ушбу банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Лицензия талабори томонидан Ягона портал орқали лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берилган тақдирда, аризани кўриб чиқиш учун йиғимнинг 10 фоизи миқдоридаги маблағ “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги хузуридаги электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётни бошқариш маркази” ДУКнинг ҳисоб варағига ўтказилади.

Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат килган тақдирда, аризаларни кўриб чиқиш учун тўланган йиғим суммасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобига ўтказилади.

6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

31. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукукларга эга:

туризм фаолияти субектларидан туризм тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини талаб қилиш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қиска муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида маҳсус ваколатли органнинг – Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофикаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш вактида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аникланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоида бузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

конунда белгиланган ҳолларда лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва (ёки) судга мурожаа тқилиш;

лицензиясиз туризм фаолияти амалга оширилаётганлиги тўғрисида аникланган фактлар хақидаги маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органларга юбориш.

33. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусха дадалолатном атузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

34. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган холатларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган лицензия талаб ва шартларини бир марта қўпол бузишга куйидагилар киради:

мижозлар ёки чет эллик ҳамкорлар билан тузилган тегишли шартномасиз туризм хизматларини кўрсатиш;

туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг лицензиатда йўклиги;

ўз фаолиятини амалга оширишда ушбу Низомнинг 9 ва 10-бандлари талабларига риоя қилмаслик.

35. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш,

тўхтатиш ёки уни бекор килиш асосиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ва бекор қилинганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

36. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ва бекор қилинган тақдирда лицензиатнинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маҳсус хисобида сакланган маблағлар 3 иш куни чида лицензиатга қайтарилади.

8-боб. Лицензиялар реестрини юритиши

37. Лицензияловчи орган туризм фаолияти лицензиялари реестрини юритади, унда қўйидагилар кўрсатилади:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар—ташкilotнинг номи ва солик тўловчининг идентификация раками, ташкилий-хуқукий шакли, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

б) лицензия берилган сана ва реестр раками;

в) туризм фаолияти йўналиши;

г) фаолиятнинг лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган манзил, алоқа телефоны, факс ракамлари, электрон почта манзили ва бошқа контакtlар;

д) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

е) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилишнинг асоси ва санаси.

38. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чикиш учун очик бўлади.

9-боб. Лицензия берилганилиги учун давлат божи

39. Туризм фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензия берганлик учун “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунида белгиланган миқдорларда давлат божи ундирилади.

40. Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади.

10-боб. Якунловчиқоида

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби
тұғрисидаги Низомга
1 - Илова

Туризм фаолиятини лицензиялаш
СХЕМАСИ

Субъектлар

Тадбирлар

Бажарни
муддаты

Лицензия талабори	1. Низомнинг 10-бандига мувофик лицензия олиш учун зарур бўлган хужожатларни тайёрлади. 2. Аризани Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) ёки Давлат хизматлари марказлари орқали почта алоқаси воситасида ёки бевосита тақдим этади. 3. Аризани кўриб чиқиш учун тўлов кунида белгиланган энг кам иш хакининг 2.5 баравари микдорида йигим тўлайди.	Лицензия талаборининг хошишига кўра
Давлат хизматлари марказлари	1. Лицензия олиш учун берилган аризани қабул қиласди. Инвентаризация нусхасини талабнома қабул килинган сана кўрсатилган ҳолда аризачига юборади (топширади). 2. Лицензия талаборининг аризаси барча зарур маълумотларни ўз ичига олган ҳолда лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилади.	Ариза қабул килинган кунда
Лицензияловчи орган	Лицензия талабори томонидан ариза ва барча зарур хужожатлар топширилган вақтдан бошлаб лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	10 иш куни ичida
Лицензияловчи орган	Агар лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинса, рад этиш тўғрисида билдиришнома бир кунлик муддатда Ягона портал орқали ёки Давлат хизматлари марказига кейинчалик лицензия талаборига белгиланган тартибда топшириш учун юборилади.	Бир кун муддатда
Лицензия талабори	Лицензия бериш рад этилган тақдирда, аниқланган сабабларни бартараф этади ҳамда ариза ва хужожатларни лицензияловчи органга қайта топширади.	Лицензияловчи орган томонидан белгиланган муддатга мувофик
Лицензияловчи орган	Лицензия талаборига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида такроран қарор қабул қиласди.	5 иш куни мобайнида
Лицензияловчи орган	Лицензияни беришга қарор қилинганилиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк хисоб раками реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан, электрон шаклдаги ахборот тизими орқали хабар беради.	Бир кун мобайнида
Лицензиат	Лицензия берилганилиги учун давлат божи тўланганилигини тасдиқловчи маълумотни лицензияловчи органга тақдим этади.	3 ой мобайнида
Лицензияловчи орган	Юқорида кайд этилган шартлар бажарилмаган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни бекор килиш тўғрисида қарор қабул килишга ҳақлидир.	3 ойдан сўнг
Лицензияловчи орган	Лицензия талабори томонидан Низомнинг 33-бандига мувофик давлат божи тўланганилигини тасдиқловчи маълумотни тақдим этилганда тегишли бланкада лицензияни расмийлаштиради ва имзолайди ва лицензиатга беради.	2 иш куни мобайнида

Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби
тұғрисидаги Низомга
2-илова

<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ</p>		<p>THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN FOR TOURISM DEVELOPMENT</p>
<h2>ЛИЦЕНЗИЯ</h2> <p>туризм фаолиятини амалга ошириш хукуқини беради</p>		
<h2>LICENSE</h2> <p>gives the right to carry out tourism activities</p>		
Берилгансаңасы / date of issue		Реестр раками
(Номи / Name of the legal entity)		
(Почта манзили / Address)		
(Фаолият тури ва йүналиши / type and direction of activity)		
(СТИР/ TIN)		
	<p>Амал қилиш муддати: муддатсиз Valid until: unlimited</p>	
	www.license.gov.uz	
(лицензияловчи органдархбари / head of the licensing body)		

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
2-илова

**Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва туристик
индустрия объектларини таснифлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туристик хизматларни сертификатлаштириш ҳамда туристик индустрия объектларини таснифлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомда назарда тутилмаган туристик хизматларнинг алоҳида турлари, шу жумладан умумий овқатланиш ташкилотлари (ресторанлар) хизматлари, туристларга транспорт хизматини кўрсатиш хизматларини сертификатлаштириш ушбу Низом талабларига мувофиқ ихтиёрий асосда амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи – сертификатлаштириш обьектини сертификатлаштиришга ариза берган шахс;

битим – мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисини қўллаш ҳукуқини бериш тўғрисидаги битим;

жойлаштириш воситалари хизматлари – жойлаштириш воситаларида, шу жумладан бажарувчи ва истеъмолчи ўртасида тузилган шартнома бўйича рўйхати белгиланган қўшимча хизматлар мажмуи;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туристик базалар ва мажмуалар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, меҳмон уйлари, ўтовли ва чодирли оромгоҳлар, санаторийлар ҳамда меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш бўйича хизматлар) кўрсатиладиган бошқа обьектлар, шунингдек жойлаштириш воситаси сифатида тунаш учун жиҳозланган ер усти транспорти;

жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжларни таснифлаш тизими (таснифлаш тизими) – норматив ҳужжатда белгиланган, бинолар, жиҳозлар, иншоотлар, кўрсатилаётган хизматлар номенкулатураси ва сифати, хизмат кўрсатиш даражасига доир талаблар мажмуига асосланган тегишли тоифани жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжларга бериш учун кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини баҳолаш тизими;

мувофиқлик белгиси – хизматнинг муайян норматив ҳужжатга мувофиқлигини кўрсатиш учун хизматларга доир илова ҳужжатлари унинг билан тамғаланадиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазилган белги;

мувофиқлик сертификати (кейинги ўринларда – сертификат) – туроператор, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва уларнинг муайян норматив ҳужжатга мувофиқлигини тасдиклайдиган ҳужжат;

сертификати эгаси – сертификат берилган шахс;

пляж хизматлари – дам олиш, чўмилиш, соғломлаштириш тартибтаомиллари учун мўлжалланган ва жиҳозланган, қўм, шағал, тош ёки бошқа материаллардан ташкил топган табиий ёки сунъий сув ҳавзалари қирғок бўйларида кўрсатиладиган хизматлар мажмуи;

сертификатлаштириш объектлари – туроператор, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш;

сертификатлаштириш – сертификатлаштириш объектининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиклаш бўйича фаолият;

тоғ чанғиси трассалари хизматлари – тоғ чанғиси, сноуборд ва бошқаларда учиш учун мўлжалланган, лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ белгиланган чегаралар ва компонентларга эга бўлган, тоғ ёнбағрида хавфсиз ва қулагай туришни таъминлайдиган иншоотда кўрсатиладиган хизматлар мажмуи;

туроператор хизматлари – туристик маҳсулотни тарғиб қилиш ва реализация қилиш бўйича хизматлар (ташиш, жойлаштириш, овқатланиш, ахборотга оид хизматлар кўрсатиш бўйича хизматлар мажмуи (шу жумладан гид (экскурсия етакчisi), гид-таржимон ва (ёки) йўрикчи-йўл бошловчининг хизматлари) ва шартнома бўйича кўрсатиладиган бошқа туристик хизматлар).

3. Туроператор, жойлаштириш воситаси, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш факат белгиланган тартибда тегишли сертификатлар олингандан кейин ва уларнинг амал қилиш муддати давомида кўрсатиш мумкин.

Сертификатнинг амал қилиш муддати, берилган сертификатни ҳар йили инспекция назоратини ўтказган ҳолда уч йилдан иборатdir.

Сертификатнинг асл нусхаси бевосита сертификатлаштириш обьектида туроради ва у учинчи шахсларга берилмайди.

Амалдаги сертификатсиз туроператорлик, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

4. Туроператор, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжлар хизматларини сертификатлаштириш, уларга тоифа бериш, шунингдек, сертификатлаштирилган хизматларининг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар (кейинги ўринларда – норматив ҳужжат) талабларига мувофиқлигининг инспекция назоратини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги

белгиланган тартибда аккредитация қилинган “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан амалга оширилади.

5. Туристик хизматларнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофикалигини тасдиклаш учун сертификатлаштириш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар хизматларини сертификатлаштириш соддалаштирилган ҳолда, оилавий меҳмон уйлари ва хостелларни ўрганиш далолатномаси асосида уларни Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

2-боб. Сертификатлаштириш тартиби

1-§. Сертификатлаштириш учун ариза бериш

7. Сертификатлаштириш учун ариза берувчи ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Марказга электрон шаклда Марказнинг расмий веб-сайти орқали ариза ва унга илова қилинган ҳужжат ва маълумотларни юборади.

8. Туроператор хизматларини сертификатлаштириш учун аризага ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланган қўйидагилар илова қилиниши керак:

норматив ҳужжатлар талабларига биноан туризм соҳасида маълумотга ва/ёки малака сертификатларига эга бўлган ариза берувчининг ходимлари тўғрисида ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

куйчмас мулкка доир хуқуқни белгилайдиган ҳужжатлар, шу жумладан бундай мулкнинг ижара шартномаси;

ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда ариза берувчи томонидан туроператор хизматини ташкиллаштириш учун тузилган шартномалар (транспорт ва экскурсия хизматига, жойлаштириш, гид-таржимонлар хизматига, овқатланиш, кўнгилочар ва дам олиш, турагентлик хизматларига ҳамда туристларни қабул қилувчи давлатлардаги хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартномалар ва бошқалар) рўйхати. Илгари туроператор хизматлари кўрсатмаган ариза берувчилар сертификат олингандан кейин олти ой давомида кўрсатиб ўтилган шартномалар рўйхатини тақдим қилиш тўғрисида кафолат хатини Марказга тақдим этишлари лозим.

9. Жойлаштириш воситалари хизматларини сертификатлаштириш учун аризага ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланган қўйидагилар илова қилиниши керак:

норматив ҳужжатлар талабларига биноан туризм соҳасида маълумотга ва/ёки малака сертификатларига эга бўлган ариза берувчининг ходимлари тўғрисида ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

ваколатига хавфсизликка риоя этишни назорат қилиш ва норматив ҳужжатнинг белгиланган талабларига жойлаштириш воситасининг мувофиқлигини тасдиқлаш кирадиган, ваколатланган назорат органларининг (ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлиги ва лифт жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш) хulosса (ариза келиб тушган кунгача бир йилдан кеч бўлмаган вактда тузилган) нусхалари. Янгидан ташкил этилган жойлаштириш воситалари учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин;

кўчмас мулкка доир хуқуқни белгилайдиган ҳужжатлар, шу жумладан бундай мулкнинг ижара шартномаси;

мехмонлар хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш (дезинфекция, ёнғин сигнализацияси тизими ва лифтларга техник хизмат кўрсатиш тўғрисида) сифатини таъминлаш бўйича тегишли хизматлар билан шартномалар нусхалари.

10. Тоғ чанғиси трассалари хизматларини сертификатлаштириш учун аризага ариза бёрувчининг имзоси билан тасдиқланган қуидагилар илова қилиниши керак:

норматив ҳужжатлар талабларига биноан қутқарув хизматларини аттестатлаш органида аттестациядан ўтган ариза берувчининг ходимлари, қутқарув бўлинмалари ва қутқарувчилари тўғрисида ушбу Низомнинг За-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

ваколатига хавфсизликка риоя этишни назорат қилиш ва норматив ҳужжатнинг белгиланган талабларига тоғ чанғиси трассаларининг мувофиқлигини тасдиқлаш кирадиган, ваколатланган назорат органларининг (ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлиги, экологик талабларга мувофиқлиги ва экологик экспертиза обьектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини тўғрисида давлат экологик экспертизаси, тоғ кўчкилари хавфи бўйича ва осма канат йўлини хавфсиз эксплуатация қилиш) хulosса (ариза келиб тушган кунгача бир йилдан кеч бўлмаган вактда тузилган) нусхалари. Янгидан ташкил этилган тоғ чанғиси трассалари учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин;

кўчмас мулкка доир хуқуқни белгилайдиган ҳужжатлар, шу жумладан бундай мулкнинг ижара шартномаси;

трасса номи кўрсатиб ўтилган ҳолда тоғ чанғиси трассасининг 1:5000 масштабдаги схемаси (харитаси, режаси);

тоғ чанғиси мажмуаси худудидаги обьектларнинг жойлашиш режа-харитаси.

11. Пляж хизматларини сертификатлаштириш учун аризага ариза берувчининг имзоси билан тасдикланган қуидагилар илова қилиниши лозим:

норматив ҳужжатлар талабларига биноан куткарув хизматларини аттестатлаш органида аттестациядан ўтган ариза берувчининг ходимлари, куткарув бўлинмалари ва куткарувчилари тўғрисида ушбу Низомнинг Залиловасига мувофиқ шаклдаги маълумотлар;

ваколатига хавфсизликка риоя этишни назорат қилиш ва норматив ҳужжатнинг белгиланган талабларига пляжларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш кирадиган, ваколатланган назорат органларининг (ёнғин ва санитария-гиёна хавфсизлиги, сув сифати бўйича лаборатория назорати ва пляж акваторияси тубини ғаввослар томонидан текшириш натижалари бўйича) хулоса (ариза келиб тушган кунгача бир йилдан кеч бўлмаган вактда тузилган) нусхалари. Янгидан ташкил этилган пляжлар учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин;

кўчмас мулкка доир ҳуқукни белгилайдиган ҳужжатлар, шу жумладан бундай мулкнинг ижара шартномаси;

пляж худудидаги обьектларнинг жойлашиш режа – харитаси.

12. Ариза берувчининг хоҳишига кўра ариза берувчининг кўрсатилаётган хизматларнинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ёки сертификатлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

2-§. Сертификатлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида аризани кўриб чиқади ва сертификатлаштиришни амалга ошириш тўғрисида ёки сертификатлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

14. Сертификатлаштиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуидаги ҳолатларда қабул қилинади:

аризада тўлиқ бўлмаган ҳажмдаги маълумотларни кўрсатиш;

ушбу Низомнинг 8, 9, 10 ёки 11-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим қилиниши;

агарда тақдим этилган ариза, ҳужжатлар ва маълумотлар сифатининг сертификатлаштириш мақсадлари учун зарур бўлган ахборотни тўлиқ даражада аниқлашга имкон бермаслиги.

Сертификатлаштиришни ушбу бандда кўрсатиб ўтилмаган бошка асослар бўйича рад этиш мумкин эмас.

15. Марказ қарор қабул қилгандан кейин икки иш куни мобайнида ариза берувчига қуидагиларни юборади:

сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида - сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги қарор ва Марказнинг банк ҳисоб реквизитлари, сертификатлаштиришга тўланадиган ҳақ миқдори ва муддати кўрсатиб ўтилган сертификатлаштириш тўғрисидаги шартнома. Сертификатлаштириш бўйича ишлар (хизматлар) нархи ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан ҳисобланади;

сертификатлаштиришни рад этиш тўғрисида – рад этишнинг муайян асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда қарор.

16. Ариза берувчи қарорни олгандан кейин ўттиз кун мобайнида Марказ билан сертификатлаштириш тўғрисида шартнома имзолаши ва Марказнинг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан сертификатлаштириш тўғрисидаги шартнома бўйича ҳақ тўлаши шарт.

17. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатиб ўтилган шартлар бузилган тақдирда Марказнинг сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги қарори бекор қилинади, бу тўғрида ариза берувчи икки иш куни мобайнида хабардор қилинади.

3-§. Сертификатлаштириш

18. Ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатиб ўтилган шартлар ариза берувчи томонидан бажарилгандан кейин уч иш куни давомида Марказ раҳбарининг буйруги билан комиссия таркиби ва сертификатлаштириш мақсади, объектлари, ҳажми ва унинг бўйича ишлар мазмунини аниқлайдиган сертификатлаштириш дастури тасдиқланади.

Комиссия ишини режалаштириш ва мувофиқлаштиришни Марказнинг сифат бўйича эксперт-аудиторлари орасидан тайинланадиган унинг раиси амалга оширади.

19. Комиссия томонидан сертификатлаштириш обьектининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш:

туроператор хизматлари учун – туроператор хизматлари
кўрсатиладиган жойда ўтказилади;

жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари учун – жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжнинг жойлашган жойида ўтказилади.

Комиссия Марказ раҳбаријатинигн буйруги тасдиқланган кундан бошлаб ўн беш иш куни давомида баҳолашни ўтказишини бошлиши керак. Баҳолаш муддати беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

20. Баҳолашни ўтказиш учун ариза берувчи комиссияга норматив ҳужжатлар талабларига биноан зарур ҳужжатларни тақдим этиши ва унинг ишлаши учун зарур шароитлар яратиши лозим.

Бунда ариза берувчидан, тақдим қилинаётган хизматларни сертификатлаштиришга тегишли бўлмаган хужжатларни беришни ва уларни баҳолашни амалга оширишни талаб қилиш мумкин эмас.

21. Баҳолаш вактида норматив хужжатлар талабларига сертификатлаштириш обьектининг аник мувофиқлиги, шу жумладан қўйидагилар текширилади:

а) ходимларнинг малакаси, уларнинг ўз лавозим йўриқномаларини билишлари ва унга риоя қилишлари;

б) сертификатлаштириш обьектининг ҳолати ва жиҳозланганлиги;

в) ариза берувчининг хавфсизликни таъминлаш тизими талабларига риоя қилиши ва кўрсатилаётган хизматлар сифати.

22. Жойлаштириш воситалари хизматлари учун қўйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

мехмонхоналарнинг номерларни онлайн банд қилиш ҳалқаро сервисларга уланишини;

Интернет тармоғига, шу жумладан камида 4 мб/с тезликдаги wi-fi симсиз тармоғи орқали киришни таъминлаш.

23. Сертификатлаштириш обьектининг норматив хужжатлар талабларига номувофиқлиги аникланганда ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича номувофиқлик тўғрисида баённома тузилади.

24. Жойлаштириш воситалари хизматларини баҳолаш ўтказилаётганда қўйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

10 тагача номерга эга бўлган жойлаштириш воситаларининг номерларини тўлиқ текшириш;

10 тадан кўп номерга эга бўлган жойлаштириш воситаларининг номерларини танлаб текшириш (15 % дан 30 % гача);

жойлаштириш воситаларининг бошқа хоналари ва жиҳозларини тўлиқ текшириш.

Номерларни танлаш комиссия раиси томонидан амалга оширилади ва жойлаштириш воситасининг ҳақиқий ҳолатининг аниқлигини таъминлаши керак.

Агар ариза берувчининг икки ёки ундан ортиқ жойлаштириш воситалари мавжуд бўлса ҳар бир жойлаштириш воситаси бўйича алоҳида сертификатлаштириш ўтказилади.

25. Агар ариза берувчи ўзининг туристик индустря обьектларига тоифа берилишига даъвогар бўлса, бу тўғрида аризада кўрсатиб ўтилиши керак, туристик индустря обьектларини баҳолаш вактида комиссия ушбу обьектни таснифлаш тизимига биноан унинг тегишли тоифага мувофиқлигини аниқлайди.

26. Мехмонхоналар тоифалари юлдуз (юлдузлар) кўринишидаги белги билан белгиланади ва бешта тоифа бўйича таснифланади. Энг юқори тоифа бу беш юлдуз, энг паст – битта юлдуз.

Тоғ чанғиси трассалари тўртта тоифа бўйича таснифланади:

яшил ранг – ўрганувчилар учун;

кўк ранг – мураккабликнинг қуи даражаси;

кизил ранг – мураккабликнинг ўрта даражаси;

кора ранг – мураккабликнинг юқори даражаси.

Пляжлар учта тоифа бўйича таснифланади:

кўк байроқ – I тоифадаги пляж учун;

яшил байроқ – II тоифадаги пляж учун;

сариқ байроқ – III тоифадаги пляж учун.

Баҳолаш давомида ушбу Низомнинг 7, 8 ва 9-иловаларига мувофиқ шакл бўйича таснифлаш баённомаси ёки ушбу Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шакл бўйича туроператор хизмати ва жойлаштириш воситасини баҳолаш баённомаси тузилади.

27. Иш натижаларига кўра комиссия ушбу Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шакл бўйича, карор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи сертификатлаштириш обьектини баҳолаш далолатномасини икки нусхада тузади.

Сертификатлаштириш обьектини баҳолаш далолатномасида сертификатлаштириш мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ахборот қўшимча тарзда акс эттирилиши мумкин.

28. Сертификатлаштириш обьектини баҳолаш далолатномасига сертификатлаштириш обьектини баҳолаш баённомаси, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари учун – таснифлаш баённомаси, номувофикаллар аникланган ҳолатларда – номувофикаллик тўғрисида баённомалар ҳамда сертификатлаштиришнинг барча босқичларида комиссия томонидан шакллантирилган бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Сертификатлаштириш обьектини баҳолаш далолатномаси ва баённомаларнинг иккинчи нусхаси ариза берувчига имзо кўйдириб берилади.

4-§. Сертификатлаштириш натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш

29. Комиссия раиси сертификатлаштириш обьектини баҳолаш далолатномаси тузилган кундан бошлаб икки иш куни давомида ушбу далолатномани Марказга тақдим этади.

30. Сертификатлаштириш объектини баҳолаш далолатномаси тақдим этилган кундан бошлаб уч иш куни давомида Марказ қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

сертификат бериш түғрисида (жойлаштириш воситалари хизматларига нисбатан сертификат бериш түғрисидаги қарорда уларнинг таснифлаш тизимиға биноан тегишли тоифани бериш түғрисида кўрсатиб ўтилиши мумкин);

сертификат беришни рад этиш түғрисида – агар аниқланган номувофиқликлар баҳолаш вактида ариза берувчи томонидан бартараф этилмаган бўлса.

Қарор сертификатлаштиришда иштирок этмаган сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан тайёрланади ва Марказ раҳбари томонидан тасдиқланади.

31. Сертификат эгаси ва Марказ ўртасида тузилган битимга асосан мувофиқлик белгисидан фойдаланилади ва у сертификатнинг амал қилиш муддати давомида сертификатлаштириш объектида Марказ томонидан инспекция назорати ўтказилиши орқали тасдиқланиши лозим.

32. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун муддатда ушбу қарор ариза берувчига юборилади.

Сертификат бериш түғрисидаги қарорда ариза берувчига Марказ билан битимни имзолаш шартлари ва муддатлари ҳамда сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллашга тўлов тўлаш учун Марказнинг банк ҳисоби реквизитлари кўрсатиб ўтилади.

Сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаш учун тўлов микдорини ушбу Низомнинг 5а-иловасига мувофиқ ариза берувчининг ўзи мустакил ҳисоблайди.

33. Сертификат бериш түғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб ўттиз кун давомида ариза берувчи Марказ билан битимни имзолаши, Марказнинг банк ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллашга тўловни тўлаши ҳамда ушбу ҳисобини Марказга тақдим этиши керак.

34. Ушбу Низомнинг 33-бандида кўрсатиб ўтилган шартлардан бири бузилган ҳолатларда Марказнинг сертификат бериш түғрисидаги қарори бекор қилинади, бу тўғрида ариза берувчига билдириш хати юборилади. Бунда сертификатлаштириш түғрисида шартнома бўйича тўланган тўлов ариза берувчига қайтариб берилмайди.

35. Сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган муайян сабаблар кўрсатиб ўтилган, сертификат беришни рад қилиш түғрисидаги қарор ариза берувчига юборилади. Ариза берувчи қарорни олган кундан бошлаб ўттиз кун давомида кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этади ва уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим қиласи.

36. Сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан ўз вактида бартараф этилган ҳолатларда, номувофиқликларнинг бартараф этилганини тасдиковчи барча хужжатлар билан уларни бартараф этиш тўғрисидаги тегишли ариза берувчидан олинган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддатда бепул равиша, факат номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқлаш учун ўтказиладиган сертификатлаштириш босқичи амалга оширилади.

Бунда комиссия тақдим этилган хужжатлар асосида аввал тузилган далолатномага қўшимча равиша сертификатлаштириш объектини баҳолаш далолатномасини тузади.

Сертификатлаштириш объектини баҳолашнинг қўшимча далолатномасида сертификат беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилганлиги тўғрисида ахборот кўрсатилади.

37. Марказ комиссиянинг қўшимча далолатномаси олган кундан бошлаб икки иш кунидан ошмайдиган муддатда ушбу Низомнинг 30-бандига мувофиқ қарор қабул киласди. Қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни давомида ушбу қарор ариза берувчига юборилади.

Бунда янги асослар бўйича сертификат беришнинг рад этилиши мумкин эмас.

38. Сертификат беришни рад этиш тўғрисидаги карорда кўрсатиб ўтилган муддат тугагандан кейин тақдим килинган сертификатлаштириш талабларини бажариш тўғрисидаги ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

5-§. Сертификат бериш

39. Ариза берувчи ушбу Низомнинг 33-бандида кўрсатиб ўтилган шартларни бажарган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида, Марказ ушбу Низомнинг 13 ва 14-иловаларига биноан шаклда сертификат расмийлаштиради ва уни Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказади.

Расмийлаштирилган сертификат QR-код саноқли тизимидан фойдаланган холда электрон шаклда ариза берувчига юборилади.

40. Ариза берувчининг ихтиёрига кўра сертификат маҳсус бланкда расмийлаштирилиши ва ариза берувчининг тегишли тарзда ваколатланган вакилига имзолаб берилиши мумкин.

Сертификат бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш рақами ва химояланганлик даражасига эга бўлади, бланкалар Марказга бланкаларни зарур миқдорда берадиган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмасига биноан “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланади.

41. Амалдаги сертификат унинг эгасига мувофиқлик белгисини қўллаш ҳукуқини, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж

хизматларига нисбатан эса таснифлаш тизимиға мувофиқ берилган тоифани кўллашга ҳуқук беради. Туроператор, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари кўрсатиш вақтида амалдаги сертификат эгалари мувофиқлик белгисидан сертификатнинг амал қилиш муддати давомида ўзларининг реклама ва ахборот материалларида фойдаланишлари мумкин.

Ариза берувчининг ихтиёрига кўра жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматларини кўрсатиш учун сертификатда таснифлаш тизими бўйича уларнинг тоифаси кўрсатилади ёки кўрсатиб ўтилмайди.

Жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжларга нисбатан ҳар бир жойлаштириш воситаси, тоғ чанғиси трассаси ва пляжга алоҳида сертификат берилади.

Туроператор хизматларига нисбатан хизмат кўрсатиладиган ҳар бир жойга алоҳида сертификат берилади.

42. Сертификатлаштирилиши лозим бўлган фаолиятни кейинчалик амалга ошириш учун сертификатнинг амал қилиш муддати тугагунча уч ойдан кеч бўлмаган вақтда сертификат эгаси ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қайта сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Марказга мурожаат қилиши керак.

43. Сертификат эгаси:

норматив ҳужжатларга ва ушбу Низом талабларига, битим шартларига риоя қилиши;

хизматларга доир сертификатни кўллаш ва илова ҳужжатларини мувофиқлик белгиси билан белгилаш қоидаларига ва норматив ҳужжатлар талабларига биноан жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжларга берилган тоифани ишлатиш қоидаларига риоя қилиши;

барча манфаатдор шахсларга сертификат билан бемалол танишиш имкониятини таъминлаши;

ушбу Низомнинг 2, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ шаклларда тақдим қилинган маълумотларнинг ўзгариши ва менежменти тизимидағи, кўрсатилаётган хизматлар рўйхатидаги ўзгаришлар тўғрисида Марказга бир ой давомида ахборот бериши;

ўз сертификатини кўллаш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслиги;

фаолиятни тўхтатиш, қайтадан ташкил этиш ёки жойлашган жойини ёки хизмат кўрсатиш жойини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун давомида сертификатнинг асл нусхасини илова қилган ҳолда Марказга ёзма хабар бериши;

сертификат эгасини тугатиш, унинг фаолиятини тўхтатиш, унинг қайтадан ташкил этилиши ёки қайта сертификатлаштиришдан бош тортиш вақтида сертификатнинг амал қилиш муддати тугагунча ўзининг хизмат

кўрсатишини тўхтатишини таъминлаши керак, ушбу Низом 80-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериш билан боғлиқ ўзгартишлар бундан мустасно.

6-§. Кўрсатилаётган туристик хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва қисқартириш бўйича сертификатлаштириш

44. Кўрсатилаётган туристик хизматлар рўйхатини кенгайтириш бўйича (қисқартириш) сертификатлаштириш, ушбу Низомнинг 7–24 хамда 27–30-бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

45. Сертификатлаштириш обьектининг кўрсатилаётган туристик хизматлар рўйхатини қисқартириш Марказ карори билан қуидагиларга асосан амалга оширилади:

туристик хизматлар рўйхатинини қисқартириш тўғрисида сертификатлаштириш обьектининг аризаси;

сертификатлаштириш обьекти фаолиятининг инспекция назорати натижалари.

46. Туристик хизматлар рўйхатини кенгайтириш ёки қисқартириш вақтида Марказ сертификатлаштириш обьектининг сертификатини қайта расмийлаштиради. Бунда сертификатнинг амал қилиш муддати аввал берилган сертификатнинг амал қилиш муддатига мувофиқ бўлади.

47. Туристик хизматлар рўйхатини кенгайтириш бўйича сертификатлаштириш ишларининг (хизматлар) нархи ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан тўловлар микдорини эътиборга олган ҳолда факат кенгайтираётган хизматлар учун ҳисобланади.

Туристик хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва қисқартириш бўйича сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаш учун тўлов микдорини ушбу Низомнинг 5а-иловасига мувофиқ кенгайтираётган хизматлар учун ариза берувчининг ўзи мустақил ҳисобланади.

Туристик хизматларни қисқартириш учун тўлов ундирилмайди.

3-боб. Сертификатлаштириш обьектининг инспекция назорати

48. Даврий инспекция назорати норматив ҳужжатлар талабларига сертификатлаштириш обьектининг мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади.

Инспекция назоратини ўтказиш муддати туроператор хизматлари учун беш иш кунидан ҳамда жойлаштириш воситаси, тоғ чангиси трассалари ва пляжлар учун ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

49. Марказ инспекция назоратини ўтказиш даврини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси веб-сайтида Инспекция назоратини ўтказиш режасини жойлаштиради.

50. Инспекция назоратини ўтказиш учун Марказ раҳбарининг буйруғи билан комиссия таркиби, инспекция назоратини ўтказиш муддати ва дастури тасдиқланади.

Марказнинг сифат бўйича эксперт-аудиторлари орасидан комиссия раиси тайинланади.

51. Марказ инспекция назорати ўтказиладиган ой бошлангунча ўн иш кунидан кеч бўлмаган вақтда сертификат эгасига бу тўғрида маълум қилади ва ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан, тўлов микдорларини эътиборга олган ҳолда ҳисобланадиган инспекция назоратини ўтказиш нархи тўғрисида хабар беради.

Сертификат эгаси тасдиқланган режага биноан инспекция назорати ўтказилиши лозим бўлган ойнинг ўн бешинчи санасигача инспекция назоратини ўтказиш тўлови тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни Марказга тақдим қилиши лозим.

52. Инспекция назоратини ўтказишга ўз вактида тўлов тўланмаганда ёки инспекция назоратини ўтказиш рад этилганда Марказ сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қиласи.

53. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорда инспекция назоратини ўтказишга тўлов тўлаш учун сертификат эгасига ўттиз кунлик муддат берилиши кўрсатиб ўтилади.

Белгиланган муддат давомида сертификат эгаси томонидан инспекция назоратини ўтказишга тўлов тўланганидан сўнг Марказ ўн иш куни давомида инспекция назоратини ўтказиши керак.

54. Инспекция назорати ушбу Низомнинг 19-29 бандларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Бунда комиссия сертификатининг асл нусхасини мавжудлигини ва ушбу Низомнинг 8–11 бандларида белгиланган ҳужжатларнинг долзарблигини текширади.

Инспекция назорати натижалари бўйича Марказнинг қарори чиқарилгунгача сертификат эгаси ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

55. Режадаги инспекция назорати битимга асосан сертификатнинг амал қилиши даврида икки марта ўтказилади.

Сертификатлаштиришдан кейин:

биринчи режадаги инспекция назорати сертификат берилгандан кейин камида олти ой ўтгандан сўнг ўтказилади;

иккинчи режадаги инспекция назорати аввалги инспекция назорати ўтказилгандан кейин камида ўн икки ой ўтгандан сўнг ўтказилади.

56. Сертификатлаштириш обьекти фаолиятининг режадан ташқари инспекция назорати ушбу Низомнинг 43-банди талаблари бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва сертификатлаштириш обьектлари томонидан

кўрсатиладиган хизматлар сифати юзасидан истеъмолчиларнинг ёзма шикоят мурожаати Марказга тушган тақдирда ўтказилади.

57. Истеъмолчиларнинг ёзма мурожаати асосида амалга ошириладиган режадан ташқари инспекция назорати мурожаат ёки шикоятда кўрсатиб ўтилган номувофиқликларни баҳолашга йўналтирилган бўлиши керак.

58. Инспекция назоратининг далолатномаси тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни давомида Марказ куйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

а) инспекция назоратининг натижалари ижобий бўлганда – сертификатнинг амал қилишини тасдиқлаш тўғрисида. Жойлаштириш воситалари, тоғ чангиси трассалари ва пляж хизматларига нисбатан қарорда таснифлаш тизимига биноан амалдаги тоифасини тасдиқлаш ёки ўзгариши тўғрисида кўрсатиб ўтилиши мумкин;

б) инспекция назоратининг натижалари салбий бўлганда – сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида. Жойлаштириш воситалари, тоғ чангиси трассалари ва пляж хизматларига нисбатан қарорда уларнинг амалдаги тоифасини қўллашга вактинчалик такиқ кўрсатиб ўтилади.

Карор инспекция назоратида иштирок этмаган сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан тайёрланади ва Марказ раҳбари томонидан тасдиқланади.

Инспекция назорати натижаларига кўра жойлаштириш воситаларининг тури ва (ёки) хили ўзгартирилиши мумкин ва бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

59. Инспекция назорати натижалари бўйича қабул қилинган карор унинг қабул қилинган кунидан бошлаб икки иш куни давомида сертификат эгасига юборилади.

60. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорда аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш учун сертификат эгасига ўттиз кунлик муддат берилиши кўрсатиб ўтилади.

Белгиланган муддат давомида сертификат эгаси аниқланган номувофиқликларни бартараф этиши ва бу тўғрида Марказга уларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи барча хужжатлар билан ариза тақдим қилиши мумкин.

61. Сертификат эгасидан сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида тегишли ариза барча тасдиқловчи хужжатлар билан ўз вактида Марказга келиб тушган ҳолатларда комиссия тақдим этилган хужжатлар асосида аввал тузилган далолатномага сертификат обьекти инспекция назоратининг қўшимча далолатномасини уч кун муддатда тузади.

Бунда инспекция назоратининг қўшимча далолатномасини тузиш учун тўлов ундирилмайди.

Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаблар сертификат эгаси томонидан бартараф этилганлиги тўғрисидаги ахборот инспекция назоратининг қўшимча далолатномасида кўрсатилади.

62. Комиссиянинг қўшимча далолатномаси олинган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддатда Марказ қуйидагилар тўғрисида қарор қабул қиласди:

а) инспекция назоратининг натижалари ижобий бўлганда – сертификатнинг амал қилишини тасдиқлаш тўғрисида. Жойлаштириш воситалари, тоғ чангиси трассалари ва пляж хизматларига нисбатан қарорда таснифлаш тизимига биноан амалдаги тоифасини тасдиқлаш ёки ўзгариши тўғрисида кўрсатиб ўтилиши мумкин;

б) инспекция назоратининг натижалари салбий бўлганда – сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида.

Бунда инспекция назоратининг далолатномасида илгари кўрсатиб ўтилмаган янги номувофиқликлар бўйича сертификат амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин эмас.

63. Тўхтатиб туриш тўғрисида қарорда кўрсатиб ўтилган муддат тугагач Марказга келиб тушган сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган номувофиқликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза кўриб чикиш учун қабул қилинмайди.

64. Қуйидаги холатларда ҳам сертификатнинг амал қилиши тугатилади:

а) сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

б) сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида сертификат эгасининг аризаси бўйича;

в) сертификат эгасидан фаолиятни тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги ариза бўйича – фаолиятни тугатиш ёки тўхтатиш кунидан бошлаб;

г) сертификат эгасини тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида назорат ёки рўйхатга олиш органларидан олинган ахборот бўйича – сертификат эгаси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб;

д) сертификат эгаси қайта ташкил этилганда – қайта ташкил этиш кунидан бошлаб, агар сертификат эгаси бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун давомида сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан Марказга мурожаат килган тақдирда, мазкур қайта ўзгартиришлар бундан мустасно;

е) сертификат эгасининг жойлашган жойи ёки сертификатда кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш жойи ўзгарганда, агар сертификат эгаси тегишли қарор қабул қилиш кунидан бошлаб ўттиз кун давомида Марказга сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат килган бўлса, мазкур ҳолат бундан мустасно;

ж) жойлаштириш воситалари томонидан, шу жумладан халқаро бронлаштириш майдонларида мувофилик белгисидан (юлдузлар) ноконуний фойдаланганлик ҳолати аниқланганда;

з) ушбу Низомнинг 52-банди ва 58-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилмаган ҳолатларда - Марказ томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб.

65. Ушбу Низом 62-бандининг “б” кичик банди ва 64-бандининг “ж” кичик бандига мувофиқ сертификатининг амал қилиши тўхтатилган тадбиркорлик субъекти Марказнинг тугатиш тўғрисидаги қарори чиқсан кундан бошлаб уч ой ўтгач сертификатлаштириш обьектининг сертификатлаштирилиши ўтказилиши тўғрисида ариза билан Марказга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

66. Сертификатнинг амал қилиши тугатилиштўғрисидаги қарор у қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни давомида сертификат эгасига юборилади.

67. Режали инспекция назорати ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш битимда белгиланган тартибда амалга оширилади. Инспекция назоратининг нархи ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан тўловлар микдорини эътиборга олган ҳолда хисобланади.

68. Сертификат қуидаги далиллар аниқланган ҳолатларда суд қарори бўйича бекор қилиниши мумкин:

а) сертификат сохта хужжатлардан фойдаланиб олинганда;

б) Марказнинг сертификат бериш тўғрисидаги қарори ноконуний деб топилганда.

Сертификатни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда сертификат Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

69. Тадбиркорлик субъектининг сертификати ушбу Низом 68-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ бекор қилинган бўлса, у бекор қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олти ой ўтгач сертификатлаштириш обьектининг сертификатлаштирилишини ўтказиш тўғрисида ариза билан Марказга мурожаат қилиш хуқуқига эга.

70. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор киритилган кундан бошлаб сертификат эгаси туроператорлик, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари кўрсатиш учун янги шартномалар тузишни тўхтатиб туриши ва Марказ томонидан белгиланган муддатда номувофиқларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

71. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор келиб тушган кундан бошлаб сертификатининг амал қилиши тўхтатилган ёки сертификати бекор қилинган тадбиркорлик субъекти

мавжуд шартномалар бўйича туроператорлик, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматлари кўрсатишни ва янги шартномалар тузишни тўхтатиши керак.

72. Сертификат амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши сертификат, мувофиклик белгиси ва жойлаштириш воситаси, тоғ чанғиси трассалари ва пляжларнинг тоифасини қўллаш хуқуқини тўхтатиб туради ёки тугатади.

Тадбиркорлик субъекти сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган, тугатилган ёки сертификати бекор қилинган бўлса, у ўзининг сертификатлаштирилган хизмати (сертификати) борлиги тўғрисида маълум қилиш хуқуқига эга эмас.

4-боб. Яширин баҳолаш

73. Туристик хизматларни кўрсатиш жараёнини ва ундан туристларнинг қониқишини мониторинг қилиш мақсадида Марказ “сири мөхмон” тайинлаши мумкин ва унинг иштирокида туристик хизматларни яширин баҳолашни ўтказади.

74. “Яширин баҳолаш” кўйидаги ҳолатларда ўтказилади:

а) туристларни туристик хизматлар обьектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатидан қониқиши тўғрисидаги сўровномалар натижалари бўйича;

б) туристик хизматлар кўрсатувчи обьектларда ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини мониторинг қилиш ва/ёки бошқаришни баҳолаш тизими томонидан аникланадиган ташриф буюрувчиларнинг сўровномалари натижалари рейтинги паст бўлганда;

в) туристик хизмат обьектининг яширин баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги аризасига биноан.

Яширин баҳолашни ўтказиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

75. Яширин баҳолашни ўтказиш бўйича барча харажатлар, 74-банднинг “в” кичик бандидан ташқари, Марказ томонидан молиялаштирилади.

Ушбу Низомнинг 74-банди “в” кичик бандида кўрсатилган ҳолларда яширин баҳолаш тўлов киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида ўтказилади. Бунда тўлов микдори яширин баҳолаш обьекти томонидан тўловни амалга ошириш кунида сертификатлаштиришни ўтказиш учун тўлов суммасининг 30 фоизи микдорда белгиланади.

Юқоридагилардан ташқари ариза берувчи хизмат кўрсатиш билан боғлик бўлган бевосита кўрилган ҳақиқий қўшимча харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қоплайди.

76. Яширин баҳолашни ўтказиш учун Марказ раҳбарининг бўйруғи билан “сирли меҳмон” тайинланади, баҳолаш ўтказиш муддати тасдиқланади.

“Сирли меҳмон” сифатида Марказ ходимлари орасидан тайинланган ходимлар ёки бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

Марказ ходимлари орасидан тайинланган “сирли меҳмон” ушбу сертификатлаштирилган объектни мувофиқлигини баҳолашда иштирок этмаган бўлиши керак.

77. Яширин баҳолаш сертификат эгасини хабардор қилмасдан, унинг фаолиятига аралашмасдан, бевосита туристик хизматлар объектининг жойлашган жойида амалга оширилади.

Бунда “сирли меҳмон” туристик хизматлар обьекти ходимларининг ташқи кўриниши ва ўзини тутишини, обьектининг умумий ҳолати ва зарур жиҳозлар билан таъминланганлигини ҳамда хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини баҳолайди.

78. Яширин баҳолаш давомида ушбу Низомнинг 12-иловасига мувофик шакл бўйича туристик хизматлар обьектини яширин баҳолаш сўровномаси (анкета) тўлдирилади.

79. Яширин баҳолаш натижалари бўйича Марказ уч иш куни мобайнида сўровномани таҳлил қиласи ва туристик хизматлар обьектига тегишли тавсиялар беради ҳамда аниқланган камчиликлар юзасидан чора-тадбирлар кўриш учун яширин баҳолаш натижалари тўғрисида хабардор қиласи.

Яширин баҳолаш натижалари бўйича Марказ томонидан туристик хизматлар обьектига нисбатан бирон-бир чора кўрилишига йўл қўйилмайди.

Яширин баҳолаш натижаларидан инспекция назорати давомида фойдаланилиши мумкин.

5-боб. Сертификатни қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш

80. Марказ томонидан сертификатни қайта расмийлаштириш қуидаги ҳолатларда битим асосида амалга оширилади:

а) сертификатлаштириш аризасида кўрсатиб ўтилган сертификат эгасининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ёки хизмат кўрсатиш жойи ўзгаргани тўғрисида ариза билан сертификат эгасининг мурожаатида, лекин ушбу ариза хақиқий ўзгаришлар бошланишидан кейин ўттиз кун давомида Марказга тақдим қилинган бўлиши шарт;

б) сертификат эгасининг уни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаатида, лекин ушбу ариза карор кабул қилинган ва қайта ташкил этилгандан кейин ўттиз кун давомида Марказга тақдим қилинган бўлиши шарт;

в) инспекция назорати натижалари бўйича сертификатлаштириш объектларининг тоифасини, турини ва/ёки хилини ўзгартиришда;

г) сертификат эгаси томонидан туристик хизматлар рўйхатининг қисқаришида.

81. Ушбу Низом 80-бандининг “а”, “б” ва “г” кичик бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида сертификат эгасининг аризаси асосида ушбу сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида карор қабул қиласи, ушбу аризага қуидагилар илова қилиниши керак:

аввал берилган сертификатнинг асл нусхаси;

қайта расмийлаштириш заруратини тасдиқловчи ҳужжатларнинг сертификат эгасининг имзоси билан тасдиқланган нусхалари;

ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан миқдорда сертификатни қайта расмийлаштириш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

82. Ушбу Низом 80-бандининг “в” ва “г” кичик бандларида кўрсатиб ўтилган ҳолатда карор қабул қиласи кундан бошлаб уч иш куни давомида сертификатни қайта расмийлаштириш бепул амалга оширилади.

83. Қабул қилинган қарор унинг қабул қилинган кунидан бошлаб уч иш кунидан кеч бўлмаган вақтда сертификат эгасига юборилади, шундан сўнг Марказ қайта расмийлаштирилган сертификатни унинг эгасига беради.

84. Қайта расмийлаштирилган сертификатнинг амал қилиш муддати аввал унинг эгасига берилган сертификатнинг амал қилиш муддатига мувофиқ бўлади.

85. Сертификат эгасининг хоҳишига кўра Марказ у билан қайта расмийлаштирилган сертификатнинг амал қилиш муддати юзасидан янги битим тузади.

86. Йўқолган ёки яроксиз ҳолатга келган сертификат ўрнига Марказ сертификат эгасининг тегишли аризасига биноан, ариза олинган кундан бошлаб беш кун давомида унинг дубликатини беради.

Ариза билан ушбу Низомнинг 5-иловасига биноан миқдорда сертификат дубликатини бериш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бирга тақдим этилган шарт бўйича, битим асосида сертификатнинг дубликати берилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

87. Сертификат эгалари ва ариза берувчилар томонидан тақдим этилган аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларда кўрсатиб ўтилган ахборотларнинг ишончлилигига уларнинг ўзлари жавобгар бўладилар.

88. Марказ белгиланган тартибда сертификат бериш тұғрисида ва беришни рад қилиш, сертификат амал қилишини тұхтатиб туриш, тугатиши ёки сертификатларни бекор қилиш тұғрисидаги қарорлар ҳисобини юритади.

89. Берилған ва қайта расмийлаштирилған сертификатлар, амал қилиш муддати тұхтатилған сертификатлар, бекор қилинған сертификатлар тұғрисидаги маълумот ҳар ойда Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестрини юритиш учун “Ўзстандарт” агентлигига электрон шаклда тақдим этилади.

Амал қилиш муддати тұхтатилған сертификатлар ва бекор қилинған сертификатлар тұғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинған кундан бошлаб уч иш кунидан күп бўлмаган муддатда Марказ томонидан давлат солик хизмати органларига ва сертификатлаштириш обьектининг жойлашган жойи бўйича ички ишлар органига юборилади ҳамда ушбу маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

90. Ариза берувчи ёки сертификат эгаси Марказнинг қароридан рози бўлмаган ҳолатларда апелляция билан «Ўзстандарт» агентлигига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. «Ўзстандарт» агентлигининг қарори юзасидан қонунчиликда белгиланған тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

91. Марказ ариза берувчининг (сертификат эгасининг) ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинған ўзи тұғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлайди.

92. Марказ ва ариза берувчилар ҳамда сертификат эгалари ўртасида ҳужжат айланиши (ариза, ҳужжатлар ва маълумотлар, қарорлар, билдириш хатлари, ариза ва шу кабиларни бериш ва юбориш) қофозли манбада ёки электрон шаклда амалга оширилади. Ариза, ҳужжатлар ва маълумотлар сифати сертификатлаштириш мақсадлари учун зарур бўлган ахборотни аниқлашга имкон бериши керак. Марказга келиб тушган ҳужжатлар ва маълумотлар сертификатлаштириш ёки инспекция назорати жараёнида уларнинг асл нусхалари билан солиширилади.

93. Амал қилиши тугатилғанва бекор қилинған сертификатлар Марказ томонидан тегишли қарор қабул қилинған кундан бошлаб бир йил ўтгач белгиланған тартибда йўқ қилиниши лозим, бу тұғрида қуийидаги асосий маълумотлар акс эттириладиган маҳсус журналда қайд амалга оширилади:

- а) қарорнинг рақами ва санаси;
- б) сертификат эгасининг номи;
- в) кўрсатиладиган хизмат номи;
- г) бланканинг босмахона рақами ва Сертификатлаштириш миллий тизимининг Давлат реестри бўйича рақами;
- д) йўқ қилиш санаси.

94. Сертификатлаштириш ва инспекция назоратини ўтказиш билан боғлиқ бўлган Марказнинг ҳужжатлари сертификат берилган кундан бошлаб беш йил ўтгач белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

95. Ариза берувчилар ва сертификат эгалари Марказга ваколатланган назорат органларининг (ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлиги ва лифт жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш, экологик талабларга мувофиқлиги ва экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини тўғрисида давлат экологик экспертизаси, тоғ кўчкилари хавфи бўйича ва осма канат йўлини хавфсиз эксплуатация қилиш) хулосаларини тақдим этишлари мумкин, уларда сертификатлаштириш объектларининг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги юзасидан ушбу органлар томонидан ўтказилган тўлик бўлмаган текширув акс эттирилган бўлади. Аниқланган далиллар тўғрисида Марказ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига хабар беради.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ваколатланган назорат органлари (ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлиги, лифт жиҳозларидан хавфсиз фойдаланиш, экологик талабларга мувофиқлиги ва экологик экспертиза объектини реализация қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини тўғрисида давлат экологик экспертизаси, тоғ кўчкилари хавфи бўйича ва осма канат йўлини хавфсиз эксплуатация қилиш) бўлган тегишли вазирлик ва идораларга тақдимнома юборади.

96. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Сертификатга эга бўлмасдан туроператор, жойлаштириш воситалари, тоғ чангиси трассалари ва пляж хизматлари кўрсатадиган, сертификатлаштириш талабларини бузган ёки сохта ҳужжатлардан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түгрисидаги низомга
1-илова

**Туристик хизматларни стандартлаштириш бўйича норматив
хужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш
учун сертификатлаштириш
СХЕМАСИ**

Субъектлар

Чора-тадбирлар

**Бажариш
муддатлари**

Ариза берувчи	Ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатларни тайёрлайди ва поча алоқа воситалари оркали ёки электрон шаклда “Туристик хизматларини сертификатлаштириш маркази” ДУКга (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) сертификатлаштириш учун ариза беради.	Ариза берувчининг хоҳшига кўра
Марказ	Аризани кўриб чиқади ва сертификатлаштиришни ўтказиш ёки сертификатлаштириш ўтказишни рад этиш түгрисида қарор қабул қиласди.	3 иш куни давомида
Марказ	Ариза берувчига сертификатлаштириш ўтказиш түгрисида шартномани илова қилиб сертификатлаштириш ўтказиш түгрисида ёки рад этиш сабаблари кўрсатиб ўтилган сертификатлаштириш ўтказишни рад этиш түгрисидаги қарорни юборади.	2 иш куни давомида
Ариза берувчи	Марказнинг банк ҳисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан сертификатлаштириш түгрисидаги шартнома бўйича ҳақ тўлашни амалга оширади.	30 кун давомида
Марказ	Комиссия таркиби ва сертификатлаштириш дастурини тасдиқлади.	3 иш куни давомида
Марказ	Тақдим қилинган ариза, ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларни норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таҳлил қиласди. Хуносани расмийлаштиради ва уни ариза берувчига юборади.	15 иш куни давомида
Марказ	Комиссия сертификатлаштириш обьектини норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолайди, баҳолаш далолатномасини расмийлаштиради ва баҳолаш далолатномасини Марказга тақдим қиласди.	7 иш кунидан кўп эмас
Марказ	Сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш түгрисида қарор қабул қиласди.	3 иш куни давомида
Ариза берувчи	Сертификат бериш рад этилганда номувофиқликларни бартараф этади. Номувофиқликларни бартараф этилганини тасдиқловчи барча ҳужжатлар билан уларни бартараф этиш түгрисидаги аризани тақдим этади.	30 кун давомида
Марказ	Сертификат беришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар ариза берувчи томонидан ўз вақтида бартараф этилганда – қайта баҳолашни амалга оширади.	3 иш кунидан кўп эмас

Марказ	Сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	2 иш куни давомида
Марказ	Ариза берувчига сертификат бериш (сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаш ҳукуқини бериш тўғрисидаги битимни илова қилган ҳолда) ёки сертификат беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни юборади.	1 иш куни давомида
Ариза берувчи	Сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда - сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаш ҳукуқини бериш тўғрисида битим тузади.	30 кун давомида
Марказ	Сертификатлаштириш миллий тизимиning Давлат реестрида сертификатни расмийлаштиради ва рўйхатдан ўтказади. Ариза берувчи вакилига сертификатни беради.	2 иш куни давомида

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түгрисидаги низомга
2-илова

“ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ”
ДУК

Сертификатлаштириш учун ариза

1. _____
(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш түгрисидаги гувоҳномага биноан ариза берувчининг тўлиқ номи)

манзил бўйича рўйхатдан ўтган
(манзил, телефон, факс, электрон почта)

тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш түгрисида гувоҳнома:

(рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувоҳнома берган орган номи)

шахс номидан,
(ариза берувчи раҳбарлиниг лавозими, Ф.И.О.)

манзил бўйича тақдим этиладиган
(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино рақами)
куйида кўрсатилаётган:

а) туроператор: _____
(хизмат турлари: кириши туризми, чиқиши туризми, ички туризм, фаол туризм)

б) меҳмонхона: _____
(жойлаштириш воситасининг тури ва номи, номер ва жойтар миқдори)

в) тоғ chanғиси трассалари: _____
(трассанинг узунлиги (км) ва номи)

г) пляж: _____
(пляжнинг ўтказилиши қуввати (инсон) ва номи)

(мулк мақоми түгрисида ҳужжат/ижара шартномаси бўйича фойдаланилади)

хизматлари _____
(стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар)
да белгиланган талабларга мувофиқлигини
маълум қиласида ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга ушбу хизматларни
мувофиқлигини сертификатлаштиришни сўрайди;

жойлаштириш воситаси/тоғ chanғи трассаси/пляжнинг тоифаси аниқлансин

ҳа йўқ
(сўралаётганининг тагига чизинг)

2. Сертификатлаштиришни ўтказиша иштирок этадиган ариза берувчининг жавобгар
шахси

(лавозим, Ф.И.О., телефон, электрон почта)

3. Ариза берувчи сертификатлаштиришнинг қонунчилик томонидан белгиланган барча шартларини бажариши ва сертификатлаштириш ўтказиш бўйича барча харажатларни тўлаши лозим.

4. Аризага зарур ҳужжатлар ва маълумотлар _____ варакда илова қилинади.

(аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

(шахсий имзо)

20 ____ йил ____
(сана)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
3-илова

**Аризачининг ходимлари түғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

№	Фамилия, исми, отасининг исми	Лавозим	Маълумоти (таълим муассаси номи, ихтисослиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Туризм давлат қўмитасининг малака сертификати рақами ва берилган санаси
1	2	3	4	5

(аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

(шахсий имзо)

20 ____ йил ____
(санаси)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түгрисидаги низомга
За-илова

Аризачининг ходимлари түгрисида
МАЪЛУМОТЛАР

№	Фамилия, исми, отасининг исми	Лавозим	Куткарув хизматлари органида аттестациядан ўтиш далолатномаси раками ва бериш санаси
1	2	3	4

(аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

(шахсий имзо)

20 ____ йил ____
(санаси)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Аризачи томонидан тузилган шартномалар
РЎЙХАТИ**

№	Контрагент номи	Контрагент кўрсатадиган хизмат тури	Шартнома раками ва санаси	Шартноманинг амал қилиш муддати	Хизмат кўрсатиш учун асос бўлувчи лицензиялар, рухсатномалар ва сертификатлар раками, санаси ва амал қилиш муддати
1.	2.	3.	4.	5.	6.

(аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

(шахсий имзо)

20 ____ йил ____
(санаси)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
5-илова

Сертификатлаштиришни ўтказиш учун
ТҮЛОВ МИҚДОРИ

№	Номи	Түлов миқдори (БҲМда)
Туроператор хизматлари		
1	Кириш (туристларни қабул қилиш) туризми	3,4
2	Чикиш (туристларни юбориш) туризми	3,5
3	Ички туризм	3,3
	Юқорида кўрсатиб ўтилган хизматларнинг биттадан ортигини сертификатлаштиришда түлов миқдори сертификатлаштиришнинг умумий суммасидан 35% га камаяди.	
Мехмонхона хизматлари		
4	Сигими 10 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	2,7
5	Сигими 25 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	3,8
6	Сигими 50 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	6,0
7	Сигими 100 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	6,8
8	Сигими 150 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	10,7
9	Сигими 200 та жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	12,1
10	Сигими 350 та ва ундан юқори жойгача бўлган жойлаштириш воситалари	13,6
Тоғ чангиси трассаси хизматлари		
11	Тоғ чангиси трассаси хизматлари	9,2
Пляж хизматлари		
12	Пляж хизматлари	9,2
	Туристик индустрия обьектларининг тоифасини аниқлаш ва уни бериш вақтида сертификатлаштириш бўйича хизматларга түлов миқдори юқорида кўрсатиб ўтилганнинг 200% миқдорида белгиланади.	
	Санаторийлар, пансионлар ва яшаш учун жой билан таъминлаган ҳолда медицина хизмати кўрсатиш фаолиятни амалга оширувчи жойлаштириш воситаларида сертификатлаштириш бўйича хизматлар учун түлов юқорида кўрсатиб ўтилган түловларнинг 50% миқдорида белгиланади.	
	Инспекция назорати учун түлов миқдори юқорида кўрсатиб ўтилган түловнинг 50% миқдорида белгиланади.	
13.	Сертификатни кайта расмийлаштириш	0,5
14.	Сертификат дубликатини бериш	0,5

Изоҳлар:

- Сертификатлаштириши билан боғлиқ ишларни ўтказишда түлов миқдорини ҳисоблаш учун сертификатлаштириши шартномаси расмийлаштирилган кунда белгиланган БҲМ (Базавий ҳисоблаш миқдори) қўлланади.
- Сертификатлаштириши бўйича ишлар (хизматлар) нархи юқорида кўрсатиб ўтилган сертификатлаштириши бўйича ишларни бажарии учун түлов миқдорини ушибу Низомнинг 5б-иловасида кўрсатилган тегезиши коэффициентга кўпайтириши орқали аниқланади.
- Инспекция назоратини ўтказишда түланадиган түлов миқдорини ҳисоблаш учун инспекция назоратига түлов түланган кунда белгиланган БҲМ (Базавий ҳисоблаш миқдори) қўлланади.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
5а-илова

**Сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаш учун
ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ**

№	Сертификатлаштирилган хизматлар кўрсатишдан уч йилда тушган даромаднинг прогноз қилинган ҳажми (КҚСсиз)	Мувофиқлик белгисини қўллаш учун тўлов (даромаднинг прогноз қилинган хар бир 10 млн. сўмига)
1	10 000 млн. сўмдан кўп эмас	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдори
2	10 000 млн. сўмдан юкори	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,5 фоизи миқдори

Изоҳлар:

1. Тўланадиган тўлов миқдорини ҳисоблаши учун битим расмийлаштирилган кунда белгиланган БҲМ (Базавий ҳисоблаш миқдори) қўлланади.
2. Раҳбарлик функциялари ва бухгалтерлик ҳисоби функцияларини амалга оширувчи шахсларнинг ҳамда режса бўлими (штат жадвалида бўлганда) бошлигининг имзолари қўйилган аризачининг ёзма декларацияси сертификатлаштирилган хизматлар кўрсатишдан уч йилда тушган даромаднинг прогноз қилинган ҳажмининг тасдиги ҳисобланади.
3. Сертификат ва мувофиқлик белгисини қўллаши учун тўлов миқдори юқорида кўрсатиб ўтилган тўловни уибу Низомнинг 5б-иловасида кўрсатилган тегишили коэффициентга кўпайтириши йўли орқали аниқланади.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
56-илова

**Республиканинг худудларида сертификат ва мувофиқлик
белгисини қўллаш учун тўловларга доир
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

T/p	Минтака	Шахар ва туман марказлари	Кишлоқ аҳоли пунктлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,7	0,7
2	Андижон вилояти	1,1	0,7
3	Жиззах вилояти	1,1	0,7
4	Қашқадарё вилояти	1,2	0,8
5	Наманган вилояти	1,1	0,7
6	Навоий вилояти	1	0,7
7	Сурхандарё вилояти	0,9	0,6
8	Сирдарё вилояти	0,7	0,7
9	Тошкент вилояти	1,3	1,3
10	Фарғона вилояти	1,2	0,7
11	Самарқанд вилояти	1,6	0,7
12	Бухоро вилояти	1,5	0,7
13	Хоразм вилояти	1,2	0,7
14	Тошкент ш.	1,8	-

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия обьектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
6-илова

**Сертификатлаштириш обьектининг номувофиқлиги түғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

Аризачи/сертификат эгасининг номи:	№
Аризачи /сертификат эгаси бўлинмасининг номи:	
Сертификатлаштириш обьектига талаблар белгилайдиган норматив ҳужжат рақами:	Норматив ҳужжат бандлари:
Сифат бўйича эксперт-аудитор:	Аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси:
Сифат бўйича эксперт-аудитор томонидан аникланган номувофиқликлар:	
1.	
2.	
Сифат бўйича эксперт-аудитор имзоси:	
Аникланган номувофиқликларга қўшиламан (аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси)	Сана: Хисоботга қўшилмайман (аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси)
Имзо	Сана:
Имзо Сана: Ёзма тушунтириш илова қилинади	
Аникланган номувофиқликларни бартараф этиш бўйича аризачи/сертификат эгасининг чора- тадбирлари:	
1.	
2.	
Аризачи/сертификат эгасининг масъул шахсининг имзоси:	
Чора-тадбирга қўшиламан	Сана: Чора-тадбирга қўшилмайман
Сифат бўйича эксперт-аудитор имзоси:	
Номувофиқликларни бартараф этиш түғрисида сифат бўйича эксперт-аудиторнинг қайдлари:	
1.	
2.	
Сифат бўйича эксперт-аудитор имзоси:	
Сана:	

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия объектларини таснифлаш
тартиби түгрисидаги низомга
7-илова

**Жойлаштириш воситасини таснифлаш
БАЁННОМАСИ**

(сертификатлаштириш объектининг номи)

Т/р	Норматив ҳужжат талаблари	Таснифлаш тизими					Мувофиқлик түгрисида қайд
		*	**	***	****	*****	
1	2	3	4	5	6	7	8

Комиссия раиси: _____
(шахсий имзо) _____
(Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____
(шахсий имзо) _____
(Ф.И.О.)

Бахолаш аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси иштирокида амалга оширилди:

(лавозим, Ф.И.О.) _____
(шахсий имзо)

20 ____ йил _____
(сана)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
8-илова

**Тоғ чанғиси трассаларини таснифлаш
БАЁННОМАСИ**

(сертификатлаштириш объектининг номи)

Т/р	Норматив хужжат талаблари	Таснифлаш тизими				Мувофиқлик түғрисида қайд
		яшил	кўк	қизил	қора	
1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.

Комиссия раиси: _____
(шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____
(шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

Баҳолаш аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси иштироқида амалга оширилди:

_____ (лавозим, Ф.И.О.) _____ (шахсий имзо)

20 ____ йил _____
(санаси)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
9-илова

**Пляжларини таснифлаш
БАЁННОМАСИ**

(сертификатлаштириш объектининг номи)

Т/р	Норматив ҳужжат талаблари	Таснифлаш тизими			Мувофиқлик түғрисида қайд
		I тоифа (кўк байроқ)	II тоифа (яшил байроқ)	III тоифа (сариқ байроқ)	
1.	2.	3.	4.	5.	6.

Комиссия раиси: _____
(шахсий имзо) _____
(Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____
(шахсий имзо) _____
(Ф.И.О.)

Баҳолаш аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси иштирокида амалга оширилди:

(лавозим, Ф.И.О.) _____
(шахсий имзо)

20 ____ йил _____
(сана)

Туристик хизматларни сертификатлашириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
10-илова

Сертификатлашириш объектини баҳолаш
БАЁННОМАСИ

(сертификатлашириш объектиning номи)

T/p	Норматив ҳужжатлар талаблари	Норматив ҳужжатларнинг белгиланиши ва банди	Ҳақиқий ҳолати	Мувофиқлик түғрисида қайд
1	2	3	4	5

Комиссия раиси: _____
(шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____
(шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

Баҳолаш аризачи/сертификат эгасининг масъул шахси иштирокида амалга оширилди:

_____ (лавозим, Ф.И.О.) _____ (шахсий имзо)

20 ____ йил _____
(сана)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустря объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
11-илова

**Сертификатлаштириш обьектини баҳолаш/инспекция назоратининг
— сон ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20 ____ йил _____ Ш.

“Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК раҳбарининг
20 ____ й. «____» _____ даги бўйруғига мувофиқ, таркибда комиссия раиси
ва комиссия аъзолари _____ бўлган комиссия
(Ф.И.О., лавозими) (Ф.И.О., лавозими)

20 ____ й. «____» _____ дан 20 ____ й. «____» _____ гача аризачи/сертификат
эгасининг масъул шахси

(лавозим, Ф.И.О.И., телефон, электрон почта)
иштирокида _____ талабларига
(стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар)

НИНГ
(сертификатлаптириш обьектининг номи ва манзили)

мувофиқлигига сертификатлаштириш/инспекция назоратини ўтказиш мақсадида
(аризачи/сертификат эгасининг номи ва манзили)

аризачи/сертификат эгаси томонидан кўрсатиладиган туроператор/мехмонхона/тоғ
чангиси трассаси/пляж хизматларини баҳолади.

Баҳолаш вактида: _____ белгиланди.

Комиссия тавсияси: _____.

Комиссия холосаси: _____.

Иловалар: _____
(баҳолаш далолатномалари, номунофиқлик далолатномалари ва инспекция назоратида – сертификат)

Комиссия раиси: _____ (шахсий имзо) (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____ (шахсий имзо) (Ф.И.О.)

Далолатнома билан танишдим ва битта экземплярини олдим:

_____ (аризачи раҳбари/сертификат эгасининг
лавозими, Ф.И.О.) (шахсий имзо)

20 ____ й. _____ (сана)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
12-илова

**“Яширин баҳолаш”
СҮРОВНОМАСИ**

(сертификатлаштириш объектининг номи)

№	Норматив хужжатлар талаблари	Норматив хужжатларнинг белгиланиши ва банди	Ҳақиқий холати	Мувофиқлик түғрисида қайд
1	2	3	4	5

Яширин меҳмон:
(шахсий имзо)

(Ф.И.О.)

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия объектларини таснифлаш
тартиби тұғрисидаги низомга
13-илова

Ўзбекистон Республикаси
сертификатлаштириш миллий тизими

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
“Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК
МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

(мувофиқлик белгиси)

Сертификатлаштириш миллий тизимининг

Давлат реестрида рўйхатдан
утказиш

№: _____
рўйхатга олиш санаси: _____
_____ гача амал қилади

_____ манзилда жойлашган,

_____ томонидан кўрсатилаётган
(сертификат эгасининг номи ва манзили)

туроператор хизматларининг _____ да белгиланган
(стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар)

талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Сертификат: _____ га тааллукли.
(кириш, чиқиш ва ички туризм)

Кўшимча маълумотлар _____.

Сертификат _____ асосида берилган.
(марказ қарорининг раками ва санаси)

Марказ директори _____ (шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Туристик хизматларни сертификатлаштириш
ва туристик индустрия объектларини таснифлаш
тартиби түғрисидаги низомга
14-илова

Ўзбекистон Республикаси
сертификатлаштириш миллий тизими

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

“Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК

МУВОФИКЛИК СЕРТИФИКАТИ

(мувофиқлик белгиси)

Сертификатлаштириш миллий тизимининг
Давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш

№: _____

рўйхатга олиш санаси: _____

гача амал қиласди

(сертификат эгасининг номи ва манзили)

манзилда жойлашган,

(сертификатлаштириш обьектининг номи ва тури)

томонидан кўрсатилаётган

жойлаштириш воситаси/тоғ чангиси трассаси/пляж хизматлари

да белгиланган
(стандартлаштириш бўйича норматив хужжатлар)

талабларга мувофиқлигини тасдиқлади.

Жойлаштириш воситаси/тоғ чангиси трассаси/пляжга _____ тоифаси
берилди.

Сертификат: _____ га тааллукли.
(номерлар ва жойлар сони/узунлик (км)/ўтказиш қуввати)

Кўшимча маълумотлар _____.

Сертификат _____ асосида берилган.
(марказ карорининг рақами ва санаси)

Марказ директори _____
(шахсий имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
3-илова

**Туроператор ва турагентлик хизматларини
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом туроператор ва турагент хизматларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси;

турагентлик фаолияти – туристик маҳсулотни тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

турист – вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлик бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кечада туабн қолувчи жисмоний шахс;

туристик ваучер – туристнинг тур таркибига кирувчи хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва уларнинг ва уларнинг ҳақи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат;

туристик маҳсулот буюртмачиси – турист, экскурсант ёки турист ёхуд экскурсант номидан туристик маҳсулотга буюртма берувчи бошқа шахс;

туристик маҳсулот – туристик бозор конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда ёхуд туристнинг ёки экскурсантнинг буюртмасига кўра туроператор томонидан шакллантириладиган, туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган туристик хизматлар мажмуи;

туристик хизматлар – жойлаштириш, овқатлантириш транспорт экскурсия ва маслаҳат ҳизмати кўрсатиш буйича ҳизматлар шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар ;

туроператорлик фаолияти – туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилиш юзасидан юридик шахс томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

экстурант – вактинча бўлиш мамлакатида (жойида) тунаб қолмасдан йигирма тўрт соатдан ошмайдиган даврда саёхат қилувчи жисмоний шахс.

3. Туристик хизматларнинг таркиби (микдори, ҳажми) турлари ва қиймати агар қонун хужжатларида бошқа талаблар назарда тутилган бўлмаса, туристик хизматларни кўрсатиш шартномасида белгиланади.

4. Туроператорлар ва турагентлар туристик фаолиятини ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

Туроператорларнинг ҳизматлари қонун хужжатларда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

2-боб. Туроператор ва турагент хизматларига қўйиладиган талаблар

5. Туроператор ва (ёки) турагент хизматлари мижоз билан хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилгандан кейин кўрсатилади.

6. Туроператорлар ва (ёки) турагентларнинг хизмат кўратиш тартиби туроператор ва (ёки) турагент томонидан буюртмачига маъқул шаклда етказилади.

7. Туроператор ва (ёки) турагент унинг фирма номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва иш тартиби тўғрисидаги маълумотларни туристлар (экскурсантлар)га етказилишини таъминлайди. Ушбу маълумотларни ижрочи туристлар (экскурсантлар) танишиши учун қулай бўлган шаклда етказади.

8. Туроператор ва турагент иш фаолиятини вактинча тўхтатган тақдирда туристга (экскурсантга) фаолиятини вактинча тўхтатиш маддати ҳакида маълумот бериши шарт.

Бунда туроператор ёки турагент тузилган шартномага мувофик туристга(экскурсантга) туристик хизматларни кўрсатилиши шарт.

9. Туроператор ва (ёки) турагент туристнинг (экскурсантнинг) биринчи талаби буйича мулоҳазалар ва таклифлар (шикоят) дафтарини тақдим этиши шарт.

10. Туроператор туристларга (экскурсантларга) туристик маҳсулот жумласига кирувчи туристик хизматлар мажмуи ёки уларнинг бир қисмини мутакил ёки алоҳида туристик хизматлар турларини кўрсатувчи шахсларни жалб этган холда кўрсатилишини таъминлайди.

11. Туроператор турга кирувчи хизматларга бўлган ҳуқуқни алоҳида туристик хизматлар кўрсатувчи шахслар билан ёки турга кирувчи хизматларнинг барча турлари кўрсатилишини таъминловчи туристларни (экскурсантларни) қабул қилувчи туроператор билан тузилган шартномалар асосида олади.

12. Туристик маҳсулотни шакллантириш чоғида туроператор атроф табиий муҳитга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш таъминланишини назарда тутиши шарт.

13. Туристик маҳсулотни тарғиб этиш чоғида туроператор ва турагент туристик маҳсулот тӯғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

14. Турагент туристик маҳсулотни тарғиб этишни туроператор билан тузилган шартнома асосида амалга оширади.

15. Туристик маҳсулотни шакллантириш учун туроператорга бериладиган буйуртманома дастлабки шартнома хусусиятига эга бўлган битим тарзида расмийлаштирилади.

16. Туроператор ва турагент ўз фаолиятини факат лицензияда кўрсатилган йуналишда амалга оширади

17. Туроператорлар ўз хизматларини факат қонун ҳужжатларга мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини сұғурта килиш бўйича сұғурта полисини олгандан кейин амалга ошириши шарт.

3-боб. Туроператор ва турагент хизматларидан фойдаланиш шартлари

18. Туроператор ва (ёки) турагент буюртмачига туристик маҳсулот тӯғрисида зарур ва ишончли маълумотларни ўз вақтида тақдим этишни таъминлайди.

19. Туристик маҳулот ҳақидаги маълумотларда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

турни амалга ошириш учун риоя қилиш зарур бўлган тиббий расмиятчиликлар, шу жумладан туристнинг (экскурсиячининг) турда иштирок этишига монеълик қилиши мумкин бўлган маълум касалликлар, хусусан уларнинг жисмоний ҳолати ва ёшига хос хусусиятлар;

божхона, чегара ва бошқа қоидалар (саёҳат қилиш учун зарур бўлган хажмда);

кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун асосий талаблар (вақтинча бўлиш мамлакати (жойи) га кириш ва чиқиш визаси);

турестнинг (экскурсиячининг) вақтинча бўлиш мамлакатида (жойда) фавқулодда ҳолатларда унинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳолатлар, шунингдек, туристнинг (экскурсиячининг) молмулкига зарар етказиш хавфи бўлган ҳолларда мурожаат қилиши мумкин бўлган вақтинча бўлиш мамлакати (жойи) да жойлашган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги

дипломатик ва консуллик муассасаларининг жойлашган жойи (почта манзили) ва алока телефонлари;

туризм маҳсулотининг хусусиятига қараб, агар у муҳим бўлса, туризм маҳсулотига киритилган баъзи хизматларни тақдим этадиган учинчи томонга;

маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлар, зиёратгоҳлар, табиат, тарихий, маданий ёдгорликлар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган туристик обьектлар, атроф-муҳитнинг ҳолати (саёҳат қилиш учун зарур бўлган ҳажмда);

вақтингча яшаш мамлакати (жойи) нинг миллий ва диний хусусиятлари; бошқа саёҳат хусусиятлари хақида.

20. Туризм маҳсулотини сотиш туризм оператори ва (ёки) туризм агенти ва буюртмачи ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Туроператор ва (ёки) турагент ўртасидаги шартномада қўйидагилар назарда тутилиши лозим:

туризм маҳсулотини туризм агенти томонидан сотиш шартлари;

турагентнинг туризм оператори номидан ёки ўз номидан туризм маҳсулотини сотиш ҳуқуки ва мажбуриятлари;

турагент томонидан субагент шартномасини тузиш имкониятини (имконсизлигини) таъминловчи шартлар;

буюртмачи туризм маҳсулотини тақдим этиш шартномасини бажариш бўйича уларга шикоятнома тақдим этган тақдирда, туризм оператори ва туризм агентининг ўзаро муносабатлари тартиби;

туроператор ва (ёки) турагентнинг жавобгарлиги, шунингдек, туризм маҳсулоти буюртмачиси олдидағи ҳар бир томоннинг туризм маҳсулоти тўғрисида маълумот тақдим этмаганлиги ёки нотўғри маълумот тақдим этганлиги, туризм хизматларини тақдим этиш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги.

21. Туроператор ва (ёки) турагент ва туризм маҳсулоти буюртмачиси ўртасидаги шартнома қўйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

туроператор ва (ёки) турагентнинг номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), фаолият йўналиши ва лицензия рақами;

туризм маҳсулотини сотиш учун зарур бўлган ҳажмдаги туризм маҳсулотини буюртмачиси тўғрисида маълумот;

туризм маҳсулотининг нархи ва уни тўлаш тартиби;

туроператор ва (ёки) турагент ва туризм маҳсулоти буюртмачисининг ҳуқуклари ва мажбуриятлари;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари ва тартиби;

туроператор ва (ёки) турагент ва туризм маҳсулоти буюртмачисининг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби.

22. Туроператор ва (ёки) турагент ва туризм маҳсулоти буюртмачиси шартномада туризм маҳсулотини истеъмол қилиш шартлари, шу жумладан саёҳат дастури, йўналиш ва саёҳат шартлари, ҳаракатланиш, туарар жой ва овқатланиш тўғрисидаги маълумотлар, туристлар ва экспурсиячилар учун вактинча бўлиш мамлакатидаги (жойи) транспорт хизматлари тўғрисида келишиб олишлари мумкин, экспурсия етакчisi, гид (гид-таржимон), йўрикчи-йўл бошловчининг бўлиши, шунингдек, қўшимча хизматлар мавжудлиги.

23. Туроператор ва (ёки) турагент ва туризм маҳсулотини буюртмачиси ўртасидаги шартнома бошқа шартларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

24. Туроператор ва (ёки) турагент ва буюртмачи ўртасида туризм маҳсулотини сотиш тўғрисида битим томонлар ўртасида ёзма ва / ёки электрон шаклда ушбу шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, тузилган хисобланади.

25. Туроператор ва (ёки) турагент буюртмачининг розилигисиз шартномада кўрсатилмаган қўшимча хақ эвазига қўшимча хизматларни тақдим этишга ҳақли эмас.

Савдо шартлари ва туризм маҳсулотининг нархи шартноманинг ажралмас қисми бўлган туристик йўлланмада (ваучер) кўрсатилган.

26. Туроператор ва (ёки) турагент истеъмолчига сифати белгиланган талабларга ва тузилган шартномага мувофиқ туризм маҳсулотини етказиб беради.

27. Агар вактинча яшаш мамлакати (жойи) тўғрисидаги қонун хужжатлари унинг ҳудудида вактинча жойлашган шахсларга тиббий ёрдамни тўлаш кафолатларига қўйиладиган талабларни белгилаб қўйган бўлса, туроператор ёки турагент бундай кафолатларнинг суғурта полисини тақдим этишини таъминлаши шарт. Турист (экспурсиячи) илтимосига биноан у бошқа хавф-хатарлар (шу жумладан, уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун катта хавф тугдирадиган йўналишлардан ўтиши билан боғлик бўлган) бўйича суғурта хизматларини кўрсатишда ёрдам беради.

28. Туроператор ва (ёки) турагент тур бошланишидан камида 24 соат олдин буюртмачига асл шартномани, туристик чиптани, буюртмачининг туризм маҳсулотига киритилган хизматларга бўлган ҳукукини тасдиқловчи хужжатларни (ваучер, чипта ва бошқалар), шунингдек буюртмачига турни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хужжатларни тақдим этиши шарт. Ушбу хужжатларни энг кеч муддатларда буюртмачига топшириш факат буюртмачининг розилиги билан амалга оширилади.

29. Шартноманинг томонларидан ҳар бири ушбу шартномани тузишда томонлар келиб чиқсан ҳолатлар ўзгариши сабабли уни ўзгартиришни ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳаклидир.

30. Вазирлар Маҳкамаси фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва (ёки) таҳди迪 пайдо бўлганда, республиканинг бутун ҳудудида ёки унинг бир кисмида юқори огохлантириш режими ёки фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда ёхуд хорижий давлат томонидан мамлакатта туристларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳолатлар юзага келганда ёки вақтинча киришни чеклашга оид қарор қабул қилинган тақдирда буюртмачининг туризм маҳсулот учун тўлаган пул суммаларини белгиланган муддатда қайтариш бўйича туроператорнинг мажбуриятларини тўхтатиб турис тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда туроператор белгиланган муддатда буюртмачини тенг эквивалентдаги туризм маҳсулоти билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Вазирлар Маҳкамаси буюртмачининг туризм маҳсулоти учун тўлаган пул суммаларини белгиланган муддатда қайтариш бўйича туроператорнинг мажбуриятларини тўхтатиб турис тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда туроператор бир томонлама тартибда буюртмачи билан тузилган туризм маҳсулотини сотиш тўғрисидаги битимга ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

Бунда туроператор Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатда ва тенг эквивалентдаги туризм маҳсулотини амалга оширишни қатъий таъминлашини тасдиқловчи мажбуриятномани буюртмачига тақдим этади.

Мажбуриятнома муддати давомида туроператор қуидаги шартлар асосида буюртмачига туризм маҳсулотини тақдим этиши шарт:

турристик маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари (ташриф дастури, йўналиши ва саёҳат шартлари, яшаш шароити (жойлаштириш воситаси жойлашган жой, меҳмонхона тоифаси) ва овқатланиш, хизматлар. вақтинча бўлиб турган мамлакатда (жойда) туристни ташиб хизматлари, шунингдек қўшимча хизматлар) ўша пайтдаги туризм маҳсулотини сотиш шартномасида тузилган тенг шартлар асосида бўлиши лозим.

Агарда хизмат кўрсатиш вақтида туризм маҳсулотининг умумий нархи туроператор ёки турагентнинг буюртмачи билан тузилган ўша пайтдаги туризм маҳсулотини сотиш шартномасида кўрсатилганидан юқори бўлса, туроператор буюртмачидан туризм маҳсулотининг умумий нархига қўшимча ҳақ талаб қилишга ҳақли эмас.

Агар туризм маҳсулоти буюртмачиси туроператор томонидан тақдим этилган мажбуриятнома муддати тугагунига қадар туризм маҳсулотидан фойдаланмаса, туризм маҳсулотини сотиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинади ва туроператор туризм маҳсулоти учун буюртмачи томонидан

тўланган пулни мажбуриятнома муддати тугаган кундан бошлаб 10 иш кунидан кечиктирмай қайтариши шарт.

4-боб. Туроператорлар ва турагентларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

31. Туроператорлар ва турагентлар ўз ваколатлари доирасида куйидаги хуқукларга эга:

турнинг давомийлиги ва йўналишини, хизмат қўрсатиш шартларини, транспорт хизматининг турини, турист (экскурсант)нинг розилиги ва илтимосига биноан турист (экскурсант)нинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг мулкини химоя қилиш чораларини ўзгартириш;

турист ва экскурсантнинг розилиги билан турнинг белгиланган нархини, агар улар бу ҳақда тур бошланишидан йигирма кун олдин хабардор қилинса, оширилади;

таклиф этилувчи туристик хизматларни тақдим этишнинг иложи бўлмаган фавқулодда ҳолатлар мавжуд бўлса шартномани бекор қилишга, шунингдек, гурух яратиш учун зарур бўлган туристлар (экскурсантлар)нинг микдори таъминланмаганлиги ҳолатларида туристлар (экскурсантлар)га туризм хизматлари қўрсатиш шартномасини бекор килиниши ҳакида тур бошланишидан йигирма кун олдин хабар берилиши керак;

туристлар, экскурсантлар ёки туризм соҳаси субъектлари томонидан етказилган заарар ва номоддий заарарни қоплашни талаб қилиш.

32. Туроператор ва турагентнинг мажбуриятлари:

Туристларга (экскурсантлар) туризм хизматларини қўрсатиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган хизматлар қўрсатилишини таъминлаш;

туризм хизматларини тақдим этмаган ёки қисман тақдим этган ёки етарли даражада бўлмаган ҳолда, туристлар(экскурсантлар)га етказилган заарлар ва мулкий бўлмаган заарарни қоплаш;

туристлар ва экскурсантларга турни ташкил этиш, уларнинг хуқуqlари ва мажбуриятлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;

туризм ресурсларини сақлашга ҳисса қўшиш;

туристлар (экскурсантлар)нинг вақтинча бўлиш мамлакати (жойи) тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш.

33. Буюртмачи куйидаги хуқуқларга эга:

туризм хизматларини тақдим этиш бўйича шартномада қўрсатилган хизматларни олиш;

саёҳат билан боғлиқ тўлиқ ва ишончли маълумотларни, шу жумладан вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) кириш ва бўлиш қоидалари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, диний маросимлари, маданий мерос обьектлари,

мухофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва туризм объектлари, атроф-мухит ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш;

шахсий хавфсизлиги ва ўз ҳукуқлари, ркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланиши, шунингдек ўз мол-мулкининг бут сақланишини таъминлаш;

шошилинч тиббий ёрдам олиш;

туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий заарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

агар турнинг умумий қиймати ошиши шартномада шартлашилган қийматидан ортиб кетса, туристик хизматлар кўрсатишга доир шартномани туроператорлар ва турагентларга етказилган моддий заарарнинг ўрнини қопламаган ҳолда бекор қилиш.

34. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

турда иштирок этиш учун ўз соғлиғи ҳолатининг ва (ёки) ёшининг хусусиятларига боғлиқ чекловлар (карши кўрсатмалар) тўғрисидаги, ўз доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши ҳамда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) кириши учун чекловлар ҳақидаги маълумотларни туроператорнинг ва (ёки) турагентнинг талабига кўра тақдим этиши;

туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси шартларига ва вақтинча бўлиш мамлакатининг (жойининг) қонун ҳужжатларига риоя этиши, унинг сиёсий ҳамда ижтимоий тузилишини, маҳаллий аҳолининг анъаналарини, урф-одатларини, диний эътиқодини ҳурмат қилиши;

вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) атроф табиий муҳитга, мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектларига зарар етказмаслиги;

вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) божхона ва чегара назорати, шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя этиши шарт.

5-боб. Якунловчи қоидалар

34. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бўйича
хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бажарувчи – ташриф буюрувчига меҳмонхона хизматларини тақдим қилувчи тадбиркорлик субъекти;

брон қилиш – ташриф буюрувчи (буортмачи) томонидан жойлаштириш воситасида номерни (жойни) аввалдан буортма қилиш;

буортмачи – меҳмонхона хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофик меҳмонхона хизматларини буюрувчи ёки сотиб оловчи жисмоний ёки юридик шахс;

жойлаштириш бўйича хизматлар (кейинги ўринларда – меҳмонхона хизматлари) – жойлаштириш воситасида вақтинчалик яшаш жойи бериш бўйича хизматлар мажмуи;

жойлаштириш воситалари – меҳмонхоналар, туризм базалари ва мажмуалари, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотеллар, хостеллар, оиласий меҳмон уйлари, ўтов ва палаткали оромгоҳлар, санаторийлар ва меҳмонхона хизматлари – вақтинча яшаш хизматларини кўрсатадиган бошқа обьектлар, шунингдек тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспорти;

номер (жой) нархи – вақтинча яшаш ва бажарувчи томонидан белгиланган вақтинча яшаш билан боғлиқ бошқа меҳмонхона хизматлари қиймати;

оммавий шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) – бажарувчи томонидан тузилган ҳамда меҳмонхона хизматларини кўрсатиш бўйича унинг вазифаларини белгиловчи шартнома;

ташриф буюрувчи – меҳмонхона хизматларини буюрган, сотиб олган ва/ёки фойдаланадиган жисмоний шахс.

3. Меҳмонхона хизматларига, шу жумладан, уларнинг ҳажми ва сифатига доир талаблар, конун ҳужжатларида бошқа талаблар назарда тутилмаган бўлса, бажарувчи ва ташриф буюрувчи (буортмачи)нинг келишувига биноан белгиланади.

4. Номер (жой) нархи бажарувчи томонидан мустақил белгиланади.

5. Мехмонхона хизматлари доимий яшаш жойи, фуқаролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек, шахсий ҳаёт ҳукуқини чекловчи бошқа омиллардан қатъи назар кўрсатилиши лозим.

6. Бажарувчи мазкур Низом талабларига зид бўлмаган, жойлаштириш воситасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланишнинг ички қоидаларини (кейинги ўринларда – жойлаштириш воситасининг ички қоидалари) белгилаши лозим.

7. Жойлаштириш воситасига ташриф буюрувчининг келиш вақтидан бошлаб ва унинг кетишигача бўлган муддатда у банд килган номерга (жойга) турар-жой дахлсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбик этилади.

8. Меҳмонхона хизмати кўрсатиш тартиби бажарувчи томонидан ташриф буюрувчига (буортмачига) энг маъқул шаклда маълум қилинади.

9. Жойлаштириш воситалари мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан сертификатлаштирилади.

10. Тоифа берилган жойлаштириш воситасининг мулкдори ва (ёки) эгаси унинг мазкур тоифага мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

2-боб. Бажарувчи ва у томонидан тақдим этиладиган меҳмонхона хизматлари тўғрисида маълумотлар

11. Бажарувчи, ташриф буюрувчилар танишиши учун қулай бўлган жойда, шу жумладан, жойлаштириш воситасининг қабул қилиш жойидаги маълумотлар тахтасига ва интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига (агар мавжуд бўлса) қуйидаги маълумотларни жойлаштириши лозим:

а) бажарувчи тўғрисидаги маълумотлар, хусусан, номи, манзили, боғланиш учун телефон раками, электрон почта манзили;

б) бажарувчининг юқори турувчи ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

в) жойлаштириш воситасининг тегишли тоифаси тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

г) меҳмонхона хизматлари учун мувофиқлик сертификати нусхаси ёки оиласи мавжуд уйлари ва хостеллар ягона реестридан кўчирма;

д) номерлар (жойлар) нархи;

е) номер (жой) нархига кирадиган меҳмонхона хизматлари рўйхати;

ж) меҳмонхона хизматларига тўловни амалга ошириш шакли ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

з) алоҳида тўлов эвазига, бажарувчи томонидан кўрсатиладиган бошқа меҳмонхона хизматлари рўйхати, нархи ҳамда уларни олиш шартлари;

и) номер (жой) брон қилиш ва бронни бекор қилиш шакли, шартлари ва тартиби тўғрисида маълумотлар;

к) имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси рўйхати, шунингдек, меҳмонхона хизматларини кўрсатишда тақдим этиладиган имтиёзлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);

л) жойлаштириш воситасида учинчи шахслар томонидан тўлов эвазига кўрсатиладиган бошқа хизматлар тўғрисида маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

м) жойлаштириш воситасига келиш (кетиш) вакти тўғрисида маълумотлар;

н) жойлаштириш воситасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш қоидалари тўғрисида маълумотлар.

12. Бажарувчи жойлаштириш воситасида бўлиш қоидалари тўғрисида ҳар бир номерни ахборот билан таъминлаши лозим.

13. Бажарувчи ва у кўрсатадиган меҳмонхона хизматлари тўғрисидаги маълумотлар ташриф буюрувчиларга давлат тилида ҳамда қўшимча равишда инглиз ва рус тилларида, шунингдек, бажарувчининг ихтиёрига кўра бошқа тилларда маълум қилинади.

3-боб. Меҳмонхона хизматларини тақдим этиш тартиби ва шартлари

14. Бажарувчи номерлар (жойлар) брон қилишни ҳар қандай шаклда, шу жумладан, шартнома ёки буюртма қабул қилиш усулида (телефон ёки бошқа шаклда) амалга ошириш ҳуқуқига эга.

15. Бажарувчи томонёидан жойлаштириш воситасида брон қилишнинг қуийдаги турлари қўлланилади:

кафолатланган – жойлаштириш воситасида номер (жой) ташриф буюрувчи келишигача ушлаб туриладиган брон қилиш тури бўлиб, бунда ташриф буюрувчи томонидан брон ўз вактида бекор қилинмаган, ташриф буюрувчи белгиланган муддатдан кечиккан ёки келмаган ҳолларда ташриф буюрувчидан номер (жой)нинг бўш турганлиги учун, бироқ бир суткадан кўп бўлмаган миқдордаги тўлов суммаси бажарувчи томонидан ундирилади.

Бунда ташриф буюрувчи бир суткадан кўп вақтга кеч қолганда кафолатланган брон қилиш бекор қилинади;

кафолатланмаган – жойлаштириш воситасида номер (жой) бажарувчи томонидан маълум бир соатгача брон қилинади, белгиланган муддатда ташриф буюрувчи келмаганда кафолатланмаган брон бекор қилинади.

Брон қилишнинг бошқа турлари жойлаштириш воситасининг ички қоидаларида белгиланиши мумкин.

16. Ташриф буюрувчи (буюртмачи) томонидан буюртма қилинган номер тоифаси ва унинг нархи, брон қилиш шартлари, жойлаштириш воситасида яшаш муддати тўғрисидаги, шунингдек, бажарувчи томонидан аниқланадиган бошқа маълумотлар олинган вақтдан бошлаб брон ҳақиқий ҳисобланади.

17. Ташриф буюрувчи (буюртмачи) номерлар (жойлар) брон қилиш ҳақидаги буюртмани ўз ихтиёрига кўра бекор қилиш ҳуқуқига эга. Номерлар (жойлар) бронни рад этиш тартиби ва шакли жойлаштириш воситасининг ички қоидалари билан белгиланади.

18. Агар буюртмада кўрсатилган санада бўш номер (жой) мавжуд бўлмаса бажарувчи брон қилишни рад этиш ҳуқуқига эга.

19. Мехмонхона хизматлари ташриф буюрувчи томонидан паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат кўрсатганидан сўнг тақдим этилади.

20. Жойлаштириш воситасида ўн олти ёшга тўлмаган фукароларни рўйхатдан ўтказиш улар билан бирга бўлган ота-оналари (қонуний вакиллари) ёки ҳамроҳлик қилаётган бошқа шахсларнинг фукаролик паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати, ҳамроҳлик қилаётган шахсларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, ушбу вояга етмаган шахсларнинг туғилганлик ҳақидаги гувохномаси ёки паспорти асосида амалга оширилади.

21. Ташриф буюрувчиларни рўйхатдан ўтказиш жойлаштириш воситаларида яшовчиларни Интернет бутун жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган маҳсус электрон дастури орқали амалга оширилади.

22. Бажарувчи ташриф буюрувчининг талабига кўра у билан қуйидагиларни ўз ичига олувчи шартнома тузиши лозим:

- а) бажарувчининг номи;
- б) ташриф буюрувчи тўғрисида маълумотлар;
- в) тақдим этилаётган номер (жой) тўғрисида маълумотлар;
- г) номер (жой) нархи;
- д) жойлаштириш воситасида бўлиш муддати;
- е) бошқа зарур маълумотлар (томонлар ихтиёрига кўра).

Шартнома электрон ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин.

23. Бажарувчи жойлаштириш воситасига ташриф буюрувчиларга кечакундуз хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

24. Ташриф буюрувчининг жойлаштириш воситасига келиши ва ундан кетиши маҳаллий вақт бўйича шу кундаги сутканинг 12:00 соатида белгиланадиган ҳисоб-китоб соатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчи маҳаллий хусусиятлар ва фаолият турини хисобга олган ҳолда белгиланган хисоб-китоб соатини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Хисоб-китоб соати ва кейинги ташриф буюрувчининг номерга (жойга) жойлаштириш соати оралиғидаги вақт (номер ва/ёки жойни тайёрлаш учун) уч соатдан ошмаслиги керак. Келиш вақти бажарувчи томонидан белгиланади.

25. Номер (жой) нархи, номер (жой) нархига кирадиган меҳмонхона хизматлари рўйхати, шунингдек, номер (жой)га тўловни амалга ошириш шакли ва тартиби бажарувчи томонидан белгиланади.

Бажарувчи яшаш учун суткали ва/ёки соатли тўловни белгилаши мумкин.

26. Бажарувчи ташриф буюрувчининг розилигисиз номер (жой) нархига кирмайдиган бошқа қўшимча тўлов эвазига кўрсатиладиган меҳмонхона хизматларини тақдим қилиши тақиқланади.

27. Бажарувчи ташриф буюрувчининг сўровига кўра қўйидаги турдаги хизматларни бепул тарзда кўрсатиши лозим:

- а) тез ёрдам ва бошқа маҳсус хизматларни чакириш;
- б) тиббиёт дори кутисидан фойдаланиш;
- в) ташриф буюрувчининг номига юборилган ёзишмаларни етказиб бериш;
- г) маълум вақтда уйғотиш;
- д) қайнаган сув, игналар, иплар, идиш-товоқлар ва ошхона анжомларининг бир тўпламини тақдим этиш;
- е) бажарувчининг ихтиёрига кўра бошқа меҳмонхона хизматлари.

28. Ташриф буюрувчиларга кўрсатилган меҳмонхона хизматлари учун тўлов шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Хисоб-китоб соатидан кейин ташриф буюрувчининг кетиши кечиккан ҳолларда ташриф буюрувчидан кўрсатилган меҳмонхона хизмати учун тўлов микдори бажарувчи томонидан белгиланади.

30. Ташриф буюрувчи бажарувчига ҳақиқатан қилган харажатларини тўлаш шарти билан меҳмонхона хизматларидан фойдаланишини тўхтатиши мумкин.

4-боб. Бажарувчи ва ташриф буюрувчининг жавобгарлиги

31. Бажарувчи ташриф буюрувчининг саклаш учун топширилган буюмларининг бутлиги учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 899-моддасида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Бажарувчи томонидан ташриф буюрувчига буюмларини саклаш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши шарт.

32. Бажарувчи шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33. Шартнома талаблари ва/ёки шартларига жавоб бермайдиган меҳмонхона хизматларини тақдим этиш натижасида ташриф буюрувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бажарувчи томонидан қопланиши шарт.

34. Ташриф буюрувчининг айби билан жойлаштириш воситасининг мулки йўқолган ёки унга зиён етказилган ҳолларда ташриф буюрувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

35. Агар шартнома шартлари тарафларнинг бири томонидан бузилган тақдирда, иккинчи тараф шартномани бир томонлама бекор қилиш хуқуқига эга.

5-боб. Якунловчи қоидалар

36. Ушбу Низом талабларига риоя қилишни назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Туризмни рвиожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини
ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш ва хостел хизматларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аризачи – меҳмонхона хизматлари ва вақтингачалик яшаш хизматларини кўрсатиш учун яроқли турар-жой биносига эга бўлган ва уни Реестрга киритиш учун белгиланган тартибда ариза топширган якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс;

ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг худудий бўлинмалари;

Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – юритилиши Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга ошириладиган меҳмон уйлари ва хостеллар тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базаси;

хостел эгаси – Реестрга киритилган тадбиркорлик субъекти;

хостел – асосан бюджетли туризм учун, турли сифимли номер ёки хоналарга эга ва санузеллари номер ёки хоналардан ташқарида бўлган, шунингдек меҳмонлар мuloқоти учун алоҳида жойга эга вақтингча яшаш учун мўлжалланган жойлаштириш воситаси .

3. Хостел эгалари факат улар Реестрга киритилгандан сўнг меҳмонхона хизматлари ва вақтингча яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш хукуқига эга бўлади.

4.Хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Хостелларни рўйхатидан ўтказиш тартиби

5. Хостелларни рўйхатдан ўтказиш соддалаштирилган ҳолда, ариза асосида уларни Реестрга киритиш ва Реестрдан тегишли қўчирма бериш йўли билан амалга оширилади.

6. Реестрни юритиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

7. Реестрни юритиш қуидагиларни назарда тутади:

хостелга индивидуал реестр ракамини берган ҳолда мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ хостеллар тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритиш;

маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) расмий сайтида онлайн режимида янгилаб бориш.

8. Реестр электрон шаклда юритилади ва Қўмитанинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозим.

Қўмита республика миқёсида реестрларнинг ягона маълумотлар базаси юритилиши ва Реестр ҳақидаги долзарб маълумотларни “онлайн” режимда шу жумладан ундан чиқариб ташланган маълумотларнинг сакланишини таъминлайди.

9. Аризачи уни Реестрга киритиш учун ваколатли давлат органига ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ариза беради.

10. Аризага қуидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ваколатига хавфсизликка риоя этишни назорат қилиш ва норматив ҳужжатнинг белгиланган талабларига хостелнинг мувофиқлигини тасдиқлаш кирадиган, ваколатланган назорат органларининг (ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена назорати) ҳулосалари (ариза келиб тушган кунгача бир йилдан кеч бўлмаган вақтда тузилган) нусхалари. Янгидан ташкил этилган хостеллар учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин;

хусусий тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳукуқларнинг давлат реестридан кўчирмаси, шунингдек шу турдаги мулк ижара шартномаси.

11. Аризачидан мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳаққоний бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этгани учун аризачи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

13. Аризачи томонидан ариза мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ваколатли давлат органига бевосита, поча алоқаси воситалари ёки электрон шаклда, уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан Интернет тармоғи орқали тақдим этилади.

14. Ваколатли давлат органи ҳужжатларни олган кунидан бошлаб уларни уч иш куни давомида кўриб чиқади, хостелни мазкур Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқлиги бўйича ўрганиб чиқади.

15. Ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли давлат органи ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради.

16. Хостел мазкур Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли давлат органи далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб бир иш куни ичида аризачига меҳмон уйини Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисида аник номувофикаликлар ва унинг давомида аризачи рад этиш сабабларини бартараф қилиш ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳукуқига эга бўлган муддат (уч ойгача) кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда билдириш хати юборади.

17. Аризачи томонидан хостелни Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, икки иш куни давомида кўриб чиқиш натижалари бўйича қўшимча далолатнома расмийлаштирилган ҳолда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқишида ваколатли давлат органи томонидан муқаддам аризачига ёзма билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

18. Аризачи томонидан меҳмон уйини Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма билдириш хатида кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан кейин топширилган ариза янгидан топширилган хисобланади ва ваколатли давлат органи томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

19. Хостел мазкур Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий шарт-шароитларга мувофиқ бўлган тақдирда, ваколатли давлат органи бир иш куни мобайнида меҳмон уйига индивидуал реестр рақами берган ҳолда, хостелни Реестрга киритади ва аризачига мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестридан кўчирма беради.

20. Реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва кўчирма бериш учун тўлов ундирилмайди.

21. Реестрга аввал киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, хостел эгалари бундай ўзгариш юзага келган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида, тасдиқловчи маълумотларни илова қилган ҳолда, ваколатли давлат органига маълум қилишлари шарт.

Мазкур бандда назарда тутилган маълумотлар хостел эгалари томонидан ваколатли давлат органига бевосита, поча алоқаси воситалари ёки электрон шаклда уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган маълумотлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

22. Реестрдан кўчирмани қайта расмийлаштириш ва бериш ваколатли давлат орган томонидан ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни олган кунидан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

23. Хостелни Реестрдан чиқариш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

хостел әгаси томонидан Реестрдан ихтиёрий равиша қиқариш түғрисида ёзма ёки электрон шаклда билдиришнома берилса;

хостел әгасининг фаолияти белгиланган тартибда тугатилса;

ваколатли давлат органи томонидан ўрганиш (сирли ўрганиш) ва хостелда яшаётган шахсларни анкеталаштириш давомида мазкур Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларининг сурункали равиша бузилиши аникланса.

Ўрганиш вақтида аникланган бузилишлар хостел әгаси томонидан бартараф этилгандан сўнг у Реестрга киритиш түғрисида такроран ариза топшириши мумкин.

24. Икки иш куни давомида кўриб чиқиш натижалари бўйича қўшимча далолатнома расмийлаштирилган холда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш амалга оширилади.

Қайта кўриб чиқишида ваколатли давлат органи томонидан муқаддам аризачига ёзма билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл кўйилмайди.

25. Кўчирма йўқолган ёки шикастланган тақдирда, хостел әгасининг ёзма мурожаатига кўра унинг дубликати берилади.

26. Реестрдан кўчирма йўқолган ёки шикастланган тақдирда, ваколатли давлат органи аризани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнода кўчирма дубликатини бериши (юбориши) шарт.

27. Кўчирмани қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

3-боб. Хостеллар томонидан белгиланган талабларга риоя этилишини ўрганиш

28. Ваколатли давлат органи хостеллар фаолияти ва улар томонидан мазкур Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган талаблар бажарилишини ўрганиш:

хостеллар томонидан мазкур Низом талаблари (шу жумладан стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган мажбурий талаблар) мувофиқ бўлмаган ҳолатларини аниклаш ва уларнинг олдини олиш;

хостел эгалари ва ходимларининг кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлигига таъсир килиши мумкин бўлган инсофсиз аҳлоқи ва ноҳақ ҳаракатларини аниклаш ва уларнинг олдини олиш;

Реестрга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш максадида амалга оширади.

29. Ўрганиш:

жойлаштириш воситалари ва хизматларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш бўйича тизимли мониторинг ўтказиш;

хостелларга ташриф буюрувчиларни (туристларни) ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган шаклда анкеталаштириш йўли билан амалга оширилади.

30. Ўрганиш (ўрганиш) натижаларига кўра хисобот тузилади ва мазкур Низом (шу жумладан стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган мажбурий талаблар) талаблари бузилганлиги тўғрисида хостел эгасига кўрсатма юборилади.

4-боб. Хостел эгаси ва ваколатли давлат органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

31. Хостел эгаси қўйидаги ҳуқукларга эга:

турар жой биносини ўз ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикасининг турар-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда белгиланган меъёрлар доирасида тасарруф этиш;

туризм соҳасининг субъектларига берилган имтиёзлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш.

Хостел эгаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Ваколатли давлат органи хостеллар фаолияти устидан мониторингни амалга ошириш, улар томонидан мазкур Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

хостеллар фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

мазкур Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолатлар аниқланган тақдирда хостел манзилига аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан аник муддатлар кўрсатилган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган огохлантириш юбориш ҳуқуқига эга.

Ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

33. Хостеллар эгалари:

мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мос меҳмонхона хизматлари ва вактинча яшаш хизматларини кўрсатиши;

фаолиятини катъий равишда мазкур Низом, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар ва туризм соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга ошириши;

санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари, шунингдек, эпидемияга қарши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаши;

ваколатли давлат органи кўрсатмаларида белгиланган чора-тадбирларга риоя этилишини таъминлаши;

Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини тугатганлиги тўғрисида уч иш қуни мобайнида ваколатли давлат органини ёзма ёки электрон шаклда хабардор килишлари шарт.

Хостел эгалари қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

34. Ваколатли давлат органи:

мехмонхона хизматлари ва вактинчалик яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби билан таништириш учун, шунингдек, режали асосда ходимларининг жойлаштириш воситалари билими ва малакасини ошириш имконини берувчи профилактика ва тушунтириш ишлари, мастер-класслар, тренинглар ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириши;

хостелларнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш ва таъминлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши;

манфаатдор давлат органлари билан ҳамкорликда хостел эгаларини фавқулодда вазиятлардаги харакатлар тартиби билан таништириши;

хостел эгаларини туризм соҳасидаги меъёрий-хуқукий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлардаги ўзgartiriш ва қўшимчалар тўғрисида хабардор килиб бориш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини хостеллар билан ўзаро муносабатлар соҳасига кенг жорий этиш бориши лозим.

Ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар


35. Хостеллар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Аризачи ваколатли давлат органига тақдим этилган маълумотлар ишончлилиги, аниклиги ва тўғрилиги учун жавобгардирлар.

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофик жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасида хостеллар
фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш
СХЕМАСИ



*Ваколатли давлат органи меҳмон уйлари ва хостелларни Ягона реестрга киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолатларда аризачи 3 ва 4-босқичлардан ўтади.

Ўзбекистон Республикасида хостеллар
фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига киритиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъекти (аризачи)нинг номи
2. Хостелнинг почта манзили (жойлашган жойи).
3. Солик тўловчининг идентификация рақами.
4. Жойлаштириш воситалари тўғрисида маълумот (телефон рақами, электрон почта манзили).
5. Индивидуал реестр рақами ва хостелнинг реестрга киритилган санаси.
6. Ўринлар миқдори (жой)
7. Хостелни Реестрдан чиқариш санаси

Ўзбекистон Республикасида хостеллар
фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

(Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитаси худудий бўлинмасининг номи)

Ариза (Мувофиқлик декларацияси)

1. _____,
(аризачининг тўлиқ номи)

манзил бўйича рўйхатдан ўтган
(манзили, телефони, электрон почта манзили)

шахс номидан,
(хостел эгасининг лавозими, Ф.И.О.)

манзил бўйича тақдим этиладиган,
(вилоят, туман, шахар, кўча, бино раками)

мехмонхона ва вақтинчалик турар жой хизматини кўрсатиш
(хоналар ва жойлар сони)

Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофик
келишини маълум қиласди ва уни реестрга киритишни сўрайди.

2. Солик тўловчининг идентификация раками.

3. Аризачи қонун ҳужжатларида белгиланган барча шартларни бажаришни ўз зиммасига
олади.

(аризачининг шахсий имзоси)

20__ йил «__» _____
(сана)

Ўзбекистон Республикасида хостеллар
фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

Хостелни ўрганиш далолатномаси №_____

20__ йилдаги «___» _____

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
худудий бўлинмаси ходими
(худуд номи)

(ходимнинг Ф.И.О., лавозими)

20__ йил «___» _____ да

, (аризачининг манзили)
хостел томонидан кўрсатиладиган хизматларни жойлаштириш воситалари реестрига
киритиш максадида аризачи

иштирокида ўрганди.

(Ф.И.О., телефон раками, электрон почта манзили)

Ўрганиш вақтида белгиланди:

№	Талалаблар	Ҳақиқий холати	Мувофиқлик белгиси
1.	2.	3.	4.

(маъбул ходим лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикасида хостеллар
фаолиятини ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
худудий бўлинмасининг номи**

Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестридан кўчирма

Индивидуал реестр раками

№: _____

Рўйхатга олиш санаси: _____

меҳмонхона ва вақтингчалик туарар-жой хизматлари

_____ (тадбиркорлик субъектининг номи)

кўрсатилган _____
(хостел тури ва номи)

манзили: _____
(телефон раками, электрон почта манзили)

Ўрнатилган талабларга мос келиши _____
_____ (стандартлаштириш бўйича норматив хужоатлар)

Рўйхатдан ўтказиш татбик
этилади _____
(хона ва ўрин-жойлар миқдори)

Солик тўловчининг идентификация раками _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
6-илова

**Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига
чартер рейсларининг ташкил қилиш харажатларини компенсация
қилиш учун маблағлар ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига чартер рейсларининг ташкил қилиш харажатларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

йўловчи манифести – чартер рейслар орқали ташилган йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати бўлган ва чегара қўшинларига тақдим қилинадиган маълумот;

компенсация – тадбиркорлик субъектларининг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ажратиладиган маблағлар;

қўшма чартер рейслар – бир ва ундан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг йўловчилари иштирок этувчи чартер рейслар;

мустақил чартер рейслар – фақат битта тадбиркорлик субъектининг йўловчилари иштирок этувчи чартер рейслар;

тадбиркорлик субъекти – ҳаво орқали йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот, шунингдек, белгиланган тартибда туроператор сифатида рўйхатдан ўтган юридик шахс;

чартер рейслар – парвозлар жадвали бўйича рейслардан алоҳида ва ташқарида амалга ошириладиган рейслар.

3. Компенсация ушбу Низомда белгиланган тартибда мустақил равища ёки биргаликда Ўзбекистон Республикасига туристларни жалб этувчи тадбиркорлик субъектларига қуйидаги ҳолларда берилади:

а) чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар (кейинги ўринларда – йўловчилар) учун икки томонлама (Ўзбекистонга ва ундан) чартер рейсини ташкил этганда;

б) битта чартер рейси билан келган хорижий йўловчиларнинг Ўзбекистондаги жойлаштириш воситаларида камида беш кечада тунаб қолганда;

в) хорижий йўловчиларнинг қолиш давомийлигини аниқлаш учун Ўзбекистон халқаро аэропортларига улар тўғрисида тўлик маълумот (Ф.И.Ш., фуқаролиги) тақдим этганда.

Тадбиркорлик субъектлари харажатларини компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Тадбиркорлик субъектларининг чартер рейслари амалга ошириладиган республиканинг халқаро аэропортлари ҳар чоракда (кейинги ойнинг 10-санасига қадар) Кўмитага чартер рейсининг санаси ва учиб келиб кўнган вақти кўрсатилган маълумотларни ва йўловчи манифестиини уларга компенсацияни таъминлаш мақсадида тақдим этади.

2-боб. Аризани кўриб чиқиш ва компенсация ажратиш тартиби

5. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шартларга риоя этган ҳолда чартер рейсларига туристларни жалб қилган ва олиб келган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир йўловчи учун:

хар йили 20 февраль соат 00:00 дан – 19 ноябрь соат 23:59 га қадар 20 АҚШ доллари;

хар йили 20 ноябрь соат 00:00 дан – 19 февраль соат 23:59 га қадар 50 АҚШ доллари миқдорида компенсация ажратилади.

Ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошисида белгиланган вақт тадбиркорлик субъектлари ва республиканинг халқаро аэропортлари томонидан Кўмитага тақдим этиладиган маълумотларда кўрсатилган учиб келиб кўниш санаси ва вақти асосида хисобланади.

6. Бир нечта тадбиркорлик субъектларининг йўловчиларини ташишда компенсация битта тадбиркорлик субъекти томонидан олиб келинган йўловчилар сонининг самолётдаги умумий йўловчилар сонига нисбати асосида хисобланади.

7. Битта тадбиркорлик субъекти томонидан берилган чартер рейсларга буюртмалар (битта тадбиркорлик субъектининг йўловчиларини битта чартер рейс орқали ташиш) устувор равишда кўриб чиқилади.

8. Компенсация олиш учун тадбиркорлик субъекти Кўмитага ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қиласи.

Аризага куйидагилар илова қилинади:

- а) йўловчи манифестиининг нусхаси;
- б) ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот варакаси.

9. Кўшма чартер рейсларига оид тадбиркорлик субъектларининг хужжатлар тўпламлари Кўмитага алоҳида топширилиши керак.

10. Компенсация ҳар чорак якунларига кўра, мазкур якунланган чоракда (чоракдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар) ариза берган тадбиркорлик субъектларига ажратилади.

11. Кўмита чорак давомида келиб тушган аризаларни чоракдан кейинги ойининг 10-санасига қадар ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиш асосида компенсация ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи ҳамда қабул қилинган қарор нусхасини қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида ариза берувчига юборади.

Компенсация ажратиш тўғрисидаги қарорда компенсация микдори, тадбиркорлик субъекти номи, жойлашган жойи (почта манзили), компенсация олувчи юридик шахснинг номи, СТИР, тижорат банкидаги хисобварафининг реквизитлари кўрсатилади.

Қарорнинг нусхаси қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

12. Тақдим этилган ҳужжатларни қўшимча ўрганиш зарурати туғилса, Кўмита аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласи ва аризани кўриб чиқиши қўшимча ўн кунга узайтириш ҳуқуқига эга.

13. Компенсация ажратиш рад этилганда, компенсация ажратишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар аниқ кўрсатилган ҳолда қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида аризачига юборилади.

Аризачи қарорни олгандан сўнг кейинги чоракда ушбу камчиликларни бартараф этади ҳамда Кўмитага уларни бартараф этиш учун тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

14. Компенсация қуидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим0 этилмаганда;

тадбиркорлик субъекти ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асосларга кўра компенсация ажратишни рад этиш таъқиқланади.

15. Компенсация ажратиш тўғрисида қайта берилган ариза Кўмита томонидан кейинги чорак якунларига кўра кўриб чиқилади.

Бунда илгари аникланмаган асосларга кўра компенсация ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Тадбиркорлик субъектларига компенсацияларни тўлаш учун Кўмита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар, ажратилган маблағларнинг хисоб-китоблари тўғрисида ариза юборади.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч иш куни ичида Қўмита аризасини кўриб чикади ва тегишли маблагни Қўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига компенсация ажратиш учун Қўмитага Газначилиқда алохидат шахсий ҳисобварақ (кейинги ўринларда – шахсий ҳисобварақ) очади.

Ушбу давр мобайнида Қўмита қабул қилинган қарор асосида Қўмита хузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация миқдорининг ярмини шахсий ҳисобварақка ўтказади.

18. Пул маблағлари шахсий ҳисобварақка тушганидан сўнг, Қўмита беш иш куни ичида уларни хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тадбиркорлик субъектларининг шахсий ҳисобварағига ўтказади.

19. Компенсация тўловлари миллий валютада, компенсация тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича амалга оширилади.

3. Якунловчи қоидалар

20. Қўмита компенсация ажратишни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Қўмита хузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларнинг тадбиркорлик субъектларига етказилиши юзасидан жавобгар ҳисобланади.

21. Қўмита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргалиқда компенсация тўловлари устидан тизимли назоратни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига компенсация тўловининг мезонларини белгилаш, шунингдек, компенсация ажратишда юзага келадиган низолар ва фавқулодда ҳолатлар (форс-мажор) сабабларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ваколатига эга.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши ва тадбиркорлик субъектларига етказилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

23. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон
Республикасига чартер рейсларининг
ташкил қилиш харажатларини компенсация
килиш учун маблағлар ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига
чартер рейсларининг ташкил қилиш харажатларини
компенсация қилиш учун маблағлар ажратиш
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Бажарниш муддати
Тадбиркорлик субъекти	Низомнинг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига белгиланган тартибда компенсация ажратилиши учун ариза топширади.	Тадбиркорлик субъектиning хоҳишига кўра
Қўмита	Қўмита ўтган чоракда олинган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиш асосида аризалар келиб тушганидан кейин компенсация тўлаш ёки рад этиш тўғрисида карор қабул киласди. Қабул қилинган карор нусхасини ариза берувчига юборади.	10 кун ичида 1 кун ичида
Қўмита	Тақдим этилган ҳужжатларни қўшимча ўрганиш зарурати туғилса, аризачини ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласди ва аризани кўриб чиқишни қўшимча узайтиради.	қўшимча 10 кун ичида
Қўмита	Компенсация рад этилган тақдирда, компенсацияни рад этиш учун асос бўлган сабабларни аниқ кўрсатган холда карор қабул қилинади ва аризачига юборилади*	Бир кун муддатда
Тадбиркорлик субъекти	Ариза берувчи рад этиш тўғрисидаги карорни олгандан карорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этади ва Кўмитага уларни бартараф этиш учун тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб ариза билан мурожаат қиласди*	Тадбиркорлик субъектиning хоҳишига кўра
Қўмита	Компенсация олиш тўғрисида кайта берилган аризани кўриб чиқади*	кейинги чорак якунларига кўра
Қўмита	Тадбиркорлик субъектларига компенсацияларни тўлаш учун Молия вазирлигига хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар, ажратилган маблағларнинг хисоб-китоблари тўғрисида ариза юборади	3 иш куни ичида
Молия вазирлиги	Кўмитанинг аризасини кўриб чиқади ва тегишли маблагни Кўмитанинг шахсий Фазна хисоб варагига ўтказади. Белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига компенсация ажратиш учун Кўмитага Фазначилиқда алоҳида шахсий хисобварак очади	3 иш куни ичида
Қўмита	Пул маблағлари шахсий хисобваракка тушганидан сўнг, уларни хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тадбиркорлик субъектларининг шахсий хисобига ўтказади	5 иш куни ичида

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон
Республикасига чартер рейсларининг
ташкил қилиш харажатларини компенсация
қилиш учун маблағлар ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

НАМУНАВИЙ АРИЗА ШАКЛИ
(ариза берувчининг ташкилот бланкасида)

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси

АРИЗА

Сизга шуни маълум қиласдики, (*тадбиркорлик субъекти номи*) тадбиркорлик
субъектларига ўз сафарлари учун тўланадиган компенсацияни олишга кизиқиши билдиради.
_____ йилнинг _____ чорагида биз (*аэропорт (лар) нинг номи*) аэропорт (лар) ига (*мамлакат
(лар) нинг номи*) сингари мамлакатлардан чартер рейсларини ташкиллаштиридик.

(санаси)

Имзо

Лицензия раками (туризм операторининг): _____

Тадбиркорлик субъектининг номи: _____

Ваколатли вакил: _____

Хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон
Республикасига чартер рейсларининг
ташкил қилиш харажатларини компенсация
қилиш учун маблағлар ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

Ахборот варақаси

Туризм оператори / ташувчининг лицензия рақами	
Туризм оператори / ташувчи номи	
Лицензия эгасининг савдо белгиси	
Туризм оператори / ташувчи манзили	
Шаҳар ва мобил телефонлар рақамлари	
Электрон почта манзили	
Корхона СТИР и	
Банк/филиал/банк ҳисоб рақами (сўмли ҳисоб)	
Ваколатли вакилнинг Ф.И.Ш, лавозими	

* Юкорида талаб қилинган маълумотлар тўлиқ ҳажмда тўлдирилиши керак.

РАХБАР

Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
7-илова

**Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги
хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси
субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) томонидан танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалар қўлланилади:

Марказ – Кўмита хузуридаги “Миллий PR-маркази” давлат унитар корхонаси;

туризм соҳасининг субъектлари – туристик хизматлар мажмуини ёки уларнинг бир қисмини кўрсатиш, қўшимча туристик хизматларни (ишларни) бажариш ҳамда туристлар ва экскурсантларга товарларни реализация қилиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.

3. Танлов асосида танлаб олинган (кейинги ўринларда – танлов) туризм соҳасининг субъектлари халқаро туристик кўргазма ва ярмаркаларда (кейинги ўринларда – кўргазма ва (ёки) ярмарка) кўргазма майдонларини ижарага олиш, экспонатлар учун иншоатлар яратиш ва ўрнатиш харажатларини қоплашдан озод қилинади.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

4. Ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган халқаро туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида туризм соҳасининг субъектларининг иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган харажатларни Кўмита хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. Танловда иштирок этиши тартиби ва шартлари

5. Халқаро туризм ярмаркалари ва (ёки) кўргазмаларда хизматлар ва маҳсулотларнинг янги турлари билан иштирок этиши учун туризм соҳасининг субъекти тадбирдан 90 календарь кун олдин Марказга ушбу Низомга

3-иловага мувофиқ шаклдаги аризани (кейинги ўринларда – ариза) шахсан ўзи, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда топширади.

6. Аризага қуидагилар илова қилиниши керак:

- а) тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома нусхаси;
- б) туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар нусхалари;
- в) туризм хизматларига қонунчиликда ўрнатилган тартибда олинган сертификат нусхалари;
- г) ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи маълумот ва хужжатлар.

7. Танловда қатнашиш талаблари ва шартлари қуидагилардан иборат:

- а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ “кириш туризми” йўналиши бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш;
- б) қайта ташкил этиш, тугатиш ва банкротлик жараёнида бўлмаслиги;
- в) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлиши;
- г) қўмита томонидан илгари ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиш учун Кўмитага қарздорлигининг йўклиги.

8. Марказ субъектлар томонидан тақдим қилинган аризаларни келиб тушишига мувофиқ равишда, марказнинг ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда, электрон шаклдаги дафтарда қайд этади.

9. Марказ туризм соҳасининг субъектлари томонидан тақдим этилган аризаларни келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни давомида аризани кўриб чиқади ва танловда иштирок этиш ёки танловда иштирок этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

10. Аризани рад қилиши учун қуидагилар асос бўлади:

- а) ушбу Низомнинг 5-бандида кўзда тутилган хужжатларни тақдим қилмаслик (тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим қилиш);
- б) тақдим этилган аризалар ва хужжатларда ишониб бўлмайдиган маълумотлар мавжудлиги;
- в) субъект томонидан ариза ва хужжатларни тақдим этиш муддатларининг бузилиши;
- г) ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилмаслик.

Марказ қарор қабул қилгандан кейин икки иш куни мобайнида туризм соҳасининг субъектига қабул қилинган қарорни юборади.

3-боб. Туризм соҳасининг субъектларини танлаб олиш тартиби

11. Кўргазма ва (ёки) ярмаркада иштирок этувчи туризм соҳасининг субъектларини танлаб олиш Кўмита раисининг буйруғи билан тасдиқланадиган

махсус комиссия (кейинги ўринларда – комиссия) томонидан амалга оширилади.

Комиссия таркибиға Кўмита, Марказ ва Ўзбекистон Хусусий туризм ташкилотлари уюшмаси раҳбарлари (мутахассислари) киради.

Кўмитанинг қарори билан Комиссия раиси этиб Кўмита раҳбарияти таркибиға кирувчи мансабдор шахс тайинланиши мумкин.

Марказ Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Кўргазма ва (ёки) ярмаркада иштирок этувчи туризм соҳасининг субъектларини танлаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган балл тизимиға мувофиқ амалга оширилади.

12. Кўргазма ва (ёки) ярмаркаларда иштирок этиш учун туризм соҳасининг субъектларини танлаш қўйидаги тоифалар бўйича амалга оширилади:

I тоифа – иш тажрибасига эга бўлган туроператор ва турагентлар:

- а) 3 йилгача;
- б) 3 йилдан (+1кун) 10 йилгача;
- в) 10йилдан ортиқ.

II тоифа – жойлаштириш воситалари;

III тоифа – транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар.

II ва III тоифадаги туризм соҳасининг субъектлари мавжуд бўлмаган ҳолларда уларнинг ўрнига I тоифадаги туризм соҳаси субъектлари танланади.

Кўргазмалар ва (ёки) ярмаркаларда иштирок этиш учун ажратилган жойлар сони қўйидаги тоифаларга бўлинади:

туроператор ва турагентлар учун – 60 фоиз;

жойлаштириш воситалари учун – 20 фоиз;

транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар учун – 20 фоиз.

Кўргазмалар ва (ёки) ярмаркаларда иштирок этиш учун энг яхши туризм соҳасининг субъектини танлаш унга берилган энг юқори балл тўпланганди амалга оширилади.

Жойлаштириш воситлари ва транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан кўргазма ва (ёки) ярмаркада иштирок этиш учун қизиқиши билдирилмаган тақдирда, улар учун ажратилган ўринлар туроператор ва турагентлар ўртасида тақсимланади.

13. Туризм соҳасининг субъектлари учун кўргазма ва (ёки) ярмаркада қатнашиш учун танловда тенг имкониятлар мавжуд бўлганда, Комиссия раиси қарорига биноан субъектга устунлик берилади.

14. Ариза рўйхатга олинган санадан бошлиб 20 календарь куни ичидаги Марказ туризм соҳасининг субъектини текшириш ҳамда ушбу Низомда кўзда тутилган тадбирларда қатнашиш учун танловдан ўтказиш натижалари ҳакида хабардор қиласи.

15. Марказ ушбу Низомда кўзда тутилган тадбирларда қатнашиш учун танлов яқунланган санадан бошлаб уч иш куни ичида танлов жараёнидан ўтган туризм соҳасининг субъектлари ҳақидаги ахборотни [uzbekistan.travel](#) веб-сайтида ва Кўмитанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида шу жумладан Марказнинг ахборот ресурсларида жойлаштиради, шунингдек, танловдан ўтмаган туризм соҳасининг субъектларини қабул қилинган қарорнинг сабаблари ҳақида хабардор қиласди.

4-боб. Комиссиянинг иш тартиби

16. Комиссия фаолияти қарорлар масъулиятлилик, ошкоралик ва коллегиаллик асосида муҳокама қилиш ва қабул қилиш орқали амалга оширилади.

17. Комиссия ўз фаолиятида қонунчилик ва ушбу Низомга амал қиласди.

18. Комиссия аъзосини алмаштиришга фақат Кўмита раисининг қарорига кўра йўл қўйилади.

19. Комиссия, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса (кворум), ўз функцияларини амалга оширишда қонуний хуқуқка эга бўлади.

Комиссия аъзолари комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вакт ҳақида ўз вактида хабардор қилиниши лозим. Комиссия аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш ёки сўров йўли билан қарор қабул қилиниши мумкин.

20. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий функциялари хисобланади:

а) туризм соҳаси субъектларининг аризаларини (маълумотларини, ҳужжатларини) кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш;

б) танловда қатнашишга рухсат бериш ёки ўрнатилган талабларга жавоб бермайдиган аризаларни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

в) мажлис натижалари бўйича баённомаларни тўлдириш.

21. Комиссия аъзолари қуйидаги хуқукларга эга:

а) барча тақдим этилган ҳужжатлар ва танлов материаллари билан танишиш;

б) комиссия мажлисида сўзга чиқиш ва баённомаларнинг тўғрилигини текшириш.

22. Комиссия аъзолари:

а) қонунчилик ва ушбу Низом талабларига риоя қилиш;

б) комиссия мажлисларида шахсан иштирок этиш;

в) туризм соҳаси субъектларининг аризаларида ва бошқа ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлашлари шарт.

23. Комиссияга комиссия раиси раҳбарлик қиласди. Комиссия раиси

комиссия ишининг ташкил этилиши учун жавобгардир. Комиссия раиси бўлмаган даврда унинг мажбуриятларини комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

Комиссия мажлисида раис қуийидагиларни амалга оширади:

- а) комиссиянинг ишига умумий раҳбарлик қилади;
- б) комиссия мажлисини ўтказиш вактини тасдиқлади;
- в) комиссия мажлиси қонуний ҳуқуқка эгалигини эълон қилади ёки комиссия аъзоларининг зарур сони мавжуд эмаслиги туфайли уни кўчириш тўғрисида қарор чиқаради;
- г) комиссия мажлисини очади ва олиб боради, танаффусларни эълон қилади;
- д) кун тартибини эълон қилади;
- е) муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди;
- ж) сўзга чиқувчиларга сўз беради;
- з) комиссия аъзоларининг таклифларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг лойиҳаларини овозга қўяди, овоз беришга якун чиқаради ва қабул килинган қарорларни эълон қилади;
- к) зарурат туғилганда, ишга эксперт жалб қилиш масаласини комиссия муҳокамасига қўяди;
- л) мажлислар давомида тузиладиган баённомаларни имзолайди;
- м) қонунчилик ва ушбу Низомга мувофиқ равишда бошқа ишларни амалга оширади.

24. Комиссия туризм соҳаси субъектларининг аризаларида тақдим қилинган маълумотларга таяниб, шунингдек, олинган маълумотлардан келиб чиқиб ва экспертлар жалб қилинса, уларнинг фикрини эътиборга олиб, қарор қабул қилади.

25. Комиссия қарори кворум мавжуд бўлганда, мажлисда қатнашаётган комиссия аъзоларининг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

26. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқукига эга. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади, баённома мажлисда иштирок этажётган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

5-боб. Танлов натижалари бўйича шартнома тузиш

27. Комиссия танлов натижалари бўйича туризм соҳасининг субъектига ҳалқаро тадбирда иштирок этиш учун рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

28. Комиссия баённомаси асосида Марказ танлаб олинган туризм соҳаси субъекти билан тегишли халқаро туризм кўргазмаси ва (ёки) ярмаркасида Кўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, унинг аризасида ва комиссия баённомасида кўрсатилган шартларда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузади.

29. Агар туризм соҳасининг субъекти ўз аризаси ва комиссия баённомаси шартларида шартнома тузишдан бош тортса, унга нисбатан танлов натижалари бекор килинади.

30. Кўргазмада ва (ёки) ярмаркада иштирок этиш тўғрисидаги шартномада қўзда тутилган шартга кўра, тадбирда иштирок этишдан асосиз равишда воз кечилса ёки бош тортилса, унда туризм соҳасининг субъекти Марказга Кўмита ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан унинг тадбирда қатнашиши учун сарфланган харажатларни қоплаб беради.

31. Комиссия томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул килинадиган қарорлар барча танлов иштирокчилари учун мажбурийдир.

6-боб. Якунловчи қоида

32. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга I-илова

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш
СХЕМАСИ

Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
Туризм соҳасининг субъекти	Кўргазма ва (ёки) ярмаркаларда хизматлар ва маҳсулотларнинг янги турлари билан иштирок этиш учун Марказга ушбу Низомнинг I-иловасига мувофиқ шаклдаги аризани шахсан ўзи, почта алоқа воситалари оркали ёки электрон шаклда топширади	Белгиланган тадбирдан 90 календарь кун олдин
Марказ	Аризани кўриб чиқади ва ва танловда иштирок этиш ёки танловда иштирок этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	5 иш куни ичида
Марказ	Қабул қилинган қарорни юборади.	2 иш куни ичида
Марказ	Туризм соҳасининг субъектини текшириш ҳамда ушбу Низомда кўзда тутилган тадбирларда қатнашиш учун танловдан ўтказиш натижалари хақида хабардор қиласди.	20 календарь кун ичида
Марказ	Тадбирларда қатнашиш учун танлов жараёнидан ўтган туризм соҳасининг субъектлари хақидаги ахборотни uzbekistan.travel веб-сайтида ва Кўмитанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида шу жумладан Марказнинг ахборот ресурсларида жойлаштиради, шунингдек, танловдан ўтмаган туризм соҳасининг субъектларини қабул қилинган қарорнинг сабаблари хақида хабардор қиласди.	3 иш куни ичида

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-кувватлаш
жамғармаси маблағлари хисобидан молиялаштириладиган
халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Халқаро туризм кўргазмасининг (ярмаркасининг) номи	Ўтказиладиган мамлакат, шаҳар	Ўтказилиш санаси
1.	FITUR	Мадрид, Испания	Январь
2.	New York Times Travel Show	Нью-Йорк, АҚШ	Январь
3.	EMITT	Истанбул, Туркия	Январь – февраль
4.	OTM	Мумбай, Хиндистон	Февраль
5.	IMTM	Тель-Авив, Исроил	Февраль
6.	ITB Berlin	Берлин, ГФР	Март
7.	MITT	Москва, РФ	Март
8.	AITF	Боку, Озарбайжон	Апрель
9.	KITF	Олмаста, Қозогистон	Апрель
10.	ATM	Дубай, БАА	Апрель
11.	SITIF	Сеул, Корея Республикаси	Июнь
12.	HalalTravelExpo&Forum	Жакарта, Индонезия	Июнь
13.	MATTA	Куала-Лумпур, Малайзия	Сентябрь
14.	TopResa	Париж, Франция	Октябрь
15.	TTG Rimini	Римини, Италия	Октябрь
16.	TourismExpoJapan	Япония	Октябрь
17.	ITB Asia	Сингапур	Октябрь
18.	WTM	Лондон, Буюк Британия	Ноябрь
19.	CITM	Куньмин, ХХР	Ноябрь

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириши давлат қўмитасининг қарорига кўра
учибу Рўйхатга туризм соҳасидаги бошқа халқаро тадбирлар ҳам киритилиши мумкин.*

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

“Миллий PR- маркази” ДУК

**Халқаро туризм кўргазмаларида ярмаркаларида хизматлар
ва маҳсулотларнинг янги турлари билан иштирок этиш учун
АРИЗА**

1. _____,
(шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома бўйича аризачининг тўлик исми)

рўйхатдан ўтган: _____
(манзил, телефон, факс, электрон почта),

Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома:

(раками, рўйхатдан ўтказилган санаси, ваколатли органинг номи)

вакили

(лавозими, аризачи раҳбарининг Ф.И.Ш.)

Халқаро туристик ярмаркада ва (ёки) кўргазмада хизматларнинг янги турлари ва маҳсулотлар билан иштирок этиш истагини билдиради

(ярмарка/ кўргазма номи)

ва у билан бирга келган хужжатлар ва маълумотларни кўриб чиқишини сўрайди.

2. Ушбу илова орқали кўргазма/ярмаркада иштирок этишимни тасдиқлайман.
“Халқаро туристик ярмаркалар ва кўргазмаларда янги хизмат турлари ва маҳсулотлар билан иштирок этиш учун туризм соҳасининг субъектларини танлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан танишдим.

3. Аризага зарур хужжат ва маълумотлар илова қилинади _____

(лавозими, аризачи раҳбарининг Ф.И.Ш.) (шахсий имзо)

_____ 20 ____ й (сана)

Халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар билан иштирок этиши учун туризм соҳаси субъектларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

Халқаро туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида хизматлар ва маҳсулотларнинг янги турлари билан иштирок этиш учун туризм соҳасининг субъектларини танлашда баҳолаш мезони бўйича ўрнатилган БАЛЛАР

№	Мезонлар	Баллар
I. Компания фаолиятига АКТни жорий этиш		
1	Расмий веб-сайтнинг мавжудлиги(фойдаланувчига қулағилиги ва маълумотларнинг тўлиқитиги)	0-3
2	Тўлиқ ишлайдиган веб-сайт сахифаси тиллари сони	хар бир тил учун 1 баллдан (рус ва ўзбек тилидан ташқари)
3	Расмий веб-сайтда туристик хизматлар ва маҳсулотларни онлайн брон қилиш ва сотиш имкониятининг мавжудлиги (интернет-эквайринг)	0-2
II. Туристик хизматлар ва маҳсулотлар*		
1	Йўналишлар бўйича турпакетлар: а) экотуризм; б) агротуризм; в) экстремал туризм; г) тиббиёт туризми; д) этнотуризм; е) MICE; ж) бошқалар	хар бир турпакет 2 баллдан
2	Турпакет доирасида инновацион технологиялардан фойдаланиш.	хар бир турпакет учун кўшимча равища 1 баллдан
3	“Туристик маҳалла”, “Туристик қишлоқ” ёки “Туристик овул” макомига эга бўлган жойлар учун турпакетлар.	хар бир турпакет учун кўшимча равища 1 баллдан
III. Ходимлар ва маркетинг фаолияти		
1	Йўналишлар бўйича касбий ва / ёки олий маълумотга эга бўлган штатда ишловчилар сони: а) туризм; б) маркетинг; в) гид-таржимон; г) меҳмонхона бизнеси д) туроператор ва туризм билан боғлик бошқа йўналишлар.	хар бир ходим учун 2 баллдан
2	Штатда туризм билан боғлик “гид”, “экскурсия етакчisi”, “йўрикчи-йўл бошловчи” ва бошқалар бўйича малака сертификатига эга бўлган ходимлар сони***	хар бир ходим учун 2 баллдан
3	Компаниянинг халқаро туризм веб-платформаларида мавжудлиги (Booking, Expedia, Trip.com, TakeTours и др. халқаро веб-порталлар)	хар бир веб-портал учун 1 баллдан

4	Facebook, Instagram, YouTube, Twitter, WeChat ва бошқа ижтимоий тармоқларда фаоллиги. (ижтимоий тармоқларда мавжуд бўлган обуначиларнинг сони)	хар 1000 обуначи учун 1 баллдан
5	Тасвирли ва матнли йўналиш ўртасида мувозанат мавжуд бўлган (50/50) тарқатма материаллар мавжудлиги (Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини акс эттирувчи брошюралар ва каталоглар)	хар бир тарқатма материал учун 1 баллдан

*) фақатгина туроператор ва тұрагентлар учун;

**) битта түрпакет фвқети битта йўналишида қўриб чиқлади. Индивидуал турларнинг 30% Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда бўлиши керак, қолган 70% Республиkanинг бошқа ҳудудларида;
***) Компаниядаги ходимнинг иши тажсрибаси танловда шитирок этиши учун ариза берииш пайтида камидаб ой бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июнданги 433-сон қарорига
8-илюва

**Фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи”
ва “Туризм овули” мақомини бериш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи – ваколатли давлат органига фуқаролар йиғинига туристик мақомни бериш түғрисида ариза билан мурожаат қилган фуқаролар йиғинининг тегишли ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро ёки фуқаролар йиғини раиси;

ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси;

Марказ – Ўзбекистон Республикасининг Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги “Туристик хизматларни сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонаси;

“Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” (кейинги ўринларда – туризм маҳалласи) – фуқаролар йиғинлари ҳудудининг мавжуд табий, тарихий-маданий ресурслари ва хусусиятлари асосида туристик хизматлар (туристик маҳсулотлар) мажмуи шаклланган ва ушбу ҳудудга тақдим этиладиган мақом;

туризм маҳсулоти – туристнинг саёҳатлари давомида унинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган туризм хизматлари, шу жумладан турар жой, овқатланиш, транспорт, эккурсия ва маслаҳат хизматлари, ишлари ва маҳсулотлари мажмуи;

турист – вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлик бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс;

эккурсант – вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) тунаб қолмасдан йигирма тўрт соатдан ошмайдиган даврда саёҳат қилувчи жисмоний шахс.

3. Фуқаролар йиғинига туризм маҳалласи мақомини беришдан асосий мақсадлар қуйидагилар ҳисобланади:

фуқаролар йиғинида азалдан сакланиб қолган моддий ва маданий

меросини, урф-одатлари ва турмуш тарзини саклаш, илгари суриш ва тарғиб қилиш;

хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш;

туризмни барқарор ривожлантириш;

туристлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

маҳаллий аҳолининг маданияти ва анъаналарини оммалаштириш;

туризм маҳалласининг экологиясини ҳамда табиий бойликларини асраш ва яхшилаш;

фуқаралор йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини яхшилаш;

фуқаролар йиғини ҳудудида янги иш ўринларини яратиш;

доимий равишда туризм хизматлари сифатини белгиланган талабларга мувофиқлаштириш;

туризм хизматларини кўрсатишда қонун талабларига риоя қилиш.

4. Фуқаролар йиғинларига туризм маҳалласимақомини бериш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Фуқаролар йиғини туризм маҳалласи мақомини олиши учун қўйиладиган талаблар ва шартлар

5. Фуқаролар йиғини туризм маҳалласи мақомини олиши учун қўйидаги талаблар ва шартларга жавоб бериши лозим:

а) фуқаролар йиғини ҳудудида хорижий ва маҳаллий туристларни қабул қилиш учун камида 20 та оиласвий меҳмон уйларининг мавжудлиги;

б) фуқаролар йиғини ҳудудида туристларга камида 5 та сифатли туристик хизматларни тақдим этиш (турас жой ва (ёки) овқатланиш хизматларидан ташқари);

в) фуқаролар йиғини ҳудудида маҳаллий ишлаб чиқарилаётган эсдалик совғалари маҳсулотларини (камида битта савдо нуктаси) сотиш шохобчаларини ташкил этиш;

г) фуқаролар йиғини ҳудудида туризмнинг қўйидаги турларидан бирини ташкиллаштириш:

экологик (геотуризм);

агротуризм (қишлоқ);

этнографик;

маданий ва тарихий;

д) фуқаролар йиғини ҳудудида туристик кўргазма объектларининг мавжудлиги;

е) фуқаролар йиғини худудида туристлар (экскурсантлар) хавфсизлигини таъминлаш;

ё) туристлар учун яратилган қўшимча кўнгил очар шарт-шароитлар (отлар, туялар, велосипедлар, квадрациклар, қайиқлар, катамаранлар ва бошқалар ижараси);

ж) туризм тўғрисидаги норматив ҳужжатларга мажбурий риоя қилиш;

з) зарур инфратузилманинг мавжудлиги (автомобил йўллари, транспорт алоқаси, алоқа воситалари, ичимлик суви, электр энергияси, Интернет, совук мавсумда иситиш тизими);

и) худудда кузатилиши мумкин бўлган табиий ҳодисалар ва хавфли худудлар тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги;

к) йил давомида туризм хизматларини кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги;

л) зарур кўрсаткичларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида мавжудлиги;

м) биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги;

н) босма шаклда туристик обьектларни жойлашиш жойлари харитаси мавжудлиги;

о) ташриф буюришдан олдин туристлар томонидан оиласи мөхмон уйлари учун жойларни брон қилиш ва фуқаролар йиғини худудида кўрсатиладиган туристик хизматларга буюртма бериш имкониятининг мавжудлиги;

п) фуқаролар йиғини тўғрисидабарча учун қулай жойида маълумот материаллари (варақалар, буклетлар, рисолалар, хариталар ва бошқалар) мавжудлиги.

3-боб. Фуқаролар йиғинитуризм маҳалласи мақомини олиши учун зарур бўлган ҳужжатлар

6. Фуқаролар йиғини туризм маҳалласи мақомини олиши мақсадида ариза берувчи томонидан Марказга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда, почта орқали ёки электрон шаклда ариза топширилади.

7. Аризага ариза берувчининг имзоси ёки электрон ракамли имзоси билан тасдиқланган қуидаги маълумотлар илова қилиниши керак:

ариза берувчи тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., алоқа маълумотлари);

фуқаролар йиғинининг номи;

ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ фуқаролар йиғини худудида кўрсатиладиган туристик хизматлар тўғрисида маълумотлар.

8. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 7-бандида кўзда тутилмаган хужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни талаб қилинишига йўл кўйилмайди.

9. Аризани кўриб чиқиши учун ариза берувчидан йиғим ундирилмайди.

4-боб. Фуқаролар йиғинига туризм маҳалласи мақомини бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш

10. Марказ тақдим этилган хужжатларни беш иш куни ичида тўлиқлиги жиҳатдан кўриб чиқади ва уларни ваколатли давлат органига юборади.

11. Ваколатли давлат органи аризани кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва ходимларидан иборат таркибда маҳсус комиссия тузади.

Марказ маҳсус комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

12. Маҳсус комиссия ариза қабул қилинган кундан эътиборан:

уч иш куни мобайнида фуқаролар йиғинининг ушбу Низом талаблари ва шартларига мувофиқлигини ўрганиш юзасидан ваколатли вакиллар рўйхатини тасдиқлайди. Бунда, Маҳсус комиссия ариза берувчини ўрганиш санаси ва вакти тўғрисида хабардор қиласи;

етти иш куни ичида ваколатли вакилларнинг фуқаролар йиғини ҳудудига ўз вақтида чиқишилари ва ўрганиш ўтказишни таъминлайди. Ваколатли вакиллар икки иш кунида ортиқ бўлмаган вақтда фуқаролар йиғини ҳудудида туристлар қабул қилиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ушбу Низом талабларига мос келишини ўрганади;

ўн беш иш куни ичида фуқаролар йиғинларини ушбу Низом талаблари ва шартларига жавоб бериши ёки бермаслиги ҳақидаги хулоса тайёрлайди ҳамда Маҳсус комиссияга кўриб чиқиши учун тақдим қиласи.

13. Маҳсус комиссия ваколатли вакилларнинг хулосасини кўриб чиқади ва фуқаролар йиғинигатуризм маҳалласимақомини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи. Маҳсус комиссия қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки иш куни ичида қарорни ариза берувчи ва ваколатли давлат органига юборади.

14. Ваколатли давлат органи уч иш куни ичида Маҳсус комиссиянинг қарорига асосан ушбу Низомга З-иловага мувофиқ фуқаролар йиғинига туризм маҳалласи мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома беради.

15. Маҳсус комиссия туризм маҳалласи мақомини беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва уч иш куни ичида ариза берувчига юборилади.

16. Рад этиш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, тақрорий аризани кўриб чиқиш Махсус комиссия томонидан ариза келиб тушган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаган муддатда, аниқланган камчиликларни бартараф этишни тасдиқловчи материаллар билан ўтказилади.

Материалларни қайта кўриб чиқишида, рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

17. Ваколатли давлат органи фуқаролар йиғинига туризм маҳалласи мақомини бергандан сўнг, тегишли маълумотни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларига биринчи навбатда киритиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

5-боб. Фуқаролар йиғинининг хукуқлари.

Ваколатли давлат органининг туризм маҳалласи фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалари

18. Туризм маҳалласи мақомини олган фуқаролар йиғинлари “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларига биринчи навбатда киритилади.

Туристларга бепул хизмат кўрсатадиган аҳоли ва ходимлар туристларга хизмат кўрсатишнинг замонавий услубларига мувофик ўқитилади.

Фуқаролар йиғини ҳудуди оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бепул тарғиб қилинади.

Фуқаролар йиғининг гўзал обьектлари тўғрисидаги материаллар (рисолалар, буклетлар, флаерлар ва бошқалар) бепул нашр этилади ҳамда хорижий ва маҳаллий сайёхлик кўргазмаларида намойиш этилади.

Туризм маҳалласи мақомини олган фуқаролар йиғини вилоятнинг туристик йўналишларига биринчи навбатда киритилади.

Туризм маҳалласи мақомини олган фуқаролар йиғинининг аҳолисини тайёрлаш, ушбу ҳудудни миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш, шунингдек, “Туризм фуқаролар йиғини”нинг гўзал обьектлари тўғрисидаги материалларни хорижий ва маҳаллий сайёхлик кўргазмаларида эълон қилиш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш Жамғармаси бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молиявий институтлар ва ташкилотларнинг хайриялари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек қонун билан таъкиланмаган бошқа манбалар маблағлари хисобидан амалга оширилади.

19. Ваколатли давлат органи туризм маҳалласи мақомига эга бўлган фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

20. Ваколатли давлат органи:

туризм соҳасидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб боради;

маҳаллий давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда туризм соҳасини, шунингдек, фуқаролар йигинлари билан биргаликда туристик хизматлар қўрсатишни яхшилаш ва туризм маҳалласи ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

энг яхши “Йилнинг туризм фуқаролар йигини” танловини ташкил этади;

туризм маҳаллалариҳисобини юритади;

туризм маҳаллаларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

туризм маҳалласи иштироқчиларига давлат томонидан ва бошқа ёрдамлар олишда қўмаклашади.

Ваколатли давлат органига қонун хужжатларига мувофиқ туризм маҳалласи фаолиятини такомиллаштириш бўйича бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин.


7-боб. Якунловчи қоидалар

21. Туризм маҳалласи фаолиятини назорат қилиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Фуқаролар йиғинлариға “Туризм махалласи”,
“Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули” мақомини
бериш тартиби тұғрисидаги низомга
1-илова

**Фуқаролар йиғинлариға туристик мақомни бериш
СХЕМАСИ**



Фуқаролар йиғинларига “Туризм маҳалласи”,
“Туризм қишлоғи” ва “Туризм овули”
мақомини бериш тартиби тұғрисидаги низомга
2-илова

**Туризм фуқаролар йиғини мақомни олиш бүйича
АРИЗА**

1.	Жойлашуви (харита бүйича көнгөлків үзүнлік)	
2.	Майдони (гектар)	
3.	Ахоли	
4.	Фуқаролар йиғинининг номи;	
5.	Туристик ҳудудни яратиши мақсадлари	<i>Ахолининг билім даражасы үшіншілек; шароиттарини яхшилаштыруши; Янги иш үрінларини яратиши; Инфраатузилмани ривожлантириши; Ахоли даромадларининг ўсиси; Туризм инфраатузилмасини диверсификация қилиши үшіншілек; Ривожлантириши; Ҳудудни оммалаштыруши.</i>
6.	Яратылған мәжмон уйлары сони	
7.	Мәжмон уйларининг 07.08.2018 даги 631-сондағы ВМҚ да күрсатылған талабларга мүвоғиқлиги	<i>Мос келади/ мос келмайды</i>
8.	Фуқаролар йиғини ҳудуднинг таклиф этилаётган чегараларыда күрсатылған туризм хизматларининг рүйхати	<i>Гид хизматлари, отларни ижарага беруш, фолклор, ҳунармандчылық, балық овлаш, үй музейи, маҳорат дарслар ва бошқалар.</i>
9.	Ҳудудда жойлашған дикқаттағы сазовор жойларининг номи	
10.	Фуқаролар йиғини ҳудудни ривожлантириш ва шакллантиришнинг истиқболли режаси	<i>Күшимча мәжмон уйларини яратиши; Күшимча туризм хизматларини яратиши; Хизмат күрсатушы ходимларини үқитиши; Ҳудудни бошқа туризм жүнапишларига кириптештешеши; Ҳудудни тартибга солуш.</i>

Фуқаролар йиғинларига “Туризм махалласи”, “Туризм кишлопи” ва “Туризм овули” мақомини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-илова



**Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси
ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификатини бериш тартибини белгилайди;
2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш институти (кейинги ўринларда – Ишчи орган) – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) малака имтиҳонини ўtkазиш, малака сертификати ва бейжик олиш бўйича талабгорларнинг хужжатларини кўриб чиқиши тартибини амалга ошириш, шунингдек малака сертификати ва бейжик бўйича ваколатли вакили;

гид (гид-таржимон) – ахборотга оид ва ташкилий хизматлар кўрсатиш, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристик ресурслар билан танишириш учун касбий тайёргарликдан ўтган Ўзбекистон Республикаси резиденти;

Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг Ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – Ишчи орган томонидан юритиладиган, гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчилар тўғрисидаги умумий тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган ахборот ресурси;

идентификация картаси (кейинги ўринларда – бейжик) – гид (гид-таржимон), экскурсия етакчисининг кўрсатилган худуд ва туристик (экскурсия) обьектларида экскурсия ўtkазиш ҳуқукини тасдиқловчи, шунингдек, йўриқчи-йўл бошловчининг туристларни (экскурсантларни) туристик (экскурсия) маршрутлардан ўтаётган вақтда ҳавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳуқукини тасдиқловчи хужжат;

йўриқчи-йўл бошловчи – туристик йўналишларда туристлар ва экскурсантларга ҳамроҳлик қилиш ҳамда уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун касбий тайёргарликдан ўтган Ўзбекистон Республикаси резиденти;

малака имтиҳони – назарий ва амалий тайёргарлик, тажриба ва малака (касбий билим ва кўникмалар)нинг етарлилигини аникловчи ва уларнинг гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси, йўриқчи-йўл бошловчиларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини баҳолашга йўналтирилган малакани баҳолаш тартиби;

малака сертификати – гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчининг малакасини тасдиқловчи, малака имтиҳонини мувваффақиятли топширгандан сўнг бериладиган белгиланган намунадаги хужжат;

малака тоифаси – гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчининг малака имтиҳона натижасига кўра аниқланадиган малака даражаси;

талабгор – малака сертификати ва бейжикни олишга талабгор бўлган жисмоний шахс;

экскурсия етакчиси – туристлар ва экскурсантларни муайян туристик ресурслар билан таништириш учун касбий тайёргарликдан ўтган Ўзбекистон Республикаси резиденти;

экскурсия хизматлари – йигирма тўрт соатдан ошмайдиган ва туристларни жойлаштириш (кечаси тунаш) хизматлари кўрсатишни кўзда тутмайдиган, туристларнинг (экскурсантларнинг) маънавий, интеллектуал, ишбилармонлик ва бошқа эҳтиёжларини қондира оладиган обьектлар билан таништириш мақсадида, олдиндан тузилган маршрутлар бўйича экскурсия етакчиси ҳамроҳлигида экскурсияларни ташкил этиш хизмати.

3. Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака сертификати ва бейжик бериш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Малака сертификати ва бейжик гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга қуидаги холларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экскурсия хизматларини кўрсатиш ҳукукини беради:

- юридик шахс штатида бўлса;
- фукаролик-ҳукукий шартнома асосида юридик шахс билан ишлаётган бўлса;
- якка тартибдаги тадбиркор ёки ўз-ўзини банд қилган шахс бўлса.

5. Олий, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълими муассасалари ёки қайта тайёрлаш курсларини гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчи мутахассислиги бўйича битирганлар (кейинги ўринларда - битирувчилар) таълим муассасасини тамомлагандан кейин дастлабки уй йилда малака имтиҳонини топширишдан озод этилади. Ишчи орган битирувчиларга шахсий рўйхатга олиш рақами тақдим этиш билан улар хақидаги маълумотларни Реестрга киритади ва бейжик беради.

6. Туризм соҳасидаги кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасалари Реестр маълумотларига мувофиқ Ишчи орган томонидан белгиланган шакл асосида курслар битирувчилари тўғрисидаги маълумотларни Ишчи органга тақдим этади.

7. Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиш муддати – уч йил.

**2-боб. Талабгорга қўйиладиган талаблар.
Малака имтиҳонини топшириш учун тақдим
этиладиган хужжатлар**

8. Малака имтиҳонини топшириш учун талабгор қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиши;

б) “гид (гид-таржимон)” мутахассислиги бўйича олий маълумотга ёки “маҳаллий гид” ва “йўриқчи-йўл бошловчи” мутахассисликлари бўйича ўрта ва ўрта маҳсус профессионал маълумотга ёки “экспурсия фаолияти” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги хужжатга эга бўлиши;

в) белгиланган тартибда малака ошириш курсларини ўтганлигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлиши.

9. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун Ишчи органга қуидаги хужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда малака имтиҳонини топширишга рухсат олиш тўғрисидаги ариза;

б) олий ёки ўрта ва ўрта маҳсус профессионал маълумот ҳақидаги диплом, олий ёки ўрта ва ўрта маҳсус профессионал маълумотнинг тан олинганилиги ҳақидаги сертификат, ёки қайта тайёрлаш курсидан ўтганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси;

в) икки дона оқ фонда фотосурат (3x4 ҳажмда), шунингдек электрон вариантда;

г) малака имтиҳонини топшириш ва малака сертификатини олиш (расмийлаштириш) учун базавий хисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда – БҲМ) бир баробари миқдоридаги йиғим (кейинги ўринларда – малака сертификатини олиш учун йиғим) амалга оширилганлигини тасдиқловчи банк тўлов хужжати;

е) 086 шаклидаги тиббий маълумотнома (йўриқчи-йўл бошловчилар учун);

Талабгордан мазкур Низомда назарда тутилмаган хужжатларни тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган хужжатлар талабгор томонидан Ишчи органга бевосита, почта алоқаси ёки электрон почта орқали уларни олинганилигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади. Топширилган хужжатлар қайтариlmайди.

**3-боб. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш
ёки рад этиш ҳакида қарор қабул қилиш тартиби**

11. Ишчи орган ариза тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида талабгорнинг малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш ёки рад этиш ҳакида қарор қабул қиласи.

12. Ишчи орган күйидаги асосларга кўра талаборнинг малака имтиҳони топширишини рад этади:

а) талабор мазкур Низомнинг 8-банди талаблариға жавоб бермаганда;

б) хужжатларда нотўғри ёки ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқлангандা.

13. Бошқа асосларга кўра талаборнинг малака имтиҳонини топширишини рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Талаборнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда Ишчи орган томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талаборга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида бир иш куни ичидан расмий равишда хабарнома юборилади.

15. Малака имтиҳонини топшириш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномада аниқ қонунчилик нормалариға мувофиқ рад этилганлик сабаблари ва талабор ушбу сабабларни бартараф этган ҳолда хужжатларни қайта кўриб чиқилиши учун топшириши мумкин бўлган муддат (уч ойдан кўп бўлмаган) кўрсатилган бўлиши керак.

16. Малака имтиҳонини топшириши рад этилган талабор рад этилишига сабаб бўлган эътиrozларни бартараф қилган ҳолда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

17. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талаборларга уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида малака имтиҳони ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин почта ёки электрон алоқа воситалари орқали хабар берилади.

Талаборнинг малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинганда у малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талаборлар рўйхатига киритилади. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талаборлар рўйхати имтиҳон комиссиясига тақдим этилади.

4-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

18. Малака имтиҳони 15 нафар талабордан кам бўлмаган гурухлар шакллантирилган ҳолда, лекин икки ойда камида бир марта ўтказилади.

19. Малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кундан кечиктирмай Ишчи орган ва Қўмитанинг расмий ахборот ресурсларида жойлаштириллади.

20. Малака имтиҳони Қўмита раиси томонидан тасдиқланадиган 9 кишидан иборат имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

Имтиҳон комиссияси таркибиға Қўмита, Ишчи органнинг масъул шахслари ҳамда тарих, архитектура, диншунослик, тилшунослик соҳасидаги олий таълим ва илмий муассасалар, туризм соҳаси субъектлари вакиллари, шунингдек олий тоифага эга гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчилар киритилади.

Имтиҳон комиссияси бир йиллик муддатга тузилади. Заруратга қараб

Қўмита раисининг қарори билан имтиҳон комиссияси таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Имтиҳон комиссияси унинг аъзоларининг камидаги учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Имтиҳон комиссиясининг раиси Қўмитанинг ваколатли вакили, комиссия котиби Ишчи орган вакили ҳисобланади.

21. Талабгорлар малака имтиҳонини топширишда паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этади.

22. Ҳужжатлари имтиҳондан ўтишга тақдим этилган, лекин паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этмаган ёки имтиҳонга кечиккан, ёки узрли сабабларга кўра имтиҳонга кела олмаган талабгорлар навбатдаги малака имтиҳонига киритиладиган шахслар рўйхатига киритилади ҳамда бу ҳақда бевосита, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда хабардор килинади.

23. Талабгор тартибга мувофиқ икки марта огоҳлантирилган ва малака имтиҳонига келмаган тақдирда, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилади. Ушбу холатда малака имтиҳонини топшириш учун тўланган йиғим кайтарилмайди.

24. Ҳужжатларни кайта расмийлаштириш ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

25. Малака имтиҳони икки босқичда ўтказилади:

1-босқич – компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган тест синовлари;

2-босқич намойиш имтиҳони (факат малака имтиҳонида илк маротаба иштирок этаётган талабгорлар учун).

26. Малака имтиҳонининг шаффоғлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишида видеоёзувга (овозли) туширилади.

27. Малака имтиҳонининг ҳар иккала босқичини ўтказиш куни Ишчи орган томонидан ташкилий масалалардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Малака имтиҳонининг ҳар иккала босқичи бир кунда ўтказилишига йўл қўйилмайди.

28. Малака имтиҳони босқичларининг биридан ўта олмаган талабгорга ушбу босқични қайта топшириш имконияти берилади. Бунда, Ишчи орган талабгорни почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақрорий малака имтиҳонининг ўтказилиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида унинг ўтказилишидан камидаги уч иш куни олдин хабардор қиласи.

29. Малака имтиҳони гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчилар учун алоҳида гурухларда ўтказилади.

30. Тест ва намойиш имтиҳони учун саволлар ва тўғри жавоблар тўплами Ишчи орган томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режа ва дастурлари асосида ишлаб чиқилади.

31. Тест саволлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни хисобга олган ҳолда доимий равишда янгилаб борилади.

32. Тест синовлари ўкув режа дастурларининг барча бўлимларини ўз ичига олган ҳолда, 75 та саволдан иборат бўлади. Тест саволлари талабгорнинг аризасида кўрсатилган (ўзбек ёки рус) тилда тақдим этилади.

Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 70 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини мувваффақиятли топширган хисобланади.

33. Тест натижалари ижобий деб топилган талабгорларга иккинчи босқичдан ўтишига рухсат этилади ва имтиҳон ўтказилишидан камида уч иш куни олдин имтиҳоннинг ўтказилиш жойи, санаси ва вакти ҳақида хабардор қилинади.

34. Намойиш имтиҳони касбий стандартлар ва ўкув дастурлари асосида тузилган амалий топшириклар бўйича ўтказилади. Намойиш имтиҳони давомида имтиҳон комиссияси аъзолари амалий топшириклар билан боғлик бўлган қўшимча саволлар бериш ҳуқуқига эга.

Намойиш имтиҳона имтиҳон комиссиясининг кўпчилик овози билан баҳоланади.

Имтиҳондан ўта олмаган талабгор имтиҳон комиссиясининг тавсияси билан иккинч босқични қайта топшириш ҳуқуқига эга. Бунда Ишчи орган талабгорни почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақорий намойиш имтиҳонининг ўтказилиш санаси, вакти ва жойи тўғрисида унинг ўтказилишидан камида уч иш куни олдин хабардор қиласи.

35. Малака имтиҳонининг иккинчи босқичи талабгорнинг аризасида кўрсатилган тилда ўтказилади.

36. Талабгорга малака имтиҳонининг биринчи босқичини топшириш учун 120 дақика, иккинчи босқич учун 60 дақика вакт берилади.

Малака имтиҳонини топшириш жараёнида белгиланган вактда барча саволларга жавоб бера олмаган талабгор малака имтиҳонини топширмаган хисобланади.

37. Малака имтиҳонининг биринчи босқичи Кўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ва таълим муассасалари биносида, марказлаштирилган тарзда Кўмита ва/ёки Ишчи органнинг ахборот ресурслари орқали онлайн режимда Кўмитанинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг назорати остида ўтказилиши мумкин.

Иккинчи босқич Ишчи орган билан видеомулоқот тарзида намойиш обьектларида Кўмитанинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг назорати остида ўтказилиши мумкин.

38. Малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда талабгорнинг маълумотнома ва маҳсус материаллардан (қофоз ва электрон), уяли телефон ва бошка техникалардан фойдаланиши, бошка талабгорлар билан мулоқот қилиши ва аудиторияни тарқ этиши такикланади. Ушбу талабларни бузган талабгорлар

аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб хисобланади.

39. Талабгорга ўзи билан бирга ичимлик суви, дори ва малака имтиҳонини топшириш учун зарур бўлган бошқа воситаларни (кўзойнак, линзалар) олиб киришига рухсат берилади.

40. Бегона шахсларнинг малака имтиҳони ўтказилаётган хонага киритилишига йўл қўйилмайди.

41. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳонини қайта топшириш учун ариза бериш хуқуқига эга. Малака имтиҳонини қайта топшириш ушбу Низомнинг 26-40 бандларига мувофиқ амалга оширилади.

42. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгорларга йифим қайтарилилмайди.

43. Малака имтиҳони натижалари Ишчи орган ва Кўмитанинг ахборот ресурсларида малака имтиҳони ўтказилганидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмай эълон қилинади.

44. Имтиҳон комиссиясининг карорлари баённомалар билан расмийлаштирилади, малака имтиҳони ўтказиладиган куни имтиҳон комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг материаллари, шунингдек талабгорларнинг хужжатлари белгиланган тартибда Ишчи органда сақланади.

45. Битиравчилар бейжик олиш учун, шахсий маълумотлари кўрсатилган, эркин тарзда ёзилган талабномани Ишчи органга юборади ва ушбу Низомнинг 9-банди “а”, “б” кичик бандларида кўрсатилган хужжатлар йиғмажилдини топширади.

46. Талабгорларнинг малака тоифасини олиши учун малака имтиҳони ушбу бобда кўрсатилган тартиб асосида ўтказилади.

47. Талабгорлар малака тоифасини олиши учун таълим муассасаларида малака ошириш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги хужжатга, Ишчи орган томонидан бериладиган малака сертификати ва бейжикка, шунингдек қуйидаги муддатлар бўйича зарурӣ иш тажрибасига эга бўлиши лозим:

II тоифа учун – 3 йилдан 6 йилгача;

I тоифа учун – 6 йилдан 9 йилгача;

Олий тоифа учун – 9 йилдан юқори.

5-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби

48. Малака имтиҳони натижаларига кўра, имтиҳондан ўта олмаган ёки хуқуклари бузилган талабгорлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган кундан бошлаб беш иш кунида Кўмитанинг апелляция комиссиясига апелляция бериш (ёзма равища) хуқуқига эга.

49. Апелляция комиссияси Кўмита раисининг буйруғи билан Кўмита ва профессионал ҳамжамиятлар вакилларидан иборат бўлган, имтиҳон комиссиясига кирмайдиган, беш кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси бир ҳафта ичида тақдим этилган апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳакида ёзма равишда хабар беради.

50. Апелляцияни кўриб чиқиши натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

имтиҳон комиссияси қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш;

имтиҳон комиссияси қарорини бекор қилиш ва такрорий малака имтиҳонини белгилаш;

апелляцияни қаноатлантириш ва малака сертификати ва бейжик бериш, шунингдек талабгор ҳакида маълумотларни Реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

51. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор апелляцияда кўрсатилган далиллар тасдиқланмаганида қабул қилинади.

52. Агар малака имтиҳонини қайта топшириш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Апелляция комиссияси малака имтиҳонини топширмаган деб топилган талабгор учун такрорий имтиҳон топшириш кунини белгилайди. Апелляция комиссиясининг қарори билан белгиланган қайта малака имтиҳони учун малака сертификатини олиш бўйича йигим ундирилмайди.

53. Апелляцияни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Апелляция комиссияси малака сертификати ва бейжик бериш тўғрисида қарор қабул қиласи, бу эса Ишчи орган томонидан талабгор тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш учун асос бўлади.

54. Апелляция комиссияси қарори устидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

6-боб. Малака сертификати ва бейжикни бериш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби

55. Ишчи орган Реестрга қуидаги маълумотларни киритади:

малака имтиҳонидан ўтган ва индивидуал рўйхатга олиш рақамига эга бўлган шахслар тўғрисида ва уларга ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда берилган малака сертификати, 4-иловасига мувофиқ берилган бейжикнинг электрон вариантини жойлаштиради (беради);

индивидуал рўйхатга олиш рақамига эга бўлган битирувчилар тўғрисида ва уларга берилган бейжикнинг электрон вариантини жойлаштиради (беради).

56. Реестрдан кўчирма, малака сертификати ва бейжик Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида бир хил юридик кучга эга.

Зарурат бўлганда, малака сертификати ва бейжикнинг эгаси Ишчи органга мурожаат қилиш орқали ушбу ҳужжатларнинг тегишли бланкада тайёрланадиган вариантини расмийлаштириши ёки Реестрнинг имкониятларидан келиб чиқиб мустақил равишда юклаб олиши ва чоп этиши мумкин.

Битиравчиларга бейжикни расмийлаштириш ва бериш учун Ишчи орган томонидан БХМ нинг 25 фоизи микдорида йигим ундирилади.

57. Малака сертификати ва бейжик муддатининг амал қилиш муддати тугагач, уни бериш (расмийлаштириш), қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тартиби мазкур Низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

58. Олий тоифа учун малака имтиҳонидан муваффакиятли ўтган талабгорларга малака сертификати ва бейжик амал қилиш муддатисиз берилади.

59. Малака сертификати ва бейжикнинг тегишли бланкада тайёрланадиган варианти талабгор ва битиравчиларнинг сўровига мувофиқ Ишчи орган томонидан беш иш куни давомида расмийлаштирилади.

60. Малака сертификати ва бейжик эгасининг фамилияси, исми, шарифи ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдикловчи ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб бир ой ичida Ишчи органга малака сертификати ва бейжикни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат қиласди. Бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака сертификати ва бейжикнинг асл нусхаси, икки дона оқ фонда фотосурат, электрон варианти билан (3x4 ҳажмда) ва тегишли ўзгаришларни тасдикловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

61. Малака сертификати ва бейжик эгасининг сўровига мувофиқ, малака сертификати ва бейжикнинг қайта расмийлаштирилиши илгари олинган малака сертификати ва бейжикни қайта расмийлаштириш зарурияти кўрсатилган маълумот тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кунида амалга оширилади,

Бунда аввалги ракам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификати ва бейжикнинг янги бланкаси берилади, илгари берилган малака сертификати ва бейжик Ишчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

62. Малака сертификати ва бейжикни қайта расмийлаштириш учун Ишчи орган томонидан БХМ нинг 25 фоизи микдорида йигим ундирилади.

63. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ва бейжикнинг ўрнига малака сертификати ва бейжик эгасининг аризасига мувофиқ унга Ишчи орган томонидан ушбу ҳужжатларнинг дубликати берилади.

64. Малака сертификати ва бейжикнинг дубликати уларнинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати билан берилади ва янги бланканинг юкори бурчагида “Дубликат” ёзуви кўрсатилади.

65. Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати ва бейжик Ишчи органга қайтарилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

66. Малака сертификати ва бейжикнинг дубликатини беришда БХМ нинг 25 фоизи микдорида йигим ундирилади.

7-боб. Реестрни юритиш тартиби

67. Реестр Ишчи орган томонидан юритилади.

Реестрни юритиш қуйидагиларни назарда тутади:

маълумотлар базасига гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчилар тўғрисидаги маълумотларни уларга берилган индивидуал рўйхатга олиш рақами билан киритиш;

маълумотолар базасини онлайн режимда янгилаш.

68. Реестр қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

фамилияси, исми, отасининг исми;

паспорт маълумотлари ва яшаш манзили;

гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчи биладиган хорижий тиллар;

экскурсия хизматлари амалга оширилаётган ҳудудлар (вилоятлар, шаҳарлар);

малака сертификати ва бейжикнинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати;

малака ошириш курсларини тугатганлигини тасдиқловчи хужжатлар;

гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчининг тоифаси;

олий, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим, шунингдек қайта тайёрлашдан ўтганлиги тўғрисида маълумот;

малака сертификати ва бейжик амал қилишининг тугаганлиги, бекор килинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ва дубликат берилганлиги тўғрисида маълумот;

гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчи билан боғланиш маълумотлари.

69. Реестрга киритилган асосий маълумотлар танишиш учун очик ҳисобланади, шунингдек гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчилар тўғрисидаги маълумотлар доимий янгилаб борилади ҳамда Кўмита ва Ишчи органнинг расмий ахборот ресурсларида жойлаштирилади.

8-боб. Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби

70. Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўрикчи-йўл бошловчи билан боғлиқ шикоятлар, шунингдек малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалалари Кўмита хузуридаги беш кишилик таркибга эга бўлган Маҳсус комиссия (кейинги ўринларда – Маҳсус комиссия) томонидан кўриб чиқилади.

Маҳсус комиссиянинг ишлаш тартиби ва таркиби Кўмита томонидан белгиланади.

Махсус комиссия малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш хуқукига эга.

71. Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган келишув мажбуриятларининг бузилиши аниқланганда;

экспурсия хизматларининг сифати билан боғлиқ шикоятлар келиб тушганда ва малака сертификати ва бейжик эгасининг сифатсиз хизмат кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фактлар тасдиқланганда.

Малака сертификати ва бейжикни тўхтатиб туриш Махсус комиссия ёки суд томонидан амалга оширилади. Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиши Махсус комиссия томонидан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга, суд томонидан эса ўн иш кунидан уч ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Махсус комиссиянинг малака сертификати ва бейжикни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори малака сертификати ва бейжик эгасига қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равища етказилади. Суднинг малака сертификати ва бейжикни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори унинг эгасига ва Кўмитага қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Махсус комиссия ва суд томонидан малака сертификати ва бейжикнинг эгасига ушбу ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиш бўйича муддат белгиланиши шарт. Бунда малака сертификати ва бейжикнинг амал қилинишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиш тўғрисидаги суд қарорида белгиланган муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Агар малака сертификати ва бейжик эгаси томонидан малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар бартараф этилса, малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган Махсус комиссия ёки суд ушбу ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқни олган кундан эътиборан икки кун ичida малака сертификати ва бейжикни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Малака сертификати ва бейжик уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан тўхтатиб турилади ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

72. Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиши қўйидаги ҳолатларда тугатилади:

малака сертификати ва бейжик эгасининг малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ёзма мурожаати орқали;

малака сертификати ва бейжикнинг эгаси вафот этганда;

малака сертификати ва бейжик эгасининг муомалага лаёқатлилиги

белгиланган тартибда чекланганда ёки муомалага лаёкатсиз деб топилганда;

малака сертификати ва бейжик эгаси томонидан жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган экскурсия хизматларини кўрсатиш бўйича келишув мажбуриятларининг мунтазам равишда бузилиши аниқланганда;

малака сертификати ва бейжикни экскурсия ўтказиш максадида бошқа шахсга/шахсларга топшириш факти аниқланганда;

малака сертификати ва бейжик эгаси томонидан малака сертификати ва бейжикининг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатлар Махсус комиссия ёки суд томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаса;

Ишчи органнинг малака сертификати ва бейжикни бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганда;

малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиш муддати тугаганда.

Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш Махсус комиссиянинг қарори билан амалга оширилади, ушбу банднинг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ушбу банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно

Малака сертификати ва бейжикнинг амал қилиши уларнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб тугайди ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

Махсус комиссиянинг малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори малака сертификати ва бейжик эгасига қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишида етказилади. Суднинг малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори унинг эгасига ва Кўмитага қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Малака сертификати ва бейжикнинг эгаси малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг уч иш куни ичida уларни йўқотиш учун Ишчи органга қайтариши шарт.

Бошқа сабабларга кўра малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатишга йўл қўйилмайди.

73. Малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

малака сертификати ва бейжик эгасининг малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш тўғрисидаги ёзма мурожаати;

сохта хужжатлар тақдим этиш орқали малака сертификати ва бейжик олиш факти аниқланганда;

суд томонидан Ишчи органнинг малака сертификати ва бейжик бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганда.

Бошқа асослар бўйича малака сертификати ва бейжикнинг бекор

қилинишига йўл қўйилмайди.

Махсус комиссиянинг малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш тўғрисидаги қарори кабул қилинган кундан эътиборан амал қиласди ва Реестрга тегишли ёзув киритилади.

Махсус комиссиянинг малака сертификати ва бейжикнинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарори малака сертификати ва бейжик эгасига қарор кабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечиктирмай ёзма равишда етказилади. Суднинг малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш тўғрисидаги қарори унинг эгасига ва Кўмитага қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Малака сертификати ва бейжикнинг эгаси малака сертификати ва бейжик бекор қилиниши тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг уч иш куни ичидаги уни йўқотиш учун Ишчи органга қайтариши шарт.

74. Ишчи орган Махсус комиссия ёки суднинг малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарори тўғрисида бир иш кунидан кечиктирмай малака сертификати ва бейжик эгасини ёзма равишда хабардор қиласди.

75. Малака сертификати ва бейжикнинг эгаси малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тугатиш ёки бекор қилиниши тўғрисида қарор кабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги малака сертификати ва бейжикни йўк қилиш учун қонунчиликда ўрнатилган тартиби Ишчи органга қайтариши лозим.

76. Ишчи орган малака сертификати ва бейжикнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ва (ёки) Ишчи орган ва Кўмитанинг расмий ахборот ресурсларида эълон қиласди, Реестрга тегишли ўзгартиришлар киритади.

77. Малака сертификати ва бейжикни бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

9-боб. Якунловчи қоидалар

78. Ушбу Низом талаблари ва шартлари қонун хужжатларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши мумкин.

79. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва
йўриқчи-йўл бошловчиларга малака
сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларга
малака сертификати ва бейжик бериш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Жисмоний шахс (талабгор)	Жисмоний шахс (талабгор) тегишли ҳужжатлар билан Ишчи органга мурожаат килади.	Эҳтиёждан келиб чиққан холда
2-босқич	Ишчи орган	1. Мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилади ва кўриб чиқади. 2. Малака имтиҳонини ўтказиш вақти ва жойини эълон қилади ва белгилайди.	Ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофиқ
3-босқич	Имтиҳон комиссияси	Мазкур Низомн талабларига мувофиқ малака имтиҳонини ўтказади ва натижаларини эълон қилади.	Ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофиқ
4-босқич	Ишчи орган	1. Реестрга тегишли ёзувларни киритади. 2. Белгиланган намунадаги малака сертификати ва бейжикни тайёрлайди ва тақдим қилади (эгасининг сўровига мувофиқ).	5 кун давомида

Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси
ва йўриқчи-йўл бошловчиларга малака
сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасига

дан

АРИЗА

Менга Ўзбекистон Республикаси _____ бўйича
(худуд, шаҳар)

гид (гид-таржимон);
экскурсия етакчisi;
йўриқчи-йўл бошловчилик
(зарури остига чизилсин)

бўйича малака сертификатини олиш учун малака имтиҳони топширишга
руҳсат беришингизни сўрайман.

Паспорт маълумотларим (серияси ва рақами, қачон ва ким томонидан
берилган): _____

Малака ошириш курсларидан ўтганлик тўғрисидаги хужжат
маълумотлари (серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган):

Кон гурухим: _____.

Аризага қуйидаги хужжатлар илова килинади:

- 1.
 - 2.
 - 3.
- ва бошқалар.

“ ____ ” _____ 20 ____ йил

Аризачи _____
(имзо)

Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси
ва йўрикчи-йўл бошловчиларга малака
сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI
MALAKA SERTIFIKATI
MS №000000

Ushbu malaka imtihonini topshirish to'g'risidagi malaka sertifikati
gid (gid-tarjimon), ekskursiya yetakchisi va yo'riqchi-yo'l boshlovchilarning
bilim va ko'nikmalari darajasiga qo'yilgan talablarga muvofiq

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

« » 20 yildagi - sonli qaror asosida
O'zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi huzuridagi Turizmni
rivojlantirish instituti tomonidan o'tkazilgan yagona malaka imtihonini topshirdi
va imtihon natijalariga ko'ra
toifali gid malakasi berildi.
(ikkinci, birinchi, oliy)

Imtihon komissiyasi raisi _____

Imtihon komissiyasi kotibi _____

Sana _____

Amal qilish muddati _____



Гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва
йўрикчи-йўл бошловчиларга малака
сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

IDENTIFIKASIYA KARTASI (BEYJ)

«_____ / _____»

(old tomoni)

_____ toifali (toifasiz) gid (gid-tarjimon)/ ekskursiya etakchisi /
yo'riqchi-yo'l boshlovchi

Guide of _____ category (Non-category)

Ismi / Name _____

Familiyasi / Surname _____

Qayd raqami / Registration number _____

Til / Language _____

(foto)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI

THE STATE COMMITTEE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FOR TOURISM DEVELOPMENT

(orga tomoni)

Pasport seriyasi va raqami: _____

Beyjning berilgan vaqt: _____

Yashash joyi: _____

Amal qilish muddati: _____

Til: _____

Kim tomonidan
berilganligi: _____

Qon guruhi: _____

Reestr № _____



Gid (gid-tarjimon), ekskursiya etakchisining
ko'rsatilgan hudud va turistik (ekskursiya)
ob'yektlarida ekskursiya o'tkazish, shuningdek
yo'riqchi-yo'l boshlovchining turistlarning ekskursiya
marshrutlarida xavfsizligini ta'minlash va ularga
xizmat ko'rsatish huquqini tasdiqlaydi.

Zarurat bo'lganda beyjning haqqoniyligi
www.uzbektourism.uz sayti orqali tekshirilishi mumkin.

**Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш
ва малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаси (кейинги ўринларда – таълим муассасаси) – мазкур Низом ва бошқа қонун хужжатлари талабларига асосан белгиланган туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

туризм соҳаси мутахассиси – олий ёки ўрта-махсус касб дипломига ва (ёки) белгиланган намунадаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиганлик ҳақидаги дипломга эга бўлган жисмоний шахс;

туризм соҳасидаги мутахассисни қайта тайёрлаш – касбий фаолиятнинг кўшимча турларини амалга ошириш учун билим, кўникма ва қобилиятларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминловчи ўқитиш шакли;

туризм соҳасидаги мутахассиснинг малакасини ошириш – туризм соҳасида аввал эгалланган билим, кўникма ва қобилиятларни қўллаб-куватлаш, кенгайтириш, чукурлаштириш ва такомиллаштиришга имкон берувчи ўқитиш шакли.

3. Туризм соҳасида мутахассисларнинг қайта тайёрланиши ва малакасини ошириш амалга ошириладиган лавозим ва мутахассисликлар номенклатуроси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) томонидан тасдиқланади.

4. Бошқа давлатларда таълим муассасаларини тамомлаган жисмоний шахсларга малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидағи ўқитишга олий ёки ўрта-махсус касбий маълумот тўғрисидаги хужжат тан олиниш жараёнидан ўтгандан сўнг рухсат этилади.

5. Туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларида амалга оширилади.

6. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ташкил қилиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Туризм соҳасида қайта тайёрлаш
ва малака оширишнинг мақсад ва вазифалари**

7. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мақсади юкори даражадаги касбий фаолиятни таъминлаш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникма ва қобилиятларни олиш ва доимий янгилаш, касб стандартлари ва таълим

дастурлари асосида касбий маҳоратни тизимли ривожлантиришга қўмаклашиш хисобланади.

8. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг вазифалари қуидагилар хисобланади:

функционал мажбурият ва ваколатларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган даражада мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларнинг билим, қўникма ва қобилияtlарини узлуксиз янгилаш механизmlарини жорий қилиш;

миллий иқтисодиёт, туризм соҳаси, ҳудудлардаги ва умуман республикадаги ҳақиқий эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими таркибини оптималлаштириш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакларини амалиётга жорий этиш ва уларнинг натижаларини мониторинг қилиш;

туризм бозори ривожланишининг ҳозирги йўналишларини эътиборга олган ҳолда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ўқув-услубий, ахборот ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва уни такомиллаштириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг янада ривожланиши ва модернизациясини таъминлаш.

3-боб. Туризм соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг таркиби ва уни бошқариш

9. Туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими таркибига Кўмита, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Туризмни ривожлантириш институти (кейинги ўринларда – Институт), давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда буюртмачилар киради.

10. Кўмита:

туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида умумий раҳбарликни амалга оширади;

туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида таълим жараёни механизmlари ва такомиллаштириш усулларини белгилайди;

туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги тегишли норматив ҳужжатларни тасдиқлади;

туризм соҳасидаги касб стандартлари ҳамда йўналиш ва мутахассисликлар Классификаторининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари йўналишлари билан мувофиқлигини таъминлайди.

11. Институт ягона норматив базани ишлаб чиқиш ва туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таълим жараёнини мувофиқлаштирувчи муассаса хисобланади.

12. Институтнинг туризм соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимидағи асосий вазифалари куйидагилар хисобланади:

миллий ва хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган холда туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим жараёнининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида илғор халқаро амалиётни ўрганиш ва жорий қилиш;

таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва мураббийларнинг касбий ўсишига қаратилган, ташкилотларнинг ишлаб чиқариш базасидан фойдаланган холда амалий ўқитишнинг интерфаол усулларини жорий қилиш;

касб ва таълим стандартларига мувофиқ холда, ўкув дастурлари, ўкув-услубий ҳужжатлар ва туризм соҳасидаги адабиётларни ишлаб чиқиш ва уларнинг таҳлилини амалга ошириш;

таълим муассасаларига туризм соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўкув-услубий ҳужжатлар ва туризм соҳасидаги адабиётларни тақдим этиш, тарқатма материалларнинг ишлаб чиқилиши ва нашр қилинишини ташкиллаштириш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари бўйича таълим муассасалари фаолиятини услубий қўллаб-куватлаш ва мувофикаштириш;

туризм соҳаси мутахассислари касбий фаолияти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўкув жараёни мониторингининг ягона электрон тизими ахборот ресурсларини шакллантирган ва рўйхатдан ўтказган холда, туризм соҳасининг иштироқчилари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ўртасидаги ўзаро электрон алоқани таъминлаш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ягона реестрини юритади.

13. Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали жараёни ташкиллаштириш мақсадида таълим муассасалари:

тегишли йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг зарур сифатини таъминлайди;

курслар доирасида сифат жиҳатидан ташкилий ва маҳорат машғулотларини юқори савияда ўтказиш учун зарур бўлган ўкув, услубий ва моддий-техник базани яратади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида машғулотларни ўтказиш учун юқори малакали педагогик кадрлар ва туризм соҳасидаги етакчи амалиётчи-мутахассисларни, шунингдек хорижий мутахассислар ва ўкув-услубий ходимларнинг кенг жалб қилинишини таъминлайди;

фаннинг амалиёт билан алоқасини таъминлайди, туризм соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг натижаларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг таълим жараёнига ўз вактида жорий қилиш механизмини амалга оширади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқувчиларга амалиёт ва очиқ маъruzалар ҳамда амалий машғулотларнинг ўтказилиши, уларнинг кейинги муҳокамаси ва танқидий ташлилини ташкиллаштиради;

илмий-тадқиқот ишларини ташкиллаштириш ва туризм соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш учун тавсияларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

ўқитишида битирувчиларга давлат намунасидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш тўғрисидаги ҳужжатларни беради;

Институтга қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини тугатган тингловчилар хақидаги маълумотларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари Ягона реестрига киритиш учун мажбурий тартибда тақдим этади.

14. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида туризм соҳаси мутахассисларини ўқитишининг буюртмачилари вазирлик ва идоралар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар хисобланади.

15. Буюртмачилар:

ҳар йили мутахассисларнинг микдор ва сифат таркиби, белгиланган касбий тайёргарлиги ва ихтисослик даражаси, иш тажрибаси, алоҳида ходимларнинг ишчанлик ва шахсий сифатларининг ташлилидан келиб чиқсан ҳолда, уларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишида ўз эҳтиёжларини мустақил равишда белгилайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида тегишли курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишини таъминлайди;

курсларни муваффақиятли тамомлаган мутахассисларнинг илфор тажрибаси, янги билимлари ва кўниммалари оммалашишини ташкиллаштиради, уларнинг ижобий тажрибасини тарғиб қилиш бўйича чораларни кўради;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ички мониторингини олиб боради, юқори кўрсаткичларга эга бўлган мутахассисларни моддий рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқади ва амалга оширади, шунингдек, бўш лавозимларни тўлдириш учун танловлар ўтказиш жараёнida уларни асосий мезон сифатида эътиборга олади.

4-боб. Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш тартиби

16. Соҳага оид бўлмаган йўналишдаги олий ёки ўрта-маҳсус профессионал таълим муассасаларини битирган ва туризм соҳаси корхоналарида ишлаётган мутахассислар, уларнинг асосий касбий маълумотларини тайёргарлик талабларига мувофикаштириш, улар томонидан касб мезони ва малака талаблари билан белгиланган даражада касб фаолиятини олиб бориши учун зарур ва етарли бўлган билим ва кўниммаларни эгаллашини таъминлаш мақсадида қайта тайёрловдан ўтиши тавсия этилади.

17. Туризм соҳаси мутахассислари фаолият талабларидан келиб чиқсан ҳолда, доимий асосда, ҳар уч йилда бир марта малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича малака оширишдан ўтиши зарур.

18. Туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш пуллик асосда амалга оширилади.

Ўқитиш нархи туризм соҳасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўкув дастурининг давомийлигидан келиб чиқсан ҳолда, таълим муассасаси ва буюртмачи ўртасидаги шартнома асосида белгиланади.

19. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим жараёнини ташкиллаштириш тасдиқланган касбий стандартлар ва малака талаблари, тегишли йўналишлар бўйича таълим дастурлари, машғулотлар жадвали орқали тартибга солинади.

20. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим жараёнида ўкув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, интерфаол семинарлар, амалий машғулот, сайёр машғулот, тажриба алмашиш, мустакил ўкиш (таълим), малакавий амалиёт, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш ва имтиҳон.

Тегишли ахборот-услубий ва ташкилий-техник асос бўлган тақдирда, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг таълим жараёни масофавий ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилиниши мумкин.

Масофавий таълим онлайн шаклларда ташкиллаштирилади.

21. Барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани, ўкув машғулотлари орасидаги танаффус камидаги 10 дақиқани ташкил этади.

22. Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг таълим жараёни, қоидага кўра, буюртмачилардан келиб тушган йиллик буюртмалар бўйича гурухларнинг тўлишидан келиб чиқсан ҳолда, академик гурухларда ташкил килинади.

Тингловчиларнинг кам сонли йўналишлари бўйича таълим жараёнини ташкиллаштириш доирасида, ўқитишнинг алоҳида йўналишлари бўйича белгиланган меъёрга мувофиқ гурухларни шакллантириш учун – битта гурухдаги тингловчилар сони 5 нафардан кам бўлмаган миқдорда ўрнатилиши мумкин.

23. Таълим муассасаларида туризм соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқитишнинг қўйидаги шакллари орқали амалга оширилади:

асосий ишдан ажралган ҳолда;

асосий ишдан қисман ажралган ҳолда (аралаш усул);

масофавий ўқитиш шакли ёрдамида асосий ишдан ажралмаган ҳолда.

24. Асосий ишдан ажралган ва қисман ажралган ҳолда (аралаш усулда) қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаларида ўтказилади.

25. Қайта тайёрлаш касбий фаолиятнинг кўшимча турларини амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўнирма ва қобилиятларни ўзлаштириш борасида камидаги 576 академик соат ҳажмдаги касбий қайта тайёрлаш дастурларини ўз ичига олади.

Малака ошириш ўз ичига қуйидаги ўқитиш турларини олади:

туризм соҳаси мутахассисларининг аниқ ваколатларига оид алоҳида предметларни ўқитиш бўйича қисқа муддатли мавзули ўқитиш (18-72 академик соат);

касбий фаолият йўналиши билан ўзаро боғлик бўлган, туризм соҳаси ва туризм бозори ривожланишининг долзарб муаммоларини чуқур ўрганиш бўйича узок муддатли ўқитиш (72-144 академик соат);

касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида вужудга келувчи бошқарув, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий, илмий-техник ва бошқа масалалар бўйича мавзули ва муаммоли семинарлар.

26. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларининг ўзлаштирилиши таълим муассасалари томонидан ўтказиладиган якуний аттестация билан тасдиқланади ва унинг натижалари бўйича ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ, давлат намунасидаги ҳужжат - қайта тайёрлаш ҳақидаги диплом берилади.

Малака ошириш курслари натижалари бўйича ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ, малака оширганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади.

Қайта тайёрлаш ва малака оширишни ўзлаштириш учун танланган дастурни тамомламаган ёки аттестациядан ўтмаган тингловчиларга, таълим муассасалари томонидан, ўзлаштирилган таълим дастурининг ҳақиқий ҳажми ва мазмуни акс эттирилган академик маълумотнома берилади.

27. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўкув дастурларини мустакил ёки масофавий ўқитиш технологиялари орқали ўзлаштираётган тингловчиларнинг якуний аттестациядан ўтишига рухсат этилади. Тегишли йўналишлар бўйича якуний аттестация таълим муассасаларининг аттестация комиссияларида ўтказилади.

28. Асоссиз сабаблар билан машғулотларни ўтказиб юборганлиги учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг тингловчилари сафидан четлатилганлар, такроран пуллик асосда курсдан ўтишлари, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг навбатдаги курсларида тегишли йўналиш (мутахассислик) бўйича аттестациядан ўтишлари лозим.

29. Аттестация натижалари бўйича қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида такроран имтиҳон топшириш имконияти берилади. Такрорий имтиҳон топшириш имконияти фақат бир марта тақдим этилади.

5-боб. Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ва таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш

30. Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини назорат қилиш ва баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ички назорат:

асосий билимларни баҳолаш;

янги билим, кўникма ва қобилиятларнинг ўзлаштирилганлик даражасини жорий назорат қилиш;

ўқитиш якунлангандан сўнг мутахассислик бўйича аттестацияни ўз ичига олган якуний назорат;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган ташки назорат.

31. Эгалланган билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари, якуний аттестация ўтказиш тартиби, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимидағи таълим жараёнининг сифатини баҳолаш механизмлари Кўмита томонидан белгиланади.

32. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш тартиби қонун хужжатларига асосан тартибга солинади.

6-боб. Таълим муассасаларига нисбатан талаблар

33. Таълим муассасалари мулчилик шаклидан келиб чиқсан ҳолда қўйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланган тартибда берилган нодавлат таълим фаолиятини юритиш учун лицензиянинг мавжуд бўлиши;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланган тартибда нодавлат таълим муассасаларининг давлат аккредитациясидан ўтган бўлиши;

34. Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолиятни олиб бораётган таълим муассасаси қўйидаги хужжатларни камида уч йил давомида саклаши шарт:

а) Институт билан келишилган ва таълим муассасаси томонидан тасдиқланган имтиҳон билетлари саволномалари;

б) баҳолар, билет рақамлари, имтиҳон комиссияси аъзоларининг исм ва фамилиялари акс эттирилган ва уларнинг имзолари қўйилган имтиҳон комиссияси қайдномаси;

в) машғулотларни ўтказиш санаси, машғулотларнинг мавзуси, ўкув соатлари микдори, ўқитувчиларнинг фамилияси ва имзоси кўрсатилган таълим жараёнида тингловчиларнинг давомат журнали;

г) хужжатларнинг раками, берилиш санаси, ўқитиш даври, ўкув курсининг номи, тингловчиларнинг фамилияси ва исми-шарифи, паспорт маълумотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тўғрисидаги хужжатларнинг берилганлигини ҳисобга олиш журнали.

7-боб. Туризм соҳасида мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўкув дастурларига қўйиладиган талаблар

35. Туризм соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўкув-мавзули режалар ва ўкув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўқув дастурлари таълим муассасалари томонидан Институт билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ўқув дастурлари заруратга қараб, аммо уч йилда камида бир марта янгиланади.

36. Ўқув дастурлари тингловчиларнинг амалдаги эҳтиёжлари ва уларнинг тайёргарлик даражасини эътиборга олган ҳолда шакллантирилади. Ўқув дастурлари ишлаб чиқариш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, турли фаолият соҳалари учун алоҳида ишлаб чиқилиши мумкин.

Ўқув дастурлари асосий ва қўшимча ўқув модулларига ажратилган ҳолда алоҳида ўқув модулларига бўлинади.

37. Ўқув дастурларининг мазмунига бўлган асосий талаблар, мутахассислик бўйича зарур ва етарли билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилишини эътиборга олган ҳолда, касб стандартлари ва мутахассиснинг малака тавсифномасига катъий мувофиқлик принципларига асосланади.

Ўқув дастури фан, техника, технология ва туризм бозори ривожланишининг илгор ютуқларига мувофиқ ҳолда яратилиши, туризм таълими тизимида узлуксизлик, изчиллик ва кетма-кетликни таъминлашга доир талабларга жавоб бериши лозим.

38. Ўқув дастури таълим олувчилар томонидан билимларни мустакил излаш ва уларни ўзлаштириш учун имкониятларни назарда тутиши керак.

39. Туризм соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича ўқув дастурлари назорат тадбирларида қўйидагилар назарда тутилади:

тингловчиларни тестдан ўтказиш;

камида 15 та слайд хажмидаги малакавий лойиҳа (тақдимот)ни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

намойиш имтиҳони.

8-боб. Якунловчи қоидалар

40. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

42. Ўз вактида ва сифатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун жавобгарлик таълим муассасалари зиммасига юклатилади.

Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга

1-илова

**Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiiriш тизимини ташкиллаштириш
СХЕМАСИ**

Боскич	Субъектлар	Тадбирлар	Бажарини муддати
1-боскич	Вазирлик ва идоралар, юридик ва жисмоний шахслар	Ходимни туризм соҳасидаги мутахассисларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларидан ўтиш учун йўллади.	Эҳтиёждан келиб чиккан холда
2-боскич	Таълим муассасалари	1. Мазкур Низом талабларига мувофик, мутахассислар қайта тайёрланishi ва малакасини oshiiriшини ташкил қилади. 2. Туризм соҳасидаги мутахассисларга (имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган тақдирда) қайта тайёрлаш хакидаги диплом ёки малака оширганлик хакида белгиланган намунадаги гувоҳномани топширади.	Ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофик
3-боскич	Қайта тайёрлаш хакида диплом ёки малака oshiрганлик тўғрисида гувоҳнома олган мутахассис	Туризм соҳасида мутахассисларнинг oshiрганлиги гувоҳнома ёки қайта тайёрланганлиги хакида диплом албатта бўлиши шарт бўлган лавозимларда ишлаш ҳукуқига эга бўлади.	Курс натижаларига кўра

Туризм соҳасида мутахассисларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Кадрларни қайта тайёрлаш бўйича дипломнинг
давлат намунаси**

*Ўзбекистон Республикасининг
Давлат герби тасвири*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**Qayta tayyorlash haqida
DIPLOM**

QT № 0000000

(bitiruvchining familiyasi, ismi va otasining ismi)

20 yil dan 20 yil gacha
da

(ta'lim muassasasining nomi)

 soatga mo'ljallangan
(kurs hajmi)

(qayta tayyorlash kursining nomi)

qayta tayyorlash kursini tamomladi.

Ta'lim muassasasi rahbari:

(imzo)

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami:

Berilgan sanasi:

(kun, oy, yil)

Туризм соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидагинизомга 3-илова

Кадрлар малакасини ошириш бўйича гувоҳноманинг давлат намунаси

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Malaka oshirganlik haqida
GUVOHNOMA

MO № 0000000

(bitiruvchining familiyasi, ismi va otasining ismi)
20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha
da
(ta'lim muassasasining nomi)
soatga mo'ljallangan _____
(kurs hajimi)
(malaka oshirish kursining nomi)
malaka oshirish kursini tamomladi.

Ta'lim muassasasi rahbari: _____
(imzo) _____
(familiyasi, ismivaotasinigismi)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami: _____

Berilgan sanasi: _____
(kun, oy, yil)

**Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш, компенсация
ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Туризмни
ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат нотижорат
ташкилотларини институционал қўллаб-қувватлаш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадиий, қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун грантлар ажратиш, тадбиркорлик субъектларининг республика худудларида “караоке” заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларини коплаш, шунингдек, фаолияти туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган жамоат ташкилотларини институционал қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

грант – Кўмита хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ ва қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотларига бериладиган пул маблағлари;

дистрибьюторлик битими – ишлаб чиқарувчи компания ва дистрибьютор ўртасида тузиладиган битим бўлиб, унда дистрибьютор етказиб берувчидан товарларни сотиб олиш ва муайян ҳудудда тарғиб қилиш/реализация қилиш мажбуриятини олади;

институционал қўллаб-қувватлаш – туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш, хорижий шериклар билан алоқа ўрнатиш, хизмат сафари харажатлари, кўргазмаларни ўtkазиш максадида майдонларни ижарага олиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун фаолияти туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларига (кейинги ўринларда – ННТлар) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратиладиган пул маблағлари;

кинолойиҳа материаллари – фильм синопсиси, режиссёр сценарийси ва сметаси, тасвирга олиш объектларининг жойлашуви ва улар тўғрисидаги ахборотлар, фильмнинг ишчи ҳужжатлари ва бошқаларни ўз ичига олган материаллар тўплами;

компенсация – тадбиркорлик субъектларига республика худудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) “караоке” заллари ва туристик кўнгилочар

муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисмини Жамғарма маблағлари хисобидан қоплаш мақсадида бериладиган пул маблағлари;

онлайн кинотеатр – қонуний профессионал онлайн-видео бозорида фаолият юритаётган, 1 миллион нафардан ортиқ обуначисига эга сайт ва (ёки) сайт сахифаси бўлиб, ундаги контент (фойдаланувчи интерфейси, аудиойўлакчалар ва/ёки субтитрлар) камидা иккита хорижий тилда юритилади;

талабгор – грантлар олиш, компенсация ажратиш ёки институционал қўллаб-куватлаш учун буюртма ва бошқа хужжатлар тақдим қилган тадбиркорлик субъектлари ва фаолияти туризм соҳасидаги ННТлар.

3. Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган, кайта ташкил этиш ёки тугатиш жараёнида бўлган тадбиркорлик субъектлари ва ННТлар, Кўмита ходимларининг танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

4. Талабгорларнинг аризаларини қўриб чиқиш, грант, компенсация қилиш ва институционал қўллаб-куватлаш мақсадида молиявий ёрдам маблағларини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кўмита раисининг буйруги билан тасдиқланадиган маҳсус Комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби шакллантирилади.

2-боб. Тадбиркорлик субъектларига грантлар ажратиш тартиби

5. Грант битта лойиҳанинг 30 фоизи, лекин 3 миллиард сўмдан ошмаган микдорда ажратилади.

Грантнинг умумий микдори хар йили Жамғарманинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасида тасдиқланади.

6. Талабгор танловда иштирок этиш учун ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан Кўмитага мурожаат қиласи.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

кинолойиха материаллари;

кинолойиха учун 70 фоиз маблағнинг мавжудлигини тасдиқловчи банк хужжатлари;

тўлиқ метражли бадиий фильмлар учун давом этиш вақти камида 70 дақиқалик бўлган бадиий фильмни халқаро кино бозорларида сотиш ҳамда халқаро кинофестивалларда намойиш этиш учун тарғиб қилиш тўғрисида халқаро дистрибутерлик битими ёки кафолат хати нусхаси;

қисқа метражли бадиий фильмлар учун давом этиш вақти камида 30 дақиқалик бадиий фильмни халқаро кинофестивалларда намойиш этиш учун тарғиб қилиш тўғрисида халқаро дистрибутерлик битими ёки кафолат хати нусхаси;

хужжатли-хроникал ва хужжатли-бадиий фильмлар учун давом этиш вақти камида 40 дақиқалик фильмни онлайн-кинотеатрларда намойиш этилишини тасдиқловчи хужжат нусхалари.

7. Лойиҳалар қуидагиларга йўналтирилган бўлиши лозим:

- а) Ўзбекистон тарихи ва тарихий шахслари ҳакидаги афсона ва хикоялар талқинини тарғиб қилиш;
- б) мамлакат кинолокациясини халқаро медиа майдонда тарғиб қилиш;
- в) Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойиш этиш.

8. Грант ҳар чорак якунларига кўра, чорак тугаганидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар мазкур якунланган чоракда ариза берган тадбиркорлик субъектларига ажратилади.

9. Комиссия чорак давомида келиб тушган аризаларни, чорак тугаганидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганиш асосида грант ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи ва қабул қилинган қарор нусхасини қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичida талабгорга юборади.

Грант ажратиш тўғрисидаги қарорда грант миқдори, тадбиркорлик субъекти номи, жойлашган жойи (почтa манзили), грант олувчи юридик шахснинг номи, СТИР, тижорат банкидаги жорий ҳисобининг реквизитлари кўрсатилади.

Тақдим этилган хужжатларни қўшимча ўрганиш зарурати туғилса, Комиссия талабгорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қиласи ва аризани кўриб чиқиши қўшимча ўн кунга узайтириш хукуқига эга.

10. Грант рад этилган тақдирда, грантни рад этиш учун асос бўлган сабабларни аник кўрсатган ҳолда қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичida талабгорга юборилади.

Талабгор қарорни олгандан кейин кейинги чоракда ушбу камчиликларни бартараф этиб, Кўмитага уларнинг бартараф этилганини тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

11. Грант қуидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар тақдим этилмаган ёки тўлиқ тақдим этилмаган;

кинолойиҳалар ушбу Низомнинг 3 ва 7-бандларида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича грант ажратишни рад этиш таъкидланади.

12. Комиссия томонидан грант ажратиш тўғрисида қайта берилган ариза кейинги чорак якунларига кўра кўриб чиқилади.

Бунда, янги, илгари аниқланмаган асослар бўйича грант ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Лойиҳалари мақбул деб топилган талабгорлар билан Кўмита шартнома тузади.

3-боб. Тадбиркорлик субъектларининг Республика ҳудудларида туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларини қоплаш тартиби

14. Тадбиркорлик субъектларига Республика ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташкари) туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир лойиҳага компенсация кўринишида 10 миллион сўм миқдорида пул маблағлари тақдим этилади.

15. Кўйидаги туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар қопланади:

Лазертаг, бассейн, квест-анимация, роллер-дромлар (роллерда учувчилар учун турли хил қияликлар ва ҳар хил баландликдаги деворларга эга бўлган маҳсус жиҳозланган платформа), велодром (велосипедда машқ қилиш ва мусобақа уюштиришга мўлжалланган иншоот), мотокросс, картинг, спорт лабиринти, батут маркази, пейнтбол, кузатув минораси, джампинг, флейбординг, парашютдан сакраш, планетария, караоке заллари, мюзик-холл, ракс клуби ва бошқа инновацион туристик кўнгилочар масканлар.

16. Компенсация маблағларининг умумий ҳажми йилига 1 миллиард сўмгача миқдорни ташкил этиб, Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасида тасдиқланади.

17. Талабгор компенсация олиш учун ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза билан Қўмитага мурожаат қиласи.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

а) талабгорни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

б) караоке заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларнинг професионал асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигини тасдиқловчи хужжатлар.

18. Комиссия аризаларни беш иш куни давомида хужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини текширади.

19. Компенсация рад этилган тақдирда, компенсацияни рад этиш учун асос бўлган сабабларни аник кўрсатган ҳолда қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичидаги талабгорга юборилади.

Талабгор қарорни олгандан кейин бир ой ичидаги ушбу камчиликларни бартараф этади ва Қўмитага уларни бартараф этиш учун тасдиқловчи хужжатларни илова қилиб қайта мурожаат қилиши мумкин.

20. Компенсация қўйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

тадбиркорлик субъекти ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа асослар бўйича компенсацияни рад этиш тақиқланади.

21. Комиссия томонидан компенсация олиш тўғрисида қайта берилган ариза беш иш куни давомида кўриб чиқилади.

Бунда, янги, илгари аниқланмаган асослар бўйича компенсацияни рад этишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Фаолияти туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган жамоат ташкилотлари фаолиятини институционал қўллаб-кувватлаш

22. ННТларни институционал қўллаб-кувватлаш учун Жамғарма маблағлари хисобидан беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш қўйидаги йўналишлардаги харажатларини қоплаш учун амалга оширилади:

- а) халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;
- б) хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш;
- в) туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган хизмат сафари харажатларини қоплаш;
- г) Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятига бағишлиланган тақдимотларни ўтказиш учун майдонларни ижарага олиш;
- д) Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ривожлантиришга;
- е) туризм брэндини халқаро бозорларда тарғиб қилишга;
- ж) янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини жорий қилишга;
- з) туризм соҳасидаги лойиҳаларнинг техникавий-иктисодий асосларини ишлаб чиқишига қаратилган бошқа харажатлар.

23. Беғараз молиявий ёрдамнинг умумий ҳажми йилига базавий хисоблаш миқдорининг 10 минг баробаригача миқдорни ташкил этиб, Кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасида тасдиқланади.

24. ННТ ўртасида молиявий ёрдам маблағларини тақсимлаш Комиссия томонидан амалга оширилади.

25. ННТ Кўмитага ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда талабнома ва ариза билан мурожаат қиласи.

26. Комиссия ННТ аризаларини Кўмитанинг расмий веб сайтида (www.uzbektourism.uz) институционал қўллаб-кувватлаш учун аризалар қабул қилиш бошланганлиги хақидаги хабар расман эълон қилинган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қиласи.

27. Комиссия томонидан аризани кўриб чиқиш муддати аризаларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

28. Комиссия томонидан талабнома ва аризалар ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва қўйидаги мезонлар асосида беғараз пул маблағлари ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида карор қабул қиласи:

- а) харажатларнинг асосланганлиги;
- б) муайян йил учун амалга оширладиган ишлар тақвимиш режаси (кейинги ўринларда - режа)нинг ишланганлиги, сифати ва батафсиллик даражаси;

- в) режанинг туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги;
- г) тадбирларнинг долзарблиги ва кутиладиган натижанинг реаллиги;
- д) шунга ўхшаш мақсадларга эришишда тажрибанинг мавжудлиги.

Комиссия маблағлар ажратиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва қабул қилинган қарор нусхасини қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида ариза берувчига юборади.

29. Беғараз молиявий ёрдам маблағларини ажратиш рад этилган тақдирда, рад этиш учун асос бўлган сабабларни аник кўрсатган холда қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида талабгорга юборилади.

Талабгор қарорни олгандан кейин бир ойдан кўп бўлмаган муддатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, қайта киритиш хукукига эга.

30. Комиссия томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилмасдан киритилган аризалар қайта кўриб чиқилмайди.

31. Ажратиладиган маблағлар микдори ННТ талабномасида кўрсатилган лойиха, тақдимотлар ва бошқа хужжатлар билан асосланган суммага боғлиқ бўлади.

32. Беғараз молиявий ёрдам маблағларини ажратиш Комиссия қарорига асосан амалга оширилади. Қарор баённома асосида расмийлаштирилади.

33. Кўмита ННТлар билан режадаги лойихаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро беғараз молиявий ёрдам маблағларини ажратиш бўйича шартнома тузади.

34. ННТ қоида тариқасида бир йилда бир маротаба ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

5- боб. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартиби

35. Ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги харажатлар қилинишига йўл қўйилмайди:

а) хайрия акциялари ва бу турдаги хайрия эҳсонлари;

б) моддий ёрдам сифатида тарқатиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёларни харид қилиш;

в) сиёсий партияларни молиялаштириш;

г) ННТнинг Уставида назарда тутилмаган бошқа фаолият турлари ва харажатлари.

36. Ажратилган маблағлардан қуйидаги харажатлар учун ННТ сарфлашга ҳақли хисобланади:

а) туризм соҳасидаги лойихаларни ишлаб чиқишида иштирок этган мутахассисларининг фуқаролик-хукукий шартномалар асосида ёлланиш харажатлари шу жумладан, иш ҳақи;

- б) туризм соҳасидаги бошқа, шу жумладан хорижий ташкилот ва муассасаларнинг хизматлари учун тўлов харажатлари;
- в) туризм соҳаси доирасида тегишли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бино, асбоб-ускуналарни ижарага олиш;
- г) оммавий ахборот воситаларида туризмни кенг тарғиб қилиш;
- д) моддий-техник базани такомиллаштириш, тегишли жиҳозлар харид қилиш;
- е) туризм соҳаси вакиллари билан учрашувлар ташкил қилиш, хизмат сафарлари, транспорт харажатлари;
- ж) туризм соҳаси билан боғлиқ бошқа харажатлар.

6-боб. Маблағларни сарфланишини мониторинг қилиш тартиби

37. Кўмита ажратилган грант ва молиявий ёрдам маблағларининг мақсадли сарфланишини мониторингини амалга оширади.

Грант ва молиявий ёрдам олувчиликар Кўмитанинг талабига биноан ушбу мониторингни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган шакл бўйича ҳар чорак якуни билан тақдим этиши шарт.

38. Институционал ёрдам олган ННТлар, Кўмитага ушбу Низомнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ шакл бўйича, молиявий ва таҳлилий ҳисботларини тақдим этади.

39. Ҳисботлар ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар Кўмитага тақдим этиб борилиши лозим. Ҳисботлар белгиланган муддатларда узрли сабабларсиз тақдим этилмаганда Кўмита томонидан бир томонлама тартибда шартнома бекор қилинади.

40. Тақдим этилган ҳисботларда маблағлар мақсадсиз ишлатилган (сарфланган) ҳолат аниқланганда, Кўмита тақдим қилинган маблағларини мақсадсиз ишлатишга йўл қўйганликда айбдор бўлган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўзғатади, шунингдек, ажратилган маблағларни ундириш чораларини кўради.

41. Талабгор сўралаётган маблағ бўйича тақдим қилинган ҳужжатларнинг мувофиқлиги ва маблағларининг мақсадли ишлатилиши учун шахсан жавобгардир.

7-боб. Комиссияни шакллантириш тартиби

42. Комиссия фаолияти ошкоралик, ҳолисона баҳолаш, талабларнинг бир хиллиги ва тенг рақобат шароитларини яратиш тамойилларига риоя қилган холда, комиссиянинг ваколатига кирувчи масалаларни бамаслаҳат мухокама қилиш ва ҳал этиш асосида амалга оширилади.

Комиссия таркиби Кўмита раисининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркиби Кўмита ходимлари билан бир қаторда, молия идоралари, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

43. Комиссия қарори, унинг таркибига тайинланганларнинг учдан икки қисми (2/3) қатнашса, ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техникавий таъминлаш Қўмита томонидан амалга оширилади.

44. Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида, талабномаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия мажлисларида ОАВ вакиллари, туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

8-боб. Комиссия ваколатларига кирувчи функция ва вазифалар

45. Комиссия мажлислари оралиғидаги ташкилий ишларни тайинланган таркибнинг бутун иш фаолияти даври учун Комиссия аъзолари орасидан сайланадиган комиссия котиби олиб боради.

46. Комиссия котиби:

а) талабгорлар ва ННТни ташкилий хусусиятга эга зарур ахборот билан таъминлайди;

б) аризаларни, лойиҳаларни ва тақдимот материалларини қабул қиласди ва уларни Комиссия аъзоларига юборади;

в) Комиссия баённомаларини тайёрлайди;

г) талабгорлар тақдимотларини ўтказишни ташкил қиласди.

47. Комиссия:

а) талабгорларнинг талабномаларини келиб тушишига қараб хронологик тартибда рўйхатга олади;

б) қабул қилинган талабномаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича мажлислар ўтказади. Таҳлил куйидагиларни аниқлаш учун ўтказилади:

талабгорнинг ёзма аризасида кўрсатилган ҳар бир йўналиш бўйича молиялаштиришнинг мақсадга мувофикалигини;

сотиб олинадиган моддий бойликлар, жалб қилинадиган ишлар ва хизматларга талабгор томонидан таклиф этилган нархларнинг асосли эканлигини;

в) Қўмитанинг Молия-иқтисод бошқармаси ва таркибий бўлинмалари билан биргаликда молиявий ёрдам маблағларининг сарфланишини мониторинг қиласди;

48. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва уни Комиссиянинг ҳамма аъзолари имзолайди.

49. Комиссия талабгорнинг аризасини ҳамда талабгор тўғрисида ўрганилаётган масалага дахлдор бошқа мавжуд материалларни таҳлил қиласди.

50. Тақдим қилинган ҳар бир пул маблағи бўйича Комиссия алоҳида иш жилд шакллантиради.

9-боб. Грант, молиявий ёрдам маблағлари ва компенсация ажратиш тартиби

51. Грант, молиявий ёрдам маблағлари ва компенсация Жамғармадан ажратилади ва Кўмита томонидан ариза берувчиларинг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобваракларига ўтказиб берилади.

52. Грант, молиявий ёрдам маблағлари ва компенсация ажратиш бўйича Кўмита томонидан қарор қабул қилингандан сўнг уларни Кўмита беш иш кунида тадбиркорлик субъектлари ва ННТларнинг уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклардаги ҳисобрақларига ўтказиб беради.

8-боб. Якунловчи қоидалар

53. Комиссия ушбу Низомда белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қиласи, шунингдек, заруратга кўра, уни ўзгартириш ёки тўлдириш бўйича Комиссия раисига умумлаштирилган таклифлар киритади.

54. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш,
компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат
нотижорат ташкилотларини институционал
кўллаб-кувватлаш тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига

АРИЗА

(юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувохномага биноан сўровчининг тўлиқ номи)

(манзил, телефон, факс, электрон почта)

манзил бўйича рўйхатдан ўтган,

(рўйхатдан ўтиш рақами, санаси, гувохнома берган орган номи)

шахс номидан,

(сўровчи раҳбарининг лавозими, Ф.И.О.)

- грант;
 компенсация;
(танлаш лозим)

манзилда жойлашган

(вилоят, туман, шаҳар, кўча, бино номери)

Харажатларни қоплашда жами: _____ сўм миқдорида ажратишингизни сўрайман.

Корхонанинг жойлашган жойи (почта

манзили): _____

СТИР раками: _____

Электрон почта манзили:

Ҳисобраками: _____

Илова: _____ варақда

(аризачи раҳбарининг лавозими, Ф.И.Ш.)

(шахсий имзо)

20 ____ йил _____

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш,
компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат
нотижорат ташкилотларини институционал
қўллаб-куватлаш тўғрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан
маблағ билан таъминланиш учун**

(ННТ номи)

ТАЛАБНОМАСИ

Фаолият тури	
Аризачи ташкилотнинг номи (давлат органларида рўйхатга олинган Уставига кўра)	
Аризачи ҳақида тўлиқ маълумот (давлат томонидан рўйхатга олинганилиги ҳақида гувоҳнома, манзили, телефон, факс раҳами, сайти (агар мавжуд бўлса), электрон почтаси)	
Ташкилот раҳбарининг Ф.И.О. ва лавозими	
Ташкилот раҳбарининг алоқа маълумотлари (яшаш манзили, телефон раҳами коди билан, электрон почтаси кўрсатилиши керак)	
ННТ масъул шахсининг (алоқа қилувчи шахснинг) Ф.И.О. ва лавозими	
ННТ номидан масъул шахс билан алоқа қилиш маълумотлари (яшаш манзили, телефон раҳами коди билан, электрон почтаси кўрсатилиши керак)	
Ташкилот ҳисобчисининг Ф.И.О., лавозими	
Ташкилот ҳисобчиси билан алоқа қилиш маълумотлари (яшаш манзили, телефон раҳами коди билан, электрон почтаси кўрсатилиши керак)	
Амалга ошириш муддати (бошлиш санаси – түргаллаш санаси)	
Сўралаётган сумма (сўмда)	

нинг аризаси ҳақида
(ННТ номи)

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ

Аризанинг кисқача мазмуни	
Муаммонинг қўйилиши ва асосланиши (зарурат ва асосланганлик тавсифи, бир бетдан кўп эмас)	
Максадлар (амалга ошириш натижасида эришиладиган 3 тадан ортиқ бўлмаган мақсад)	
Асосий вазифалар (ҳар бир мақсадга эришиши учун ҳал қилинадиган 3 тадан ортиқ бўлмаган вазифа)	
Амалга ошириш шакли ва механизми	
Кутиладиган натижалар (самарадорликнинг сон ва сифат курсаткичлари)	
Аризачи ташкилотнинг мазкур соҳадаги тажрибаси (ташкилот фаолияти ва эришиган ютуқлари)	

йил учун амалга ошириладиган ишлар тақвимий режаси

№	Тадбирлар номи	Муддатлари	Умумий сумма
			Номланиши (харажатлар сметаси)
<i>I. Иш ҳақи</i>			
1.1.			
<i>II. Тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар</i>			
2.1.			
<i>III. Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари</i>			
3.1.			
<i>IV. Бошқа харажатлар</i>			
4.1.			
ЖАМИ			

Банк реквизитлари

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш,
компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш хамда
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат
нотижорат ташкилотларини институционал
қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги низомга
3-илова

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛИ

(Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг
институционал ёрдамини олган ННТ учун)

1.	ННТ номи	
2.	Ажратилган сумма	
3.	Худуд (шахар, вилоят)	
4.	Ҳисобот даври	Ҳисобот берилаётган давр (ярим йил, йил) кўрсатилсин
5.	Амалга оширилган фаолият	Ушбу бандга талабномада кўрсатилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун лойиҳани амалга ошириш доирасида кўрилган чора-тадбирларга, лойиха доирасида бажарилган ишларга (масалан, тадбирларни ташкиллаштириш, товарлар сотиб олиш ва б.) доир маълумотлар киритилади. Ҳисоботга тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади (масалан, тадбирларнинг фотосуратлари, моддий-техникавий маҳсулотлар шартномалари ва ҳ.к.).
6.	Натижалар	Ушбу бандда талабнома топширилган пайтдан бошлаб қиёсий таҳлил бажарилади, эришилган натижалар, мавжуд қийинчиликлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида маълумотлар келтирилади.
7.	Материаллар	Ушбу банд лойиҳа мавзуларига боялиқ равишда тўлдирилади, лойиҳани амалга ошириш натижалари бўйича моддий ва маънавий маҳсулотлар тавсифи келтирилади: ўкув курслари, дастурлар, рисолалар, услубий ишланмалар, видео ва аудиоматериаллар, оммавий ахборот воситаларидағи (газеталар, жуурналлар) маколаларнинг нусхалари, веб-сайтлар ва б.
8.	Муаммолар	Ушбу бандга лойиҳани амалга ошириш давомида юзага келган муаммолар ва харакатлар режаларидағи ўзгаришлар ҳакида маълумотлар киритилади.

Ташкилот раҳбари:

Ташкилот мухри:

Тадбиркорлик субъектларига грантлар бериш,
компенсация ва молиявий ёрдам кўрсатиш ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасининг ҳамкорлари – нодавлат
нотижорат ташкилотларини институционал
қўллаб-куватлаш тўғрисидаги низомга
4-илова

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛИ

(Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитасининг
институционал ёрдамини олган ННТ учун)

1.	Аризачи ташкилотнинг номи (давлат органларида рўйхатга олинган Уставига кўра)	
2.	Ажратилган сумма	

Харажатлар тўғрисида ҳисобот

№	Харажатлар моддаларининг номи	Олинган сумма (сўм)	Ҳақиқий харажатлар
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
Жами:			
Талабнома муддати тугаганидан сўнг ишлатилмай қолган маблағлар қолдиғи			

Изоҳ:

- Институционал ёрдам олган ННТ уибу шакл бўйича молиявий ҳисоботларини Кўмитага тақдим этади.
- Тақвим режса тугалланганидан сўнг ишлатилмай қолган грант маблағларининг қолдиқлари *бир ой* муддат ичida уибу маблағларни берган Кўмита ҳузуридаги Туризм соҳасини қўллаб-куватлаши бўйича бюджетдан ташқари жамгарманинг ҳисоб рақамига қайтарилиши лозим.

Ташкилот раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.

Бош ҳисобчи

(имзо)

Ф.И.О.

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
12-илова

**Туристик ахборот марказларини ташкил этиш ва фаолиятини
йўлга қўйиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом туристик ахборот марказларини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйишнинг тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

аризачи – туристик ахборот марказини ташкил қилиш ташабуси билан чиқкан ва белгиланган тартибда уни Реестрга киритиш учун ариза берган хўжалик юритувчи субъект;

ваколатли ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУК;

Туристик ахборот марказларининг ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУК томонидан юритиладиган туристик ахборот марказларига оид маълумотлар базаси;

туристик ахборот маркази эгаси – Реестрга киритилган хўжалик юритувчи субъект;

туристик ахборот маркази – жисмоний ва юридик шахсларни туристик ресурслар ҳамда туристик индустря обьектлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, туристик бозорларда туристик маҳсулотларни тарғиб қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи марказ.

3. Туристик ахборот маркази:

Ўзбекистон Республикасида кириш ва ички туризмни ривожлантириш, унинг туристик салоҳияти тўғрисидаги ахборотни шакллантириш ва тарқатишига кўмак бериш мақсадида;

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий бирликлари худудида туризм ресурслари, туризм саёҳат йўналишлари, туризм зоналарининг мавжудлиги ва ўзига хослигини хисобга олган ҳолда ташкил қилинади.

4. Куйидаги туристик ахборот марказининг вазифалари ҳисобланади:

сифатли ахборот хизматини кўрсатиш, турист ва экскурсантлар ҳохиш ва истакларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини мамлакат ичida ва чет элда тарғиб қилиш;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси миллий маданияти, анъана ва ютуқларини тарғиб этиш;

туристларга саёҳат учун биринчи навбатдаги хизматлар ва товарларни тақдим қилиш.

5. Ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида туристик ахборот маркази қуидаги функцияларни амалга оширади:

халқаро ташкилотлар, давлат органлари ва ташкилотлари, туризм соҳаси субъектлари ва иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикасидаги дикқатга сазовор жойлар, санъат, тарих ва архитектура ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, туризм обьектлари, таклиф қилинаётган экскурсиялар, оммавий-маданий тадбирлар, кўргазма, фестиваль, транспорт ҳаракати жадваллари ва туризм соҳаси субъектлари ва иштирокчилари учун зарур бошқа долзарб ва тезкор маълумотларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларининг туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси ва унинг туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва тарқатиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

туризм фаолияти субъектлари ва иштирокчилари учун ахборот маҳсулотларини тарқатиш (буклетлар, хариталар, реклама проспектлари ва бошқалар);

Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларининг туристик жозибадорлигини ошириш мақсадида реклама ва маркетинг фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларининг туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотни туризм фаолияти субъектларига тақдим этиш.

2-боб. Туристик ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг Реестрини юритиш

6. Туристик ахборот маркази Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита), давлат ҳоқимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан конун ҳужжатларига мувофиқ матлубот кооперативи, фермер хўжаликларидан ташқари барча турдаги ташкилий-хуқуқий шаклларда ташкил этилади. Туристик ахборот маркази юридик шахснинг тузилмавий бўлинмаси, шу жумладан алоҳида ташкилот шаклида ташкил этилиши мумкин.

7. Туристик ахборот маркази фаолияти ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Туристик ахборот марказини Реестрга киритиш унинг фаолиятини ташкил этишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Марказни Реестрга киритиш уни ўрганиш далолатномаси асосида Реестрдан тегишли кўчирма бериш йўли билан амалга оширилади.

9. Реестр ваколатли орган томонидан юритилади.

10. Реестрни юритиш қўйидагиларни назарда тутади:

туристик ахборот марказини индивидуал реестр рақамини берган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича Марказ тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритиш;

маълумотлар базасини Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида онлайн режимда янгилаб бориш.

11. Реестр электрон шаклда юритилади ва ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши лозим.

12. Аризачи уни Реестрга киритиш учун ваколатли органга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қиласи.

Аризани кўриб чикканлик учун тўлов ундирилмайди.

13. Ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этганлик учун аризачи қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. Аризачи томонидан ариза ваколатли органга бевосита, поча алокса воситалари орқали ёки электрон шаклда, уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар аризачининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

15. Ваколатли орган ҳужжатларни уларни олган кундан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқади, шунингдек, уларнинг мазкур Низом ва “Туризм ахборот бюоролари. Туризм ахбороти ва қабул килиш хизматлари. Талаблар” (ISO 14785:2014; ITD) Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

16. Ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан ваколатли орган ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштиради.

17. Туристик ахборот маркази талаб этилаётган мажбурий шартларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, ваколатли орган далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб икки иш куни ичида аризачига туристик ахборот марказини Реестрга киритишни рад этиш сабаблари ҳамда уларни бартараф қилиш ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати (уч ойгача)ни кўрсатган ҳолда ёзма шаклда билдириш хати юборади.

18. Аризачи томонидан туристик ахборот марказини Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган камчиликлар бартараф этилган тақдирда, ваколатли орган икки иш куни ичида кўриб чиқиш натижалари юзасидан қўшимча далолатнома расмийлаштирган ҳолда ҳужжатларни қайта кўриб чиқади.

Қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан муқаддам аризачига ёзма билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

19. Туристик ахборот маркази талаб этилаётган мажбурий шартларга мувофик бўлган тақдирда, ваколатли орган бир иш куни ичида Марказга индивидуал реестр рақамини берган ҳолда уни Реестрга киритади ва аризачига ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофик шаклдаги Реестрдан кўчирма беради.

20. Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда туристик ахборот маркази эгаси ушбу ўзгариш юзага келган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида тасдикловчи хужжатларни илова қилган ҳолда ваколатли органни хабардор қилишлари шарт.

Мазкур бандда назарда тутилган хужжатлар туристик ахборот маркази эгалари томонидан ваколатли органга бевосита, поча алоқа воситалари ёки электрон шаклда уни олганлиги тўғрисидаги билдириш хати билан тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар аризачининг электрон рақами имзоси билан тасдикланади.

21. Туристик ахборот марказини Реестрдан чиқариш куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

туристик ахборот маркази эгаси Реестрдан ихтиёрий равишда чиқариш тўғрисидаги ариза берса;

туристик ахборот маркази конун хужжатларида белгиланган тартибда тутатилса;

ваколатли орган томонидан ўрганиш ва туристларни анкеталаштириш давомида туристик ахборот маркази томонидан мазкур Низом талабларининг мунтазам (икки ва ундан ортиқ) равишда бузилганлиги аниқланса.

Ўрганиш жараёнида аниқланган бузилишлар туристик ахборот маркази эгаси томонидан бартараф этилгандан сўнг, у Реестрга киритиш тўғрисида такороран ариза топшириши мумкин.

22. Аризачи ва туристик ахборот маркази эгаси ваколатли органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан конун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳакли.

23. Ваколатли орган Реестрдан берилган ва қайта расмийлаштирилган кўчирмалар, шунингдек, Реестрдан чиқарилган туристик ахборот маркази тўғрисидаги маълумотларнинг долзарб ҳолатда электрон шаклда сакланишини ва ўзининг веб-сайтида онлайн режимда эълон қилинишини таъминлайди.

3-боб. Туристик ахборот маркази атроф ҳудуди, бино ва иш режимига бўлган талаблар

24. Туристик ахборот маркази “Туризм ахборот бюролари. Туризм ахбороти ва қабул қилиш хизматлари. Талаблар” (ISO 14785:2014, ITD) Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартига мувофик оқ рангдаги “i” ҳарфи

яшил фонда жойлашган ахборот белгиси билан белгиланади ҳамда у Марказ жойлашган жойдаги пештахта, ахборот стендида (табло) жойлашади.

Бинонинг ташки томонида Ўзбекистон туризм портали (uzbekistan.travel) ва унинг QR-коди, Қўмитанинг “Call” маркази ва тегишли ҳудудий ички ишлар органи хавфсиз туризм бўлинмасининг (мавжуд ҳудудларда) телефон рақами тўғрисидаги маълумот жойлаштирилган жадвал илинган бўлиши лозим.

25. Туристик ахборот маркази биноси туристлар ва экскурсантлар билан ишлаш имкониятини берувчи, шахсий компьютерлар (Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғига уланган) ва тегишли орттехника (принтер, сканер, нусха кўчириш қурилмаси ва бошқалар) билан таъминланган иш жойлари билан жиҳозланади.

26. Туристик ахборот маркази биноси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз киришлари учун марказ биноси ва унга туташ ҳудудлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилади.

27. Туристик ахборот маркази туристлар учун имкон қадар қулай жойда (шаҳар марказлари, ёдгорликлар атрофи, транспорт бекатлари, шунингдек алоҳида туризм обьектларига олиб борадиган магистрал йўллар) ташкил қилиниши керак.

Туристик ахборот марказини пиёдаларнинг харакатланиши чекланган жойларда жойлаштириш тақиқланади.

28. Туристик ахборот маркази томонидан туристлар ва экскурсантлар қабули ҳар куни, байрам ва дам олиш кунларидан қатъи назар амалга оширилади.

Туристик ахборот марказининг иш жадвали ваколатли орган билан келишган ҳолда туризм мавсуми ва ўтказиладиган кенг кўламли тадбирлардан келиб чиқиб белгиланади.

Туризм хизматларига бўлган талаб ошган даврда, шу жумладан кенг кўламли оммавий спорт, соғломлаштириш, маданий ва бошқа тадбирлар вактида, туристик ахборот маркази томонидан унинг раҳбари қарорига асосан хизматлар йигирма тўрт соат давомида узлуксиз кўрсатилиши мумкин. Марказнинг иш жадвали бинонинг кириш қисмига илинган бўлиши шарт.

29. Туристик ахборот маркази тўлиқ ставкада ишловчи камида бир нафар ходим билан таъминланиши лозим. Ходимнинг иш жойи ёки бейдж-картасида унинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши керак.

4-боб. Пуллик ва бепул хизматлар кўрсатиш

30. Туристик ахборот маркази туристлар ва экскурсантлар талабига асосан қуйидаги тўғрисидаги маълумотларни бепул тақдим қилиши лозим:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби;

туристларни қизиқтирган маданий обьектлар тўғрисидаги маълумотлар; маданий, спорт, оммавий ва бошқа муҳим тадбирлар ҳакида маълумотлар; туристик йўналишлар;

транспорт қатнови, автомобиллар ижараси;

умумий овкатланиш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш шохобчалари; меҳмонхона ва шу каби жойлаштириш воситалари;

тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари;

туризм обьектларининг экологик ҳолати ва атроф-мухит;

туроператорлар, гид, экскурсия етакчиси ва йўриқчи-кузатувчи;

турли фавқулодда вазиятлар.

Бундан ташқари, Марказда қуйидаги бепул хизматлар бўлиши керак:

туристлар томонидан шаҳарлараро телефондан фойдаланиш;

мустакил саёҳат қилиб, чодирли лагерларда ҳамда тунаш учун жойлаштириш воситасига айлантирилган ер транспортида яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатдан ўтиш мажбурияти ва мурожаат қилган ҳолда “E-mehmon” тизимида рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон ва худудларнинг туризм салоҳиятига оид туризм ҳариталари, брошурулар ва бошқа тарқатма материалларни тақдим этиш.

Туристик ахборот маркази туризм ҳариталари, брошурулар ва бошқа тарқатма материаллар билан Қўмита томонидан бепул таъминланади.

31. Туристик ахборот маркази томонидан қуйидаги пуллик хизматлар ҳам кўрсатилиши мумкин:

брон қилиш (авиа, темир йўл чипталари, меҳмонхона хоналари, жамоат транспортига, маданий мерос обьектлари, музейлар, галереяларга чипталар ва бошқалар);

сим-карта, Интернет алокаси, сувенир маҳсулотлари (шу жумладан ҳалқ ҳунармандчилиги, санъат маҳсулотлари ва бошқалар), босма нашрлар, ичимлик, биринчи даражали товарлар сотуви;

велосипедлар, автотранспорт, валюта айирбошлиш (банкомат ўрнатиш орқали) бўйича хизматлар;

мобил алоқа ва туристик йиғим учун тўлов қабул қилиш бўйича хизмат кўрсатиш.

Бунда туристик ахборот маркази ходимлари хизмат кўрсатилишидан олдин уларнинг пуллик ёки бепул эканлиги тўғрисида туристларни хабардор қилишлари мажбурий ҳисобланади.

5-боб. Статистик ҳисоб юритиши

32. Туристик ахборот маркази хизматидан фойдаланаётган туристлар тўғрисида қўйидагиларни ўз ичига маълумотларни йиғиб бориши лозим:
- туристлар сони;
 - туристларнинг фуқаровий мансублиги;
 - туристларнинг келиш максади;
 - талаб этилаётган хизмат турлари;
 - туристик ахборот маркази томонидан кўрсатилаётган хизматлар юзасидан таклиф ва эътиrozлар.

33. Маълумот ҳар чорак якуни бўйича ваколатли органга тақдим этилади.

6-боб. Якунловчи қоида

34. Туристик ахборот маркази фаолиятини ташкил этиш ва олиб борища юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Туристик ахборот марказларини
ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Туристик ахборот марказларининг
ягона реестрига киритиладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Туристик ахборот марказини ташкил қилган субъект номи (аризачи).
2. Туристик ахборот марказининг почта манзили.
3. Солиқ тўловчи идентификация рақами.
4. Аризачи тўғрисидаги маълумот (Ф.И.О., телефон рақами, электрон почта манзили).
5. Индивидуал реестр рақами ва Ягона реестрга киритилган сана.

10.07.2020 й.

Туристик ахборот марказларини
ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

(Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
худудий бўлинмаси)

1. _____,
(аризачи тўлиқ номи)

рўйхатдан ўтган манзили: _____
(манзил, телефон, факс номери, электрон почта адреси)

_____ НОМИДАН,
(туристик ахборот маркази эгаси Ф.И.О., лавозими)

Марказ хизматлари: _____,
(сони)

хизмат кўрсатиш маркази манзили: _____,
(вилоят, туман, шаҳар, бино рақами) хавфсизлик қоидаларига мос келади
ва Туристик ахборот марказларининг Ягона реестрига қўшишни сўрайди.

2. Аризачи қонунчиликда кўрсатилган барча шартларни бажаришни зимасига
олади.

3. Аризага _____ варак хужжатлар ва маълумотлар илова қилинади.

(аризачининг шахсий имзоси)

“ _____ ” 20 ____ й.
(сана)

Туристик ахборот марказларини
ташкил этиш ва фаолиятини йўлга кўйиш
тартиби тўғрисидаги низомга
З-илова

**Туристик ахборот марказини ўрганиш
АКТИ №_____**

“___” 20 ___ й.

Ходим _____

(ходим Ф.И.О., лавозими)

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси худудий
бўлинмаси

(худуд номи)

«___» 20 ___ й. ўтказди

Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларни ўрганиш _____

(аризачи манзили)

аризачи ҳузурида _____
(Ф.И.О., телефон номери, электрон почта манзили)

Ягона Ресстрга киргизиш мақсадида

Бахолангандаги аниқланди: _____

Тавсия этилади: _____

Хулоса _____

(ходим лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Акт билан танишдим ва бир нусхасини олдим:

(Ф.И.О.)

(имзо)

“___” 20 ___ й.

Туристик ахборот марказларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илова

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Туристик ахборот марказларининг ягона реестридан кўчирма

Берилди: _____,
(аризачи, Ф.И.О.)

Марказ ягона реестрига киритилган

«—» ————— 20 —

Регистрация раками:

(сана, ой (сүз билан), йил)


Солиқ түловчи идентификация раками (СТИР):

Паспорт


серия



номер



берилган



(паспорт берган ташкилот тұлық номи)

Марказ манзили: _____

Фаолиятининг қўшимача тур(лар)и:

Digitized by srujanika@gmail.com

Күчирма берилган:

(Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
худудий бўлинмаси тўлиқ номи)

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
13-илова

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Туризм фидойиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришга ва оммалаштиришга муносаб хисса қўшган давлат органлари ходимлари, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет элдаги ватандошлар хизматлари ва фаол тарғибот ишлари учун тақдирланадилар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиши

4. Махаллий даражадаги давлат органлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва тадбиркорлик субъектлари ҳар йили 1 августга қадар ўз ходимларини кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) худудий бўлинмаларига тақдим этади.

Республика даражасидаги давлат органлари, хориждаги дипломатик ваколатхоналар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар ҳар йили 1 августга қадар ўз ходимларини кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Кўмитагатақдим этади.

Номзод бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзоднинг объективка-маълумотномаси, сўнгги уч йил давомида у томонидан туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тақдим этилади.

5. Кўмитанинг худудий бўлинмалари томонидан номзодлар бўйича тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда ўрганиб чиқилади ва номзодлар юзасидан хулосалар ҳар йили 20 августга қадар Кўмитага тақдим этилади.

Кўмитанинг худудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари мазкур Низомнинг 4-банди биринчи хатбошисида белгиланган ҳолатларни истисно қилган ҳолда ўз ташаббусига кўра ҳам номзодлар тўғрисида ҳар йили 20 августга қадар Кўмитага таклиф киритиши мумкин.

6. Кўмита раиси томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиши бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) ташкил этилади.

7. Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича хужжатлар ўрганилиб, ҳар йили 15 сентябрга қадар энг муносиб номзодлар бўйича яқуний хулоса чиқарилади.

Комиссия томонидан номзодларни кўкрак нишони билан тақдирлашда куйидагилар инобатга олинади:

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш ва кенг аудитория ўртасида мамлакатимиз туризм салоҳиятини тарғиб этишдаги фаоллиги;

замонавий туризм маҳсулотлари ва инновацион ечимга эга хизматларни яратиш бўйича самарали фаолиятни амалга оширганлиги;

Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган хорижий инвестицияларни жалб этишдаги самарали фаолияти;

етакчи хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш ҳамда мамлакатда туризм соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни кенг оммага етказишга қаратилган материаллар сони ва оммалашганлиги;

туризм соҳасидаги давлат дастурлари, худудий ва бошка дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этганлиги;

туризмнинг алоҳида турларини ривожлантириш ва туризм йўналишлари жозибадорлигини оширишдаги фаоллиги;

туристларга кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш бўйича саъий ҳаракатлари;

туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали фаолияти;

туризм тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширганлиги;

маданий мерос объектларини саклаш, ривожлантириш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этганлиги;

туризм ва сервис соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлашда кўп йиллик тажрибага эгалиги, устоз-шогирд анъаналарини жорий этганлиги, маҳаллий ва халқаро халқаро грант лойихаларида фаол қатнашганлиги;

туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари ва мавжуд муаммоларни чукур илмий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган таклиф, янгилик ва ишланмаларининг долзарблиги ва амалиётта жорий этилганлиги;

туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш ва янги туризм йўналишларини ташкил этиш борасидаги самарали фаолияти;

туризм инфратузилмаси объектларида санитар-гигиеник холатни яхшилаш ишларига катта ҳисса кўшганлиги;

туризм ва унга ёндош соҳаларда муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини олиб бориб, самарали давлат-хусусий сектор шериклиги лойиҳаларини амалга оширганлиги;

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг норматив-хуқукий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўналишидаги ҳиссаси;

туризм соҳасида Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича самарали фаолияти ва бошқалар.

8. Кўмита раиси ўз ташаббуси билан ҳам кўкрак нишони билан тақдирлаши мумкин.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш

9. Комиссия хулосаси асосида Кўмита раисининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 20 сентябрга қадар чиқарилади.

10. Кўкрак нишони “Бутунжаҳон туризм куни” – 27 сентябрда Кўмита раиси ёки унинг номидан ва унинг топшириғига кўра бошқа масъул шахслар томонидан тантанали равишда топширилади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Кўмитанинг Интернет бутун жаҳон ахборот тармоғидаги расмий ва соҳавий веб-сайтларида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон килинади.

12. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти олади. Бирйўла тўланадиган пул мукофоти Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблаглари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

13. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта тақдирланади.

14. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.


4-боб. Якунловчи қоидалар

15. Кўмита ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларнинг хужжатлари холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

“Туризм фидойиси” кўқрак нишони
тўғрисидаги низомга
илова

“Туризм фидойиси” кўқрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ



Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
14-илова

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони ТАВСИФИ

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони марказ қисмида саёхат ва тинчлик тимсолини акс эттирувчи учаётган хумо қуш тасвиrlанган бўлиб, мамлакатимиз байроғи ранглари билан ўралган хумо қуш канотлари ўртасига жойлаштирилган Ўзбекистон харитаси Ўзбекистоннинг туризм масканларига саёхат ва уларнинг жойлашувини англатади.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган сарик рангдаги доира ичида “O‘zbekistan Respublikasi” сўзлари тилла рангда ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр, ёзувлар зарҳалланган. Унинг пастки қисмида “Turizm fidoyisi” сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томони юкори қисмида Ўзбекистоннинг туризм бренди “O‘zbekistan” логотипи ва марказида тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган “Turizm sohasini rivojlantirishga qo‘songan hissasi uchun” сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.


Тасвиrlар ва ёзувлар қавариқдир.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қавариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони халқа ва илмокчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг марказидан эни 6 миллиметрли кўк йўл ўтган. Унинг ҳар икки тарафидан эни 1 миллиметрли кўк, эни 2 миллиметрли яшил ва эни 5 миллиметр бўлган оқ рангдаги йўллар туширилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга такиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
15-илова

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Туризм фидойиси” кўкрак нишони гувоҳномаси 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги оғсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) тўк кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўк яшил рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «TURIZM FIDOYISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), иккинчи сатрда «ko‘krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар зарҳал рангida акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) оч яшил рангда бўлиб, оғсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизиқдан 6 миллиметр кўйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O‘zbekiston Respublikasi», иккинчи сатрда «Turizmni rivojlantirish davlat», учинчи сатрда «qo‘mitasining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-son buyrug‘iga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Turizm sohasini rivojlantirishga» иккинчи сатрда «qo‘sigan hissasi uchun» (кичик ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), учинчи сатрда «TURIZM FIDOYISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 14-кегль),

«ko'krak nishoni bilan mukofotlanadi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда «Rais» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ёзилган.



GUVOHNOMA № _____



O'zbekiston Respublikasi
Turizmlari rivojlantirish davlat
qo'mitasining

20 ____-____-____ degi
— moli bayrogiga oson

Turizm sohasini rivojlantirishga
qu'shgan hissasi uchun
"TURİZM FİDOYİSİ"
Ko'krak nishonini boshqa orukada beradi

Rais

M.O'

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
16-илова

**Сотишдан тушган маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг
республика бюджетига тақсимланадиган қисми бюджетдан ташқари
Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириладиган
амалдаги ва бугунги кунда фойдаланилмаётган собиқ туризм соҳасидаги
давлат активлари ва улар эгаллаб турган ер участкалари**

РЎЙХАТИ

1. Мехмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари.
2. Дам олиш масканлари.
3. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари.
4. Даволаш-соғломлаштириш комплекслари, санаторийлар (сихатгоҳлар)
ва пансионатлар.
5. Сузиш ҳавзалари.
6. Дор йўллари.
7. Кўнгилочар савдо марказлари.
8. Ресторан, кафелар ва бошқа овқатланиш шоҳобчалари.

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
17-илова

**Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий
таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар
РЕЖАСИ**

Т/п	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	Назорат учун масъуллар
I. Коронавирус пандемияси шароитида хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар				
1.	“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими объектларининг онлайн реестрини (кейинги ўринларда - Реестр) юритиш ва доимий янгилаб бориш, унинг мобил иловасини ва худудлар кесимида реестрга киритилган объектларни, хизмат кўрсатувчи туроператорларни акс эттирувчи динамик харитани ишга тушириш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков)</i>	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
2.	Реестрга киритилган объектларга бино ва иншоотларнинг ташки қисмларида, шунингдек, кузатув ҳужжатларида “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” танитиш белгисидан фойдаланиш ҳукуқини бериш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
3.	Сертификатлаштиришга оид аризаларни электрон шаклда тақдим этишшунингдек, тадбиркорлик субъектлари тасарруфидагиобъектларини ихтиёрий сертификатлаштириш ва уларни Реестрга киритиш бўйича чораларни амалга ошириш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), “Ўзстандарт” агентлиги (Д. Саттаров)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
4.	Туристларга хизмат кўрсатувчи давлат мулки объектларини (транспорт инфратузилмаси, маданий ва табиий мерос объектлари ва бошқалар) “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимига интеграциялаш ва уларни Реестрга киритиш чораларини кўриш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>ишилаб чиқиши ва тасдиқлаши учун – Соглиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов, Б. Юсупалиев), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни</i>	<i>Б. Мусаев</i>

			ривожлантириш давлат қўмитаси <i>(У. Азамов)</i> , вазирлик ва идоралар	
5.	“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими доирасида туристларнинг Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб саёҳатлари давомида короновирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олганда, уларга компенсация тўлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
6.	“Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни мақсадли туристик бозорларда кенг тарғиб қилиш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари ўюшмаси, тадбиркорлик субъектлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
7.	Санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгунга қадар амалда бўлувчи куйидаги мажбуриятлар: - Ўзбекистон резидентлари бўлган туроператорлар томонидан туризм хизматларини кўрсатиш фақат Реестрга киритилган обьектларда, ушбу мажбуриятини ўз зиммасига олиш тўғрисидаги аризаси асосида ташкил этишни; - давлат ва хусусий ташкилотларда санитария-эпидемиология хавфсизликни таъминлашни мувофиқлаштирувчи “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” тизими учун маъсул-менежер тайинланишини белгилаш.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
8.	Жаҳондаги санитария-эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, умумий овқатланиш шохобчаларида истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги мулоқотни рақамли тизимга ўтказиш, коммуникатив мулоқотни камайтириш шунингдек, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида “Рақамли таомнома” лойиҳасини амалга ошириш.	2020 йил октябрь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ўзбекистон гастрономик туризм асоциацияси (Г. Одилова)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	<p>Бунда куйидагиларга эътибор қаратиш:</p> <p>таомномадаги таомларнинг тайёрланиш жараёнининг видеоролиги мавжудлиги;</p> <p>таомларнинг тарихи ва маданиятимиздаги роли тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;</p> <p>электрон тўлов тизими, шу жумладан халқаро карталар орқали тўлаш имконияти мавжудлиги;</p> <p>хизмат сифатини баҳолаш ва изоҳ қолдириш имконияти мавжудлиги;</p> <p>таомномани мижоз томонидан фойдаланилгандан сўнг санитария талаблари асосида заарсизлантириш чораларини кўриш.</p>			
9.	Давлат томонидан тақдим этилган рағбатлантирувчи чоралар, арzon туризм маҳсулотларини, ҳамда туристлар учункучайтирилган санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини тўғрисида хориждаги ҳамкорларга кенг етказишига республикага туристик оқимни ошириш бўйича музокаралар олиб бориши.	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари, Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси, тадбиркорлик субъектлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
10.	Хорижий мамлакат фуқароларининг мамлакатга киришга қўйилган чекловларни босқичма-босқич бартараф этиш механизми бўйича таклифлар киритиши.	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
11.	Кенг алоқаларга эга бўлган малакали юридик ёки жисмоний шахсларни Ўзбекистон туризм элчиси ёхуд Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчиларининг биринчи ўринbosари мақомига тенглаштирилган Туризми ривожлантириш давлат қўмитасининг вакили сифатида жалб қилиш йўли билан хорижий туристлар сонини ошириш чораларини кўриш.	2021 йил апрель	<i>амалга ошириши учун – Туризми ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
12.	Хорижий мамлакатлардан туристик оқимни ошириш	2020 йил	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	<p>мақсадида чет элдаги дипломатик ваколатхоналар билан биргалиқда зиёрат, гастрономик туризм, “ностальгия”, тиббиёт ва тарихий туризм йўналишлари бўйича ҳаракатлар режасини, шу жумладан куйидагиларни ишлаб чиқиш:</p> <p>Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри рейслари мавжуд бўлган Россия худудларидағи йирик туроператор ва турагентлар, касаба уюшмалар, нафақаҳўрлар, жамоат ташкилотлари, бошқа турдаги ташкилотлар, йириқ саноат корхоналари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш;</p> <p>манзилли рўйхат асосида туристик маҳсулотлар тақдимоти ва туроператорлар билан учрашувлар ўtkазиши орқали уларни Ўзбекистон Республикага жалб қилиш бўйича кўшма режа ишлаб чиқиш;</p> <p>туристларни жалб қилаётган ташкилотлар учун рафбатлантириш механизмларини жорий қилишни</p>	сентябрь	<p>учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>), Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Ўзбекистон меҳмонхоналар ассоциацияси</p>	
13.	Манбаатдор авиакомпаниялар билан биргалиқда туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кенг туристлар оқимини жалб қилишга қаратилган шартшароитларни намойиш этиш мақсадида манзилли мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари ва туроператорлари учун “Туризмни очиш (тиклаш) ҳафталиклари”ни ташкил этиш.	2020 йил август-декабрь	<p><i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>), Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси, туризм ва транспорт соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
14.	Жаҳон Интернет ижтимоий тармоқларидағи энг нуфузли хорижий блогерлар рўйхатини тузиш ва уларни туристлар оқимини ошириш бўйича тадбирларига жалб қилиш.	2020 йил ноябрдан бошлаб	<p><i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>)</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
15.	“TRT Avaz” (Турция), “Trans7”, “SCTV” (Индонезия), “AlHijrah” (Малайзия), “Алиф ТВ” (Россия), “ilmFeed” (Буюк Британия) ва “HalalTrip” (Сингапур) ва бошқа хорижий оммавий ахборот	2020 йил ноябрдан бошлаб	<p><i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>)</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	воситалари вакиллари учун тегишли тижорат таклифларини тайёрлаш ва турларни ташкил этиш.			
16.	Машхур хорижий диншунос олимларни аниқлаб, уларнинг Ўзбекистон Республикасига сафарларини ташкил этиш ва ОАВда ёритиш.	2021 йил июнь	<i>амалга ошириши учун – Ташки ишлар вазирлиги (А. Камилов), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
17.	МДХ мамлакатларининг вилоятлараро ва халқаро автобус йўналишларида мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб килувчи реклама баннерларини ўрнатиш.	2020 йил ноябрь	<i>амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
18.	Хорижда яшаётган ватандошлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонни хавфсиз мамлакат сифатида тарғиб килишга қаратилган тарғибот тадбирлари режасини ишлаб чиқиша амалга ошириш чораларини кўриш.	2020 йил август	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташки ишлар вазирлиги (А. Камилов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
19.	Алоҳида туризм йўналишлари ҳамда ёшлар учун Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти тўғрисида янги реклама роликлари, тарқатма (рисола) ва босма материалларни ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрдан бошлаб	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
20.	Республиканинг “зиёрат туризми” салоҳияти ҳақида хориж мамлакатларида оммалаштиришга қаратилган медиа-платформалар ва юқори сифатли медиа-контентларни яратиш.	доимий равишда	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташки ишлар вазирлиги (А. Камилов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
21.	“Shibuya” (Токио) миллий туризм брендларини реклама қилиш бўйича ижобий тажриба асосида мамлакатда қулай санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгач, халқаро спорт тадбирларида ва мақсадли мамлакатларда Ўзбекистонни оммалаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташки ишлар вазирлиги (А. Камилов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	Бунда республиканинг туризм салоҳиятини дунёнинг йирик шаҳарларида, янги шаклда, “Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED” (Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТЛАНГАН) шиори остида оммалаштиришни таъминлаш.			
22.	“Ўз ўлкангни кашф эт” лойиҳаси доирасида дикқатга сазовор жойлар ва табиий ёдгорликлар тўғрисида аудио, фото ва видео материаллар йиғиш жараёнига маҳаллий аҳолини жалб қилиш, шу асосда “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомига эга бўлган аҳоли пунктларининг реестрини кенгайтириш.	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
23.	Пандемиядан кейин Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар тўғрисида таклифларни аҳоли ўртасида оммалаштириш учун туризм соҳаси субъектлари билан биргаликда амалга ошириладиган чораларни кўриш ҳамда “Саёҳатни режалаштириш” тадбирларини ўтказиш.	эпидемиологик вазият барқарорлашган -дан кейин	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
24.	Пандемиядан кейин туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида хориж фуқароларининг Ўзбекистонга режалаштирилган сафарини сақлаб қолишига қаратилган “Туризмни сақлаб қол: саёҳатни бекор қилма, муддатни кечиктир” шиори остида маркетинг кампаниясини ўтказиш.	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
25.	Тадбиркорлар учун туризм соҳасида бизнес ғоялар реестрини яратиш, ғоялар йиғишини ва уларнинг муаллифларини рағбатлантиришни назарда тутувчи “Туризм учун янги бизнес ғоялар” онлайн танловини ўтказиш.	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
26.	Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларни тасвирловчи фотосуратларни жойлаштириш ва рағбатлантиришга қаратилган хорижий туристлар орасида “Ўзбекистон ҳақидаги	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	таассуротлар” ва маҳаллий туристлар орасида “Менинг саёҳатим” акцияларини ўтказиши.			
27.	Тақдим этилган имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида тадбиркорлар орасида “COVID-19 га қарши дори” шиори остида фаол тарғибот компанияси олиб бориш.	доимий равища	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
28.	<p>Дунёдаги эпидемиологик вазият барқарорлашгандан кейин республиканинг туристик салоҳиятини хорижий мамлакатларда тарғиб қилишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши:</p> <p>туристик оқимни жалб қилиш бўйича алоҳида ёндашув асосида маркетинг компаниясини ташкил қилган ҳолда асосий туристик бозорлар - мақсадли мамлакатларни аниқлаш;</p> <p>мақсадли мамлакатлардан туристик оқимни тиклаш учун туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича устувор чора-тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>мақсадли мамлакатларда Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини тарғиб қилишга ихтисослашган хорижий компанияларни жалб қилиш.</p>	дунёдаги эпидемиологик вазият барқарорлашган -дан кейин	<i>ишлаб чиқиши ва киритиши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
29.	Коронавируснинг янги тури “COVID-2019”нинг тарқалиши ва олдини олиш бўйича амалга оширилаётган таъсирчан чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни кунлик тарзда ОАВларда ёритиб бориш.	санитария-эпидемиологик осойишталиқ барқарор деб эълон қилингунга қадар	<i>амалга ошириши учун – Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадмонов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Д. Сайджанов)</i>	<i>Б. Мусаев</i>

II. Коронавирус пандемияси шароитида мамлакат туризм соҳасини қўшимча қўллаб-қувватлаш

30.	Ихтисослашган хорижий компаниялар билан	2020 йил	<i>ишлаб чиқиши ва амалга ошириши учун</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
-----	---	----------	--	-----------------------

	биргалиқда мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва саёҳатни ташкил қилиш бўйича яратилган шарт-шароитларни намойиш этиш мақсадида хорижий туроператор ва турагентлар учун ўкув курсларини ташкил этиши.	август-сентябрь	– Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>)	
31.	Мамлакатга туристларни жалб қилиш учун мақсадли мамлакатларда Ўзбекистоннинг туристик брендини доимий равишда тарғиб қилаётган компанияларни жалб қилиш чораларини кўриш.	доимий равиша	<i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>)	<i>A. Абдуҳакимов</i>
32.	Миллий манфаатлардан келиб чиқиб, “лоукостер” моделидаги камхарж авиакомпанияларнинг Ўзбекистон Республикасига киришида мавжуд тўсикларни бартараф этиш, шунингдек, иқтисодий барқарор ва пандемия оқибатларини бартараф этган мамлакатларга рейслар очиши бўйича музокаралар ўтказиш.	2021 йил январь	<i>амалга ошириши учун</i> – Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), “Uzbekistan Airways” (<i>Б. Хакимов</i>), Ташқи ишлар вазирлиги (<i>А. Камилов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>)	<i>A. Раматов,</i> <i>A. Абдуҳакимов</i>
33.	“Пулли консультатив хизматлар келишуви” доирасида Жаҳон банки экспертларини жалб қилган ҳолда ва энг яхши хорижий тажрибадан, шу жумладан авиакомпанияларнинг амалга оширган рейсларидан келиб чиқиб, аэропортлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун дифференциацияшган ставкалар ва йигимларни ҳисоблаш ва қўллаш тартибини ишлаб чиқиши.	2020 йил октябрь	<i>амалга ошириши учун</i> – Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>)	<i>A. Раматов,</i> <i>A. Абдуҳакимов</i>
34.	Рақобатбардош нархларни таъминлаган ҳолда ставкаларни ҳисоблаш ва қўллашнинг янги тартиби бўйича аэропортлар хизматлари учун ягона тариф ва йигимларни тасдиқлаш.	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун</i> – Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>)	<i>A. Раматов,</i> <i>A. Абдуҳакимов</i>
35.	Авиа, темир ўйл ва автобуслар, биринчи навбатда ҳудудлараро ички йўналишлар бўйича қатновлар сони ва маршрутларни кўпайтириш бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши.	2020 йил сентябрь	<i>ишлаб чиқиши ва амалга ошириши учун</i> – Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), “Uzbekistan Airways” (<i>Б. Хакимов</i>), “Ўзбекистон темир ўйлари” АЖ	<i>A. Раматов,</i> <i>A. Абдуҳакимов</i>

			(Х.Хосилов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов)	
36.	Туристик оқимни ошириш мақсадида Марказий Осиё, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва Белоруссиянинг ривожланган шаҳарлари раҳбарлари билан Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Кўқон шаҳар ҳокимлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш орқали туристик шаҳарлар форумини, шу жумладан онлайн форумини ташкил қилиш.	2020-2021 йиллар	<i>амалга ошириши учун – Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аққулов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
37.	Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Шахрисабз ва Кўқон шаҳарларидағи тадбиркорлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида туризм соҳасида коронавируснинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган учрашувларни (онлайн-вебинарлар) ташкил қилиш.	2020 йил сентябрь-октябрь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов), Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон меҳмонхоналар ассоциацияси, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
38.	“Баҳодирлар ўйинлари”, “Амир Темур жанг ўйинлари” ва бошқа кўнгилочар мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш.	2021 йил давомида	<i>амалга ошириши учун – Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев), Мудофа вазирлиги (Б.Қурбонов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов), “Узрепорт” ахборот агентлиги (Р.Жўраев)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
39.	“Uzbekistan Airways” АЖнинг янги ва қўшимча парвозлари учун республика ва маҳаллий бюджетдан субсидиялар ажратиш тартибини ишлаб чиқиш.	2021 йил январь	<i>ишлаб чиқиши учун – Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), “Uzbekistan Airways” АЖ (Б.Хакимов)</i> <i>амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), “Uzbekistan Airways” АЖ (Б.Хакимов)</i>	<i>A. Раматов</i>

40.	Тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда йўловчиларга имтиёзлар ва чегирмалар тақдим этувчи жозибадор тарифларни (“KIDS GO FREE”, “FAMILY & FRIENDS”) ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш чораларини кўриш.	2020 йил сентябрь	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), “Uzbekistan Airways” АЖ (Б. Хакимов), “Ўзбекистон темир ўйлари” АЖ (Х. Хосилов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов)</i>	<i>A. Раматов</i>
41.	Хорижий давлатлар, жумладан Россия Федерациясининг касаба уюшмалари аъзолари ва саноат корхоналари ишчилари учун Ўзбекистонга ташриф буюриш имконини берувчи маҳсус туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш бўйича чоралар кўриш.	2021 йил апрель	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (К. Рафиков), Ташки ишлар вазирлиги (А. Камилов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
42.	Маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган сувенирларни сотиш учун “Crafted.uz” онлайн-платформа лойиҳасини яратиш.	2020 йил октябрь	<i>ишилаб чиқиши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов)</i>	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
43.	Уй шароитида ишлайдиган бизнес вакиллари томонидан қўлда тайёрланган маҳсулотларнинг халқаро электрон савдосини ривожлантириш мақсадида: электрон савдо майдончалари орқали чет элда сотилган сувенирлар ва бошқа қўл меҳнати буюмларининг халқаро почта жўнатмаларига нархларни пасайтириш; Сувенирлар ва бошқа қўл меҳнати буюмларини электрон савдога қўйишдан олдин уларни бадиий экспертиздан ўтказишнинг соддалаштирилган механизмини яратиш.	2020 йил ноябрь	<i>амалга ошириши учун – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиков), «Ўзбекистон почтаси» АЖ (А. Файзуллаев), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов, Б.Мусаев, О.Умаров</i>

44.	Сувенир ва бошқа қўл меҳнати буюмларини савдога кўйилишига қадар сақлаш учун Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида марказий омборни ташкил қилиш учун фойдаланимаётган давлат объектларини ажратилишини тъминлаш.	2020 йил октябрь	<i>амалга ошириши учун – Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов), Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	Ж.Кўчкоров
45.	Мамлакатга туристларни жалб қилиш мақсадида Россия Федерациясида Ўзбекистон туризм брендини доимий тарғиб қилаётган компанияларни Москва, Санкт-Петербург, Владимир, Казань, Владивосток, Тюмень, Сургут, Краснодар, Красноярск, Новосибирск, Кемерово, Екатеринбург, Владивосток шаҳарларида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ваколатли вакили сифатида жалб қилиш бўйича чоралар кўриш.	доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов)</i>	А. Абдуҳакимов
46.	Ички туризм йўналишида фаолият юритувчи туроператорлар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудлари қамраб олинган арzon нархлардаги ички туризм махсулот (турпакет)ларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни жойларда кенг тарғиб қилиш.	доимий равишда	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф.Давруков), Хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси, тадбиркорлик субъектлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Экстремал ва тоғ туризми федерацияси, Ўзбекистон меҳмонхоналар ассоциацияси</i>	А. Абдуҳакимов
47.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан “Ички туризм ойлиги”ни эълон қилиш.	хар йили	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	А. Абдуҳакимов
48.	“Ички туризм ойлиги”да ҳудудлардаги туризм	доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни</i>	А. Абдуҳакимов

	соҳаси субъектлари (мехмонхона, умумий овқатланиш пунктлари, маданий кўнгилочар обьектлар ва бошқалар) томонидан тақдим қилинадиган чегирмалар тўғрисида ахборот (эълонлар) жойлаштириб бориш.	равиша	ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Экстремал ва тоғ туризми Федерацияси, Ўзбекистон меҳмонхоналар ассоциацияси	
49.	“Ички туризм ойлиги” давомида фаол тарғибот ишларини олиб борган журналистлар ва блогерлар учун “Энг яхши телекўрсатув”, “Энг яхши видео”, “Энг яхши пост” ва “Энг яхши мақола” йўналишларида танлов ташкил этиш.	доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Д. Сайджанов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
50.	<p>Фаол ва экстремал туризмни ривожлантириш мақсадида айрим муҳофаза этиладиган табиий худудлар, шунингдек бошқа тоғли худудларда амалга ошириладиган экскурсиянинг бошланиш қисмida ташриф марказлари (visitor center) фаолиятини йўлга кўйиш. Бунда:</p> <p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг худудий бўлинмалар балансига ер участкаларини ажратиш;</p> <p>маҳаллий кенгашлар томонидан тасдиқланадиган нархларда ташриф маркази худудига кириш тўловларини жорий қилиш ва уни Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш;</p> <p>тадбиркорлик субъектларини жалб этган холда туристларга хизматлар (йўрикчи-йўлбошловчи хизматларини кўрсатиш, тегишли анжомларни ижарага бериш ва бошқалар) кўрсатишни йўлга кўйиш ва бошқалар.</p>	2020 йил октябрь	<p><i>ер участкаларини ажратиш учун –</i> <i>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ш.Абдуразоқов), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Бакиров)</i></p> <p><i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ш.Абдуразоқов), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Бакиров)</i></p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
51.	<p>Бош вазир ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси бошчилигига куйидаги қўшма Ҳайъатларни ташкил этиш:</p> <p>Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси – Туризм соҳасида транспорт-коммуникацияларини ривожлантириш ҳайъати;</p>	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	<p>Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси – Туризм, маданият ва спортни комплекс ривожлантириш бўйича ҳайъати.</p> <p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, жамоат ташкилотлари эксперталарини жалб қилган ҳолда қўшма ҳайъатларнинг асосий фаолият йўналишлари, мақсадлари, вазифалари ва иш тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш.</p>			
52.	<p>Гид (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларни рағбатлантириш мақсадида:</p> <p>тўлов асосида гид (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларни жалб қилган ҳолда, 11 тилдаги “Экскурсия етакчилари портфели” услубий қўлланмасини ишлаб чиқиш;</p> <p>ёш гидларни тайёрлаш ва амалдаги фаолият олиб бораётган гидларнинг маҳоратини оширишга мўлжалланган, 11 тилда онлайн намойиш қилинувчи гидларнинг муаллифлик видеоустахоналарини ташкил қилиш.</p>	2020 йил октябрь	<p><i>ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)</i></p>	A. Абдуҳакимов
53.	<p>Мамлакатдаги муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларни ўзаро боғлаган ички зиёрат туризми маҳсулотларини (турпакетларни) ишлаб чиқиш, шунингдек, маҳаллий фуқаролар учун уларга ташриф буюришда чегирмалар тақдим қилиш чораларини кўриш.</p>	2020 йил сентябрь	<p><i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Дин ишлари бўйича қўмита (А. Ахмедов)</i></p>	A. Абдуҳакимов
54.	<p>Назарий билимларни амалий қўникмалар билан уйғунлаштириш мақсадида келгусида “Туризм” таълим йўналиши бўйича битирувчи курс талабаларининг иш билан бандлигини таъминлаган ҳолда, мамлакатнинг туризм тармоғи корхоналарида уларнинг мунтазам амалиётини ташкил этиш.</p>	доимий равиша	<p><i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), олий таълим муассасалари</i></p>	A. Абдуҳакимов
55.	“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида	доимий	<i>амалга ошириш учун – Туризмни</i>	A. Абдуҳакимов

	ижтимоий реклама сифатида оммавий ахборот воситаларида, жумладан, ташқи реклама воситаларини (баннерлар ва ташқи экранлар учун видеороликлар) тайёрлаш ва ўрнатиш орқали тарғибот материалларини ёритиб бориш тадбирларини ўтказиш.	равиша	ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Д. Сайджанов)	
56.	Марказий ва ҳудудий телеканалларда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида туркум кўрсатувлар тайёрлаш ва кенг ёритиб бориши.	доимиј равиша	<i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Д. Сайджанов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев)	A. Абдуҳакимов
57.	Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритиш: маданият обьектларига кириш ва уларда қўшимча хизматлар кўрсатишда чегирмалар тақдим этиш масаласини кўриб чиқиш; хусусий маданий-кўнгилочар марказлари, йирик савдо обьектлари хизматларига чегирмалар жорий килиши.	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун</i> – Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Савдо-саноат палатаси (А. Иқрамов), Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	A. Абдуҳакимов
58.	Қонун хужжатларида белгиланган тартибда ер участкалари ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш имкониятини тақдим этиш орқали умумий овқатланиш тармоқлари филиалларини очаётган тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, уларнинг инновацион бизнес гоялари ва “стартап” лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш.	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун</i> – Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)	A. Абдуҳакимов
59.	Кўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда жойлаштириш воситалари ва умумий овқатланиш шохобчаларида ихтиёрий, мавсумий чегирмалар жорий этиш; ҳар бир ҳудуд кесимида бюджет ва бошқа	2020 йил августдан бошлаб доимиј равиша	<i>амалга ошириши учун</i> – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ. Рафиков), Коракалпоғистон Республикаси	A. Абдуҳакимов

	ташкилотлар ходимлари учун имтиёзли саёҳат пакетлари асосида саёҳатга чиқиш жадвалини шакллантириш.		Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	
60.	<p>Расмий саналар, умумхалқ байрамларини нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган ва дам олиш кунларини 5 кунгача (“Олтин ҳафта”) бўлган муддатга узайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>хар йили (ноябрь ойида) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қарори билан кейинги йил учун иш вақти меъёрининг давомийлиги (тақвими)ни тасдиқлаб бориш;</p> <p>иш вақти меъёрининг давомийлиги (тақвими) асосида ички туризмни ривожлантириш чораларини кўриш.</p>	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ. Рафиков)</i>	Ж. Кўчкоров
61.	Кўйидаги йўналишларда онлайн семинарларни ташкил қилиш: жойлаштириш воситалари ходимлари учун хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; туроператор/турагентлар учун маркетинг фаолиятини янада такомиллаштириш.	2020 йил сентябрдан бошлаб доимий равища	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	А. Абдуҳакимов
62.	Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатиш (савдо, умумий овқатланиш, майший хизмат ва бошқалар) этикаси бўйича қўлланмалар ва видеороликларни ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириш учун – Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	Ж. Кўчкоров, А. Абдуҳакимов
63.	Маҳаллий бюджет ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-куvvатлаш жамғармасининг ҳисобидан teng улушларда куйидаги танловларни ўтказиш: мамлакат ҳудудлари бўйлаб энг кўп саёҳатларни ташкил этган туроператорларни танлаш;	2021 йил февралдан бошлаб доимий равища	<i>амалга ошириш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Даэрков), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)</i>	А. Абдуҳакимов

	мамлакат худудлари бўйлаб саёҳатларни ташкил этувчи энг фаол муассасани танлаш.			
64.	Туристларга миллий матолар намуналарини кўрсатиш, мато ишлаб чиқаришнинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини, шунингдек, Ўзбекистон маданий меросини акс эттирувчи миллий либослар кўргазмаларни намойиш этиш мақсадида Зарқайнар кўчасидаги 1-йй биносида Ўзбекистон миллий либослар ва матолар Марказини ташкил этиш.	2021 йил сентябрь	<i>ишилаб чиқиши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Фанлар Академияси (Б. Юлдашев)</i> <i>амалга ошириши учун – Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артиқходжаев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Фанлар Академияси (Б. Юлдашев)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
65.	Болалар театрларида ўз юртини кенг ўрганишга ва саёҳат қилишга даъват этувчи янги спектаклларни яратиш. Кўғирчоқ театри учун энг яхши сценарийга танлов ташкил этиш ва танлов ғолибларини мукофотлаш учун маблағ ажратиш; Танловда ғолиб бўлган сценарий асосида спектакл учун кўғирчоқлар ва декорацияларни яратишни молиялаштириш.	2020 йил декабрь	<i>амалга ошириши учун – Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), манфаатдор вазирлик ва идоралар</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
66.	Карантин пайтида профессионал спортчилар ва фитнесс мураббийларни жалб қилган ҳолда спорт туризмини ва ахоли ўртасида соглом турмуш тарзини (Home Fitness) тарғиб қилиш, шунингдек, уларни ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказиш.	2020 йил августдан бошлиб доимий равища	<i>амалга ошириши учун – Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
67.	Республикада йўловчилар ташишни янада ривожлантириш бўйича куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: худудлараро автобус қатновлари сони ва йўналишларини ошириш;	2020 йил октябрь	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), “Uzbekistan Airways” АК (Б. Хакимов), “Ўзбекистон темир ўйлари” АК (Х. Хасилов), Туризмни</i>	<i>A. Раматов</i>

	Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарлари ва республиканинг бошқа ҳудудлари ўртасидаги авиапарвозлар сонини ошириш; вертолётларда йўловчилар ташибни ташкил этиш.	2021 йил апрель	ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	
68.	Республика бўйлаб мустақил саёҳат қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида автотранспорт воситалари ва тиркамаларни (тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспорти) ишлаб чиқариш ва/ёки олиб киришни рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш.	2020 йил октябрь	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Д.Дехконов), “Ўзстандарт” агентлиги (Д. Сатторов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков)</i>	A. Раматов
69.	Малака оширишни, шу жумладан туризм соҳаси субъектлари ходимлари, шунингдек гид (гидтаржимонлар), йўриқчи-йўл бошловчи ва экскурсия етакчиларини масофавий ўқитиш орқали ташкил этиш.	2020 йил августдан бошлаб доимий равишда	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов)</i>	A. Абдуҳакимов
70.	“Ипак йўли” Халқаро туризм университети атрофида туризм ва таълим паркини ташкил этиш учун Давлат бюджети ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан тенг улушларда 3,5 млрд сўм миқдорида маблағлар ажратиш.	2021 йил	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)</i>	A. Абдуҳакимов
71.	“Ипак йўли” Халқаро туризм университетининг халқаро рейтинглар бўйича мавқеини ошириш юзасидан қўйидагиларни назарда тутувчи стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: университетга талабаликка қабул қилиш жараёнини ташкил қилиш учун мустақиллик хуқуқини бериш, шу жумладан йилига икки марта (баҳор ва куз семестри) талабаларни қабул қилиш механизмини жорий этиш; университетнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқкан ҳолда халқаро таълим малака стандартларига мувоғик ўқитишнинг олтинчи ва еттинчи даражаларини жорий этиш;	2021 йил январь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)</i>	A. Абдуҳакимов

	<p>бўйича чораларни кўриш;</p> <p>инглиз тилини мукаммал даражада биладиган тегишли профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирган холда ўқув жараёнини Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган хорижий тилларда олиб бориш;</p> <p>иљор, эътироф этилган халқаро имтиҳон тизимлари (TOEFL, IELTS, CEFR, SAT General, SAT Subject ва бошқалар) сертификатларига эга бўлган абитуриентлар кириш имтиҳонларида қатнашиши;</p> <p>Болонъя декларациясига қўшилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>			
72.	<p>“Ипак йўли” туризм халқаро университетидаги бутун ўқув жараёнини инглиз тилига ўтказиш учун:</p> <ul style="list-style-type: none">- университетнинг 2 ва 3-босқич талабаларини инглиз тилини билиш даражасини синовдан ўтказиш;- ўқув йилида қониқарсиз натижани қайд этган университет талабаларини мамлакатдаги тегишли таълим йўналишидаги бошқа таълим муассасасига ўтказиш.	2021 йил октябрь-ноябрь	<p><i>амалга ошириши учун –</i> Давлат тест маркази (<i>М.Каримов</i>), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>А. Аққулов</i>)</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
73.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг марказий аппарати ходимлари ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфига берилиган таълим муассасалари ходимларини аттестациядан ўтказиш.	2020 йил II ярим йиллик	<p><i>амалга ошириши учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>А. Аққулов</i>), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (<i>Д.Набиев</i>)</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
74.	Ўқув-амалиёт жараёнини янада мақбуллаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидағи техникум ва коллежлар худудларидағи ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига 10 йилга ижарага беришни кўзда тутган холда бир қисми талабалар ётоқхонаси учун ажратиладиган меҳмонхона ва хостеллар куриш ишларини, шу жумладан, лозим бўлганда қонунчилик хужжатларига ўзгартириш киритган холда ташкил	2020 йил августдан бошлаб	<p><i>амалга ошириши учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>Ф. Давруков</i>), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (<i>А. Абдулаев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	этиш.			
75.	Самарқанд шаҳри, Туркистон кўчаси манзилидаги Сартепа туризм ва майший хизмат касб-хунар коллежи жойлашган ҳудуддан 250 кишига мўлжалланган ётоқхонани мазкур чора-тадбирлар режасининг 45 бандидаги механизм асосида қуриш учун ер участкасини ажратиш	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.Турдимов), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
76.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллежларни реконструкция қилиш ва янгилаш учун камида 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги халқаро молиявий институтларнинг имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши.	2020 йил октябрь	<i>амалга ошириши учун – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Кудратов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>С.Умурзаков, A. Абдуҳакимов</i>
77.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги коллеж ва техникумларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида: лабораториялар билан жиҳозлаш учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан; капитал таъмиглаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан 2021-2023 йиллар давлат инвестиция дастурига киритиш орқали маблағлар ажратилишини таъминлаш.	2020-2021 йиллар	<i>маблағлар ажратилиши учун – Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов) амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф.Давруков)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
78.	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги коллеж ва техникумларнинг иқтидорли талабаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиялар тўлаш тизимини жорий этиш.	2020-2021 ўкув йилидан бошлаб	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
79.	Туризм соҳасидаги таълим муассасалари қувватларини ошириш мақсадида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Тошкент вилояти	2020 йил сентябрь	<i>ишилаб чиқиши учун – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	<p>Бўстонлиқ туманидаги Бўстонлик ўрмон хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежи ва унинг бино ва иншоотларини ўрнатилган тартибда беғараз асосда топширишни, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қабул қилиб олишни (тасарруфига ўтказиш) таъминлаш.</p>		<p><i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аққулов)</i></p>	
80.	<p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги колледж ва техникумларнинг хорижий ҳамкорлар билан келишувларга мувофиқ мақоми ва номини (ребрендинг) Кўмита томонидан мустақил белгилаш хуқуқини бериш.</p>	2020 йил октябрь	<p><i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аққулов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов)</i></p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
81.	<p>Фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, касалланиш даражасини, шу жумладан юрак хасталигини камайтириш, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш максадида куйидагилани назарда тутувчи “Соғлом ҳаёт сари қадам” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишилаб чиқиши:</p> <p>жаҳон стандартларига асосланиб, зарур шартшароитларни ҳисобга олган ҳолда ва санитария-эпидемиология талаблари асосида ҳар бир туман ва шаҳарнинг марказий кўчаларида пиёдалар йўлакларини ташкил этиш;</p> <p>пиёдалар учун алоҳида йўл белгилари, шу жумладан босиб ўтган масофа, сарфланган калория миқдори, соғлиқ кўрсаткичлари тўғрисида маълумот берувчи кўрсаткичлар ўрнатиш;</p> <p>аҳолининг жинси ва ёшига караб, уларга ихтиёрий кунлик юриш нормаларини жорий этиш;</p> <p>Юриш меъёрларини маълум бир даврда бажарган фуқароларга давлат хизматларидан фойдаланганлик учун тўловнинг 50 фоиз миқдорида имтиёзлар ва чегирмалар белгилаш;</p> <p>пиёда юришни чорлашга қаратилган аҳоли</p>	2020 йил сентябрь	<p><i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д. Набиев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шодмонов, Б. Юсупалиев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Н.Максумов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i></p>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	ўртасида кенг тарғибот ишларини ташкил этиш.			
82.	<p>Тиббий туризмни ривожлантиришга қаратилган қуидагиларни назарда тутувчи “Uzbekistan – hope and healing land!” (Ўзбекистон умидли ва шифобахш замин) механизмини амалга ошириш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши:</p> <p>худудлардаги даволаш ва тиббиёт масканларини хатловдан ўтказган ҳолда улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>миллий тиббиёт муассасалари салоҳиятини очиш, шунингдек, улар томонидан кўрсатиладиган сайёҳлик хизмати билан уйғун ҳолда тиббий хизматлар кўрсатилиши тўғрисида маълумот берувчи тарғибот материалларини тайёрлаш, шу жумладан Интернет орқали тарғиб қилиш;</p> <p>тиббий туризмни ривожлантириш соҳаси бўйича йирик халқаро тадбирларда Ўзбекистон тиббиёт муассасаларининг иштирок этиши учун шароитлар яратиш;</p> <p>махсус тиббий тур пакетлар ишлаб чиқиш, шу жумладан туристларнинг келиши, даволаниши ва қайтиб кетиш давомида сифатли ва хавфсиз хизматларни кўрсатиш бўйича чораларни кўриш;</p> <p>тиббиёт муассасаларини рағбатлантириш ва қўллаб-кувватлашга қаратилган имтиёзлар жорий қилиш, шунингдек, давлат бюджети ва бошқа манбалардан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ссудалар ажратиш;</p> <p>республика тиббиёт туризми салоҳиятини “Uzbekistan – hope and healing land!” (Ўзбекистон умидли ва шифобахш замин) шиори остида кенг тарғиб қилиш.</p>	2020 йил декабрь	<i>ишилаб чиқшиш ва амалга ошириши учун – Соғлиқни сақлаш вазирлиги (A. Шодмонов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси (K. Рафиков), манфаатдор вазирлик ва идоралар</i>	<i>Б. Мусаев, А. Абдуҳакимов</i>

83.	<p>Республикадаги маданий мерос объектлари худудларыда қүйидагиларни назарда тутувчи “Clean&Eco” механизмни амалга ошириш бўйича харакатлар режасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Махкамасига киритиш:</p> <p>маданий мерос объектларига “Clean&Eco” мақом бериш;</p> <p>маданий мерос объектлари худудларыда етарли миқдорда ахлат қутиларини ўрнатиш;</p> <p>экологик қайта ишлаш механизмин йўлга қўйиш оркали маданий мерос объектлари худудларини кунлик тозалаш ва ободонлаштириш бўйича чораларни кўриш;</p> <p>ташриф буюриш тартиби тўғрисидаги эслатмани ишлаб чиқиш, шу жумладан “Clean&Eco” мақомидаги маданий мерос объектлари худудида ахлат ташлашни тақиқлаш.</p>	2020 йил октябрь	<p><i>ишилаб чиқиш ва амалга ошириши учун</i> – Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Ақкулов)</p>	<i>Раматов А.</i>
84.	Спелеология соҳасида илғор тадқиқот марказлари вакиллари, олимларни, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, Халқаро спелеология ва Халқаро геология форумларини юкори савияда ўтказилишини таъминлаш.	2021 йил	<p><i>амалга ошириши учун</i> – Фанлар Академияси (Б.Юлдашев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Исламов), Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Б.Кучкаров)</p>	<i>О.Умаров</i>
85.	<p>Миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий хужжатларга ўзгартириш киритиш:</p> <p>“Матбуот тарқатувчи” АК киосклари майдонининг 50 фойизини миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари савдоси ва тарғиботи учун беғараз ажратиш, шунингдек, фойдаланилмаётган киоскларни тўлиқ беғараз шартда ижарага тақдим килиш;</p> <p>давлат тасарруфида бўлган бино ва иншоотларда,</p>	2020 йил сентябрь	<p><i>ишилаб чиқиш учун</i> – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов), Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов)</p> <p><i>амалга ошириши учун</i> – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва</p>	<i>Раматов А.</i>

	жумладан моддий маданий мерос объектларида миллий хунармандылык маҳсулотлари савдоси учун “нол” қийматда ижарага бериш.		Тошкент шаҳар ҳокимликлари	
86.	Республикадаги сув ҳавзаларида моторли транспорт воситаларидан фойдаланишини Вазирлар Маҳкамаси рухсатномаси асосида амалга оширилишини назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил сентябрь	<i>ишлаб чиқиши ва амалга ошириши</i> учун – Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А. Кулдашев), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев), Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ш. Абдуразоқов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
87.	Табиат манзарасининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш мақсадида туристик зоналар ҳудудида курилиши режалаштирилган бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларга (стратегик объектлар бундан мустасно) қуйидаги умумий талабларни белгиловчи тартиб ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш: бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар ҳудуди чегара деворларининг рухсат этилган баландлигини аниқ белгилаш; чегара деворларини ҳудуд ландшафтiga мос, табиий хом-ашё ва материаллардан қуриш; .. бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар ҳудудини чегара деворлар билан ўраш талаб этиладиган объектлар тоифаларини белгилаш; белгиланган талабларга риоя қилмаган тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш; белгиланган талабларга риоя қилган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш ва бошқалар.	2020 йил октябрь	<i>ишлаб чиқиши ва амалга ошириши</i> учун – Курилиш вазирлиги (Б. Зокиров), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ш. Абдуразоқов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
88.	Маъданли сув булоқлари ва тоза ҳаво билан соғломлаштиришга ихтинослашган сиҳатгоҳларда кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш	2020 йил сентябрь	<i>ишлаб чиқиши ва амалга ошириши</i> учун – Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Шадмонов), Туризмни	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	орқали ички туризмни ривожлантириш мақсадида: мазкур сиҳатгоҳларни хатловдан ўтказиш ва уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича манзилли дастур тайёрлаш; улар атрофида енгил конструкцияли жойлаштириш воситаларини ташкил қилиш.		ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси (К. Рафиков)	
89.	Гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларни жалб қилган ҳолда “Ўлкашунослик”, “Ёш турист” йўналишидаги туркум телерадиодастурларни тайёрлаш	2020 йил августдан бошлаб, доимий	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
90.	“Prime-Time” вақтларида мамлакат бўйлаб саёҳат қилишга чорловчи материалларни эфирга узатиб бориш.	доимий	<i>амалга ошириши учун – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев), “Узрепорт” ахборот агентлиги (Р. Жураев). Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

III. Туризм ва ёndoш инфратузилмани жадал ривожлантириш

91.	Панорамали кўриниши 180 даража, шунингдек обьектдан 50 метр радиусда маданий мерос обьектларига киришнинг асосий теграси бўйлаб иншоотларни (савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш обьектлари, хавфсиз туризм бўлимларининг ситуациян марказлари ва бошқалар) куриш ва ўрнатишни тақиқлаш.	2020 йил август ойидан бошлаб	<i>ишилаб чиқиши ва келишиши учун – Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</i>	<i>A. Раматов</i>
92.	Ўзбекистон ўқув юртларига чет эллик талабаларни жалб қилиш бўйича хизматларни кўрсатадиган рекрутинг агентликлари тўғрисидаги низомни ишилаб чиқиши ва тасдиқлаш.	2020 йил сентябрь	<i>ишилаб чиқиши ва келишиши учун – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (И. Маджидов) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
93.	Жойлаштириш хизматларининг янги турларини ривожлантириш мақсадида меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларининг алоҳида хоналарини	2020 йил сентябрь ойидан бошлаб	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Адлия вазирлиги</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	“Condo Hotels” тизими бўйича турар жой сифатида хусусий мулкка сотишга рухсат бериш, лозим бўлганда тегишли қонун ва қонуности хужжатларига ўзгартиришлар киритиш.		(Р.Давлетов), Ер ресурслари, геодезия, картографиява давлат кадастри давлат қўмитаси (А. Абдуллаев), Ички ишлар вазирлиги(П. Бобојонов), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), тадбиркорлик субъектлари	
94.	<p>Дараҳтлар ва буталарни экиш, бошқа мамлакатларда ўсадиган ўсимликларни минтақада кейинчалик етиштириш учун мослаштиришга қаратилган маҳсус питомниклар ташкил этиш, янги сув инфратузилмасини, шу жумладан пуркагич қурилмаларини қуришни назарда тутувчи шаҳар атрофи бўйлаб “яшил белбоғлар”ни тузиш концепциясини ишлаб чиқиши ва куйидаги босқичларда:</p> <p>2022 йилгача бош режа тасдиқланган ҳолда шаҳарлар атрофи бўйлаб;</p> <p>2023 йилгача республиканинг бошқа минтақавий аҳамиятга молик шаҳарлари атрофи бўйлаб амалга ошириш.</p>	2020 йил октябрь	<p><i>ишлаб чиқиши ва келишиши учун –</i> Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Бакиров), Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Ш.Абдуразоқов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари</p>	A.Раматов
95.	<p>Сочма олтин конлари худудида туристик хизматларни ривожлантириш имкониятлари бўйича куйидагиларни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш:</p> <p>сочма олтин конлари участкаларини рўйхатини уларда туристик хизматларни ташкил этиш истиқболлари асосида тузиш;</p> <p>Бутунжаҳон олтин юувучилар уюшмаси (The World Goldpanning Association (WGA) билан ҳамкорлик ўрнатиш ва олтинни ювиш бўйича Ўзбекистонда ҳалқаро чемпионатларни ташкил этиш;</p> <p>сочма олтин конлари худудидаги туристик хизматлар тўғрисида узок хориждаги туристларга алоҳида эътибор берган ҳолда реклама акцияларини</p>	2020 йил сентябрь	<p><i>амалга ошириши учун –</i> Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Исламов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</p>	A. Абдуҳакимов

№	ўтказиш.			
96.	<p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига шаҳарларнинг марказий қисмларида (Тошкент шаҳрида - 5 та, Хива, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Шаҳрисабз шаҳарларида - 3 та) мамлакатнинг туристик салоҳиятини намойиш этадиган реклама лавҳалари (билборд) ва видео мониторларни ўрнатиш учун ер участкаларида ташқи реклама объектларини (иншоатларини) куриш хукукини бериш.</p> <p>Бунда, реклама жойлаштиришдан тушган маблағлар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-куватлаш жамғармасига ўтказиш.</p>	доимий	<p><i>амалга ошириш учун –</i> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов)</p>	A. Абдуҳакимов
97.	<p>Туризни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги бино ва иншоатларга фаолияти туризм соҳаси билан боғлик бўлган жамоат ташкилотларини Қўмита раисининг буйруғига мувофиқ бегараз жойлаштириш чораларини кўриш ҳамда “коворкинг” марказини ташкил этиш.</p>	2021 йил январь	<p><i>амалга ошириш учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), туризм соҳасидаги жамоат ташкилотлари</p>	A. Абдуҳакимов
98.	<p>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тадбиркорлик субъектлари билан ишлаш бошқармаси негизида белгиланган бошқарув штатлари доирасида куйидаги вазифаларни юкланган ҳолда Туризм акселераторларини бошқариш бошқармасини тузиш:</p> <p>хар бир худуднинг туризм турлари ва маҳсулотларига ихтисослаштириш инобатга олган ҳолда худудларда туризм соҳасида тадбиркорлик ривожлантириш учун салоҳиятини ўрганиш;</p> <p>туризм соҳасида стартап ва инновацион бизнес гояларни амалга оширишда кўмаклашиш, шу жумладан, молиявий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш;</p> <p>туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига фуқароларни кенг жалб қилиш ва фаолигини</p>	2020 йил сентябрь	<p><i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириш учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов)</p>	A. Абдуҳакимов

	ошириш.			
99.	Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилояти Наманган шаҳри З-кичик ноҳия, “Порлок” МФЙ Тинчлик кўчасида жойлашган маъмурий Давлат активларини бошқариш агентлиги балансидаги бино (“Маъмурий ва банк” бино ва иншоотлари)ни ўрнатилган тартибда беғараз асосда топширишини, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қабул қилиб олишини (тасарруфига ўтказиш) таъминлаш.	2020 йил август-сентябрь	<i>топширилиши учун – Давлат активларини бошқариш агентлиги (С. Бекенов) қабул қилинishi учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У.Азамов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
100.	Қуйидаги обьектларнинг номи ва реквизитлари тўғрисидаги маълумотларни даврий равишда янгилаб борган ҳолда халқаро қидиув тизимлари, картография ва навигация хизматлари (электрон карталар, спутниклардан олинган расмлар ва бошқалар) ўз вақтида тақдим қилиб бориши: туристик обьектлар, шу жумладан, автомагистраллар бўйича жойлашган республика кўчалари, обьектлари ва жойлари; туристик обьектлар, шу жумладан, автомагистраллар бўйича жойлашган тадбиркорлик субъектлари фаолияти.	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (A.Абдуллаев), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аққулов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
101.	Республика миқёсида туристик йўл кўрсаткичларини тан олинган халқаро стандартлар ва ягона тизим асосида очиқ тендер асосида тажрибали, шу жумладан хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда ўрнатилишини ташкил қилиш.	2020-2021 йиллар	<i>амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Ганиев Э.), Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А. Аққулов)</i>	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
102.	Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлаштириш воситалари, овқатланиш, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчаларини тез қуриб битириладиган енгил конструкциялар асосида барпо этиш учун тадбиркорларга ер участкаларини қисқа мuddатга (бир йилдан уч йилгача) ижарага бериш	2020 йил август-сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (A. Абдуллаев), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров), Адлия вазирлиги (Р. Даҳлетов), Туризмни</i>	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>

	бўйича алоҳида механизм ишлаб чиқиши. Мазкур механизмнинг ижобий тажрибасини Хонобод шаҳри, Водил қишлоғи, Зомин, Бахмал, Бойсун, Сариосиё, Китоб, Шаҳрисабз, Нурота Ургут, Мўйноқ туманлари ва Сармишсой дараси, ва Судочье кўлининг кирғоқ худудида жорий этиши.	2020-2022 йиллар	ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф. Давруков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	
103.	Туризм намойиш обьектлари ва инфратузилмаларида ҳамда ҳалқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйлаб кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумот акс эттирилган туристик йўл кўрсаткич белгиларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўрнатиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш.	2020 йил давомида	<i>амалга ошириши учун –</i> Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф.Давруков), манфаатдор вазирлик ва идоралар	<i>A. Абдуҳакимов</i>
104.	Хоразм вилоятига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги ташрифи давомида берилган топшириқларига мувофиқ “Ичан қалъа” давлат музейи кўриқхонаси худудида Хоразм вилояти тарихи музейини ташкил этиш ишлари якунлаш жараёнида эканини инобатга олиб, Хива шаҳрининг “Дешан қалъа” худудида Хоразм вилоятининг тарихи билан боғлиқ сайёҳлар учун қизиқарли мавзуда бўлган музей ташкил этиш концепсиясини ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиши.	2020 йил октябрь	<i>ишлаб чиқиши учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.Аккулов), Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров)	<i>A. Абдуҳакимов</i>
105.	Интернетга кенг полосали уланишни тақдим этиши учун ҳалқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўлларини LTE (4G) тўртингчи авлод мобил алоқа тармоқлари билан барқарор қоплаш ва уларнинг тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоралар кўриш.	2021 йил январь	<i>амалга ошириши учун –</i> Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Содиқов), Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<i>A. Абдуҳакимов</i>
106.	“Яндекс-карта” ва “Google Maps” хариталарида	2021 йил	<i>амалга ошириши учун –</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўллари бўйлаб аҳоли ва йўловчиларга хизмат кўрсатадиган турли тадбиркорлик фаолияти объектларининг маълумотларини (манзили, хизмат тури, объектнинг фотосурати) аниқ координатларини кўрсатган ҳолда жойлаштирилишини таъминлаш.	январь	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (<i>А. Абдуллаев</i>), Давлат солиқ қўмитаси (<i>Ш. Қудбиев</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>Ф. Давруков</i>), Коркалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	
107.	Шаҳар ва туманларнинг марказий кўчаларида жаҳон стандартлари асосида велосипед ҳайдовчилари учун алоҳида йўлаклар ташкил этиш. Бунда, ахолининг хавфсиз ва фаол ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратишга ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қатъий амал қилиш.	2021 йил апрель	<i>амалга ошириш учун –</i> Коркалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Курилиш вазирлиги (<i>Б. Закиров</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>Ф. Давруков</i>)	<i>A. Раматов,</i> <i>А. Абдуҳакимов</i>
108.	Ёшлар учун замонавий кутубхона, коворкинг маркази, белул Wi-Fi ҳудуди, журналларга белул обуна, онлайн кутубхоналардан фойдаланиш, вебинар ва тренинглар ўтказиш учун қулайликлар яратилган “Ёшлар туризм лабораторияси”ни ташкил этиш. Бунда, ёшлар томонидан замонавий тарғибот материаллари ва қўлда тайёrlанган маҳсулотлар намуналарини яратиш учун шароит яратиш.	2020 йил октябрь	<i>ташкил этиши учун –</i> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>А. Аққулов</i>), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (<i>А. Жумабоев</i>)	<i>A. Абдуҳакимов</i>
109.	Талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда салоҳиятли туристик маҳаллалар (қишлоклар, овлуллар) ҳудудида камида 20 та оиласидан меҳмон уйларини ташкил этиш ва уларда камида 5 турдаги туристик хизматларнинг кўрсатилишини таъминлаш.	доимий	<i>амалга ошириш учун –</i> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Маҳалла ва оиласидан қўллаб-куватлаш вазирлиги (<i>Р. Маматов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>Ф. Давруков</i>)	<i>A. Абдуҳакимов</i>
110.	Туристлар ташрифлари амалга ошириладиган объектларнинг тегишли кўринишини тартибга	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириш учун –</i> Қорақалпоғистон Республикаси	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	келтириш, шу жумладан маданий мерос объектларига ташриф буюрувчиларни рўйхатга олишининг ягона электрон тизимини жорий этиш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш.		Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси <i>(А. Аққулов),</i> Маданият вазирлиги (<i>O. Назарбеков</i>)	
111.	<p>Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва республиканинг бошқа тадбиркорлик субъектларининг савдо инфратузилмасини халқаро электрон савдо майдончалари инфратузилмаси билан интеграция қилиш мақсадида:</p> <p>халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ўзларининг ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ва асл буюмларини жойлаштириш ва сотиш учун электрон савдо майдончаларининг имкониятларидан фойдаланиш бўйича, шу жумладан хорижда бепул ўқитишни ташкил этиш;</p> <p>маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг ҳунармандлик буюмлари ва сувенир маҳсулотларини халқаро электрон савдо майдончаларида қўйиш;</p> <p>ҳамкорликни йўлга қўйиш ва Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очиш бўйича халқаро электрон савдо майдончалари билан музокаралар олиб бориш.</p>	2020 йил 1 авгуустдан бошлаб доимий равища	<i>амалга ошириши учун – Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов),</i> Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>И. Норқулов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Содиқов</i>), “Ҳунарманд” уюшмаси (<i>У. Абдуллаев</i>)	<i>A. Абдуҳакимов</i>
112.	Зарур инфратузулмани яратиш учун “Uzbekistan Airports” АЖ билан келишган ҳолда халқаро аэропортларга 1 км радиусгача жойлашган бўш ер участкалари ажратилишини таъминлаш.	2020 йил октябрь	<i>амалга ошириши учун –</i> Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<i>A. Абдуҳакимов</i>
113.	Халқаро аэропортларда, биринчи навбатда маҳаллий маҳсулотларни жойлаштириш, шу жумладан алкоголь маҳсулотларини сотиш учун маҳсус павильон ташкил қилган ҳолда божсиз савдо дўконлари («Duty Free») фаолиятини ташкил этиш.	2020 йил декабрь	<i>амалга ошириши учун –</i> Транспорт вазирлиги (<i>Э. Ганиев</i>), “Uzbekistan Airports” АЖ (<i>Р. Исмаилов</i>), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (<i>У. Азамов</i>)	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>

114.	Республиканинг чегара туманларида “Хунарманд”, “Ўзтўкимачиликсаноат”, “Ўзбекзаргар”, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ва “Ўзшаробсаноат” АЖнинг экспортга йўналтириладиган махсулотларининг улгуржи савдо нуқталарини ташкил қилиш.	2020 йил август-сентябрь	<i>ишилаб чиқиши учун – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликини қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) амалга ошириши учун – Давлат солиқ кўмитаси (Ш. Кудбиев), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), “Хунарманд” уюшмаси (У. Абдуллаев), “Ўзбектўкимачиликсаноати” (И. Хайдаров), “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўзбекзаргар” уюшмаси (Д. Саматов), “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Б. Шарипов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
115.	Ипакчилик махсулотлари марказларига туристлар ташрифларини ташкил этиш, уларга виртуал саёҳат қилиш имконини яратиш, ипакчилик махсулотларини электрон савдо платформалари орқали сотиш имкониятларини йўлга кўйиш	2020 йил октябрь	<i>ишилаб чиқиши ва амалга ошириши учун – “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (Б. Шарипов), Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси(Ф.Давруков), Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
116.	“Luxaviation” компанияси ва бошқа шунга ўхшаш хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: вертолет хизматларини тақдим қилган ҳолда, республика туризм намойиши объектлари бўйлаб вертолет маршрутларини ташкил қилиш; барча учиш пунктларида туристларнинг авиация хавфсизлиги учун масъулларни белгилаш; Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида аэроклуб ва унинг ўкув марказини ташкил қилиш.	2020 йил декабрь (мамлакатдаги пандемия шароитидан келиб чиқиб 2021 йил март)	<i>амалга ошириши учун – Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев), Тошкент вилоят ҳокимлиги (Р. Ҳолматов), Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси (У. Азамов)</i>	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>
117.	Тегишли худудларда вертолётларга мўлжалланган майдончалар яратиш учун зарур жой ажратилишини, шунингдек, ер эгаларининг хуқуклари ва қонуний манфаатларини таъминлаган ҳолда аэроклуб ва унинг	2020 йил сентябрь	<i>амалга ошириши учун – Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	ўкув марказини ташкил этишни таъминлаш.			
118.	<p>Жойлаштириш воситаларига қўйиладиган талабларни белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатларга куйидагиларни назарда тутувчи тегишли ўзгартириш киритиш:</p> <p>ҳар бир номерда электрон дастур билан интеграциялашган электрон калитли (пластик магнит карта) электрон қулфларни жорий этиш;</p> <p>“Хавфсиз туризм” ва “Хавфсиз шаҳар” тизимлари билан интеграциялашган видеоокузатув тизимларини ўрнатиш;</p> <p>уч ва ундан юкори тоифадаги (юлдуз) меҳмонхоналарда мажбурий, бошқа турдаги жойлаштириш воситалари учун тавсиявий характердаги миллий хунармандчилик маҳсулотларини сотиш нукталарининг мавжудлигини белгилаш.</p> <p>Бунда тадбиркорлик субъектларига юкорида кўрсатилган талабларни бажариш учун камида олти ой вақт берилишини назарда тутиш.</p>	2020 йил декабрь	<i>амалга ошириши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Сатторов), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобоҷонов)</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
119.	Мамлакатнинг кўшни давлатлар билан Фиштқўприк, Олот, Шовот, Дўстлик, Ойбек ва Жартепа чегара ўтказиш нукталарида туристларни чегарадан тезкор ўтиш механизmlарини (“яшил йўлак” ва “Fast Track” хизмати) санитария-эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда жорий этиш бўйича асослантирилган таклиф киритиш.	2020 йил ноябрь	<i>ишилаб чиқиши ва келишиши учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аккулов), Давлат божхона қўмитаси (M. Азимов), Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшиллари</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>
120.	<p>Куйидагиларни амалга ошириш орқали анклав худудларга кўшни мамлакатлар ва учинчи давлат фуқаролари учун саёҳат ташкил қилиш имкониятларини ўрганиш:</p> <p>анклав худудга туристик йиғналишлар асосида кўп марталик визалар бериш масаласини кўриб чиқиш; кўшни мамлакатлар билан анклав худудларга</p>	2021 йил апрель	<i>ишилаб чиқиши ва келишиши учун – Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Транспорт вазирлиги (Э. Ганиев)</i> <i>амалга ошириши учун – Туризмни</i>	<i>A. Абдуҳакимов</i>

	максус белгига ва чегарадан ўтишда устувор хуқукқа эга бўлган туризм соҳаси субъектларининг транспорт воситалари орқали турларни ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш; кўшни мамлакатларнинг анклав худудларига саёҳатларни ташкил қилувчи туроператорлар рўйхатини шакллантириш; анклав худудларга қўшма саёҳат дастурларини ишлаб чиқиш; ушбу турдаги саёҳатларни вертолет орқали амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш.		ривожлантириш давлат қўмитаси (A. Аққулов), Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), тадбиркорлик субъектлари	
121.	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан “Андижон туризмни ривожлантириш жамғармаси”га 5 млрд. сўм маблагни ўтказиш.	2021 йил (туризм йиғими тиклангандан сўнг)	<i>амалга ошириш учун – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (У. Азамов)</i>	A. Абдуҳакимов
122.	Мамлакатда фукаро авиаташишларини амалга оширувчи камида 5 та янги резидент авиакомпаниялар ташкил этиш таъминлаш.	2023 йил февраль	<i>амалга ошириш учун- Транспорт вазирлиги (Э.Ганиев), Молия вазирлиги (Т. Ишиметов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов)</i>	A. Раматов, A. Абдуҳакимов
123.	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Йўл бўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 793-сон қарорига мувофиқ жамоат максадларига мўлжалланган ва кеча-кундуз ишлайдиган, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гиgiene шохобчалари билан жиҳозланмаган АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларнинг фаолият кўрсатишига йўл кўймаслигини ташкил этиш.	2020 йил 1 сентябрдан	<i>амалга ошириш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлклари, Санитария-эпидемиология ва осойишталик агентлиги (Б.Юсупалиев), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (М.Абдуллаев), Монополиядан чиқариш қўмитаси (Н.Шарипов), Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Ф.Давруков)</i>	A. Раматов, A. Абдуҳакимов
124.	Республиканинг тоғли худудлари мавжуд вилоятлари (шаҳарлари)да 5-7 та дан осма дор йўли (канатка), тоғли худуди бўлмаган вилоятлари	2020 йил 1 декабрь	<i>амалга ошириш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва</i>	A. Абдуҳакимов

	(шахарлари)да 2 та дан осма айланма дор йўли (канатная дорога) ташкил қилиш жойлари (дор йўли харитаси, узунлиги, туташ хуҳудларида туризм ва хизмат турларини ривожлантириш) ва шу мақсадда ерларни узоқ муддатли ижарага бериш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига киритиш.		вилоятлар ҳокимликлари	
125.	Республиканинг шаҳар ва туманларидаги тарихий маданий мерос обьектлари жойлашган худудларда “Туризм кўчаси”, “Туризм маҳалласи” ташкил қилиш бўйича молиявий манбааларини кўрсатган ҳолда аниқ таклифларни шакллантириш ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига киритиш.	2021 йил 1 январь	<i>амалга ошириш учун –</i> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари	<i>A. Раматов, A. Абдуҳакимов</i>

**Туризм соҳасида амалга ошириш тавсия қилинадиган
инновацион бизнес ғоя ва стартаплар
РЎЙХАТИ**

№	Бизнес ғоя номланиши	Бизнес ғоя тавсифи
1.	“Zipline” аттракциони	Пўлат арқонда тезкор тушиш, тушиш вақти – 25 секунддан 60 секундгача (одатда тепалик ва манзарали жойларда ташкил қилинади).
2.	“Аэроқувур” аттракциони	Кувурда ҳавони ҳайдаш йўли билан одам ҳавода муаллак туришига имкон берувчи, ҳавода катта тезлик билан ҳаракатланиш таъсирини яратувчи аттракцион ташкиллаштириш.
3.	“Зорбинг-марказ” аттракциони	Шаффоф шарда (зорб) тепаликдан тушиш ёки шу шар ичидаги сув ҳавзасидан сузуб ўтиш.
4.	“Жон сақлаш” курсларини ташкил қилиш	Чўл ва тоғларда ёввойи табиатда жон сақлаш усулларини ўргатувчи турлар ташкил қилиш.
5.	“Макажӯхори лабиринти”	Маккажӯхори далаларида йўллар тармоғи яратилади ва гурухлар, оиласалар ва ишчи жамоалар томонидан ўтиш учун квестлар ташкил қилинади.
6.	“Роупджампинг” ва “банджи-джампинг”	Катта баландликдан сакровчининг оёғига чўзилувчи узун аркон боғлаган холда сакраш.
7.	Ов туризми	Ёввойи ҳайвон ва күшларга ов ўтказиш мақсадида саёҳатлар ташкил қилиш. Катта бўлмаган худудда, ўлжа олишни кафолатловчи ихоталаган жойларда ов ташкил қилиш.
8.	“Агротуризм маркази” яратиш	Фермерлар ва дехқон хўжаликлари томорқаларида мева ва сабзовотлар етиштириш, териб олиш ҳамда чорвага ем бериш, сайр қилдириш ва бошқа ишлар давомида туристлар учун енгил жисмоний меҳнатда иштирок этиш имкониятини яратиш.
9.	“Балиқчилик” мактаби	Сув ҳавзалари ёки дарёларда туристларга балиқ тувишни ўргатиш ва тур ташкил этиш.
10.	“Шум бола” тури	Ғафур Гуломнинг “Шум бола” асарида тасвирланган ҳамда шу номли фильмда кўрсатилган жойлар бўйлаб саёҳат.
11.	“Ўз дарахтингни эк ва сайёрани кутқар” тури	Туристлар томонидан Орол денгизининг куриган жойларига саёҳат қилиш ва дарахт экиш.
12.	“Чой маросими”	Чойни истеъмол қилиш, етиштириш ва ишлаб чиқиш тарихи билан таништириш, унинг фойдали хусусиятларини ҳамда чойни дамлаш ва ичиш жараёнини намойиш қилиш.

13.	“Караванинг”	Саёхат учун маҳсус жихозланган фургон кўринишидаги ғилдиракли уйни ижарага бериш.
14.	Велотурлар	Велосипедларда яқин ва узок масофаларга турлар ташкил қилиш.
15.	Сувенир ва эсдалик совғаларни яратиш	Мамлакатнинг машҳур миноралари кўринишидаги қалам ва ручкалар, республиканинг тарихий жойлари мозаик расмларидан кубик-рубиклар тайёрлаш. Машҳур туризм обьектлари шаклида ёки уларнинг расмларидан фойдаланган ҳолда ширинликтар тайёрлаш.
16.	“Ош” музейи	Ош тўғрисидаги, уни турли ҳудудларда тайёрлаш усуллари тўғрисида қизикарли фактлар берувчи оммавий тақдимот ташкил қилиш, машҳур одамлар фикрлари берилган пештахталар яратиш, шунингдек ош тайёрлаш жараёнида иштирок этиш имкониятини яратиш.
17.	“Ҳаёлот ва бошқотирмалар” музейи	Қуюнли туннелдан ўтиш, нурли эффектлар, антигравитация хоналари хизматларини кўрсатувчи музей ташкил қилиш. Музей қошида бошқотирмалар ва иллюзиялар билан боғлиқ турли маҳсулотлар сотилувчи аклли дўкон очиш мумкин.
18.	Ижод дўкони	Қўлда тайёрланган, индивидуал хусусиятга эга, киёси йўқ муаллифлик ва дизайннерлик буюмлари савдосини ташкил қилиш.
19.	“Ибн Сино” чойхонасини яратиш	Ибн Сино ва бошқа табиблар китобларида келтирилган рецепсларга асосан яратилган ичимликлар тайёрланувчи чойхона ташкил қилиш.
20.	Металлоломдан ҳайкаллар яратиш	Металлолом ва бошқа материаллардан ҳайкаллар яратиш ва уларни онлайн музейларга жойлаштириш. Яратувчиларни рағбатлантириш мақсадида ҳар бир ҳайкални индивидуал рақам билан рўйхатга олиш ва шу рақам орқали музейга ташриф буюрувчилар интернет орқали пул маблағлари ўтказишлари мумкин.
21.	Театрдан ташқари томошалар	Туристлар учун сайёр томошалар, шу жумладан тарихий саҳналарни мамлакатнинг тарихий ва туризм обьектларида ташкил қилиш ва ўтказиш, жамоат жойларида машҳур спектакллардан парчалар кўрсатиш.
22.	“Аватар” орқали узок масофадан саёхат хизматлари	Ер шарининг қайсиdir жойида турувчи бошловчи (Avatar) уни бошқарадиган томошабин (User) учун эшилтириш олиб бориш имконини берувчи дастур яратиш. Бунда томошабин интернет тармоғи

		орқали экраннинг нариги томонида унинг қаҳрамони билан бўлаётган барча воқеаларни эшигади ва кўради. Дастур жисмоний ёки молиявий имкониятлари чекланганлиги сабаб саёҳат қила олмайдиганлар учун шаҳар ёки мамлакат бўйлаб экскурсиялар олиб бориш ва тажриба алмашиш имкониятини беради.
23.	Электрон гид	Тарихий объектга кириш жойида хорижий туристларга уларнинг она тилида объект тарихи ва у тўғрисида кизикарли фактлар тўғрисида сўзлаб берувчи маҳсус жихоз тақдим қилиш.
24.	Вемыguest (“Менинг меҳмоним бўлинг”) онлайн порталини яратиш	Чет эллик туристларга тунаш учун жой беришга тайёр бўлган қишлоқ ва шаҳар ташқарисида яшовчи аҳоли эълонлари учун онлайн портал. Ушбу хизмат мустақил ва “backpacker” туристлари учун осон ва арzon жой топиш ва ўзбек турмуши билан яқиндан танишиш имконини беради.
25.	Carpool онлайн порталини яратиш	Бепул ёки арzon транспорт излаш учун онлайн портал. Сайтда ёки иловада хусусий енгил автомобил хайдовчилари аниқ бир вақтда маълум йўналиш бўйлаб юришлари ва машинада канча бўш жой борлиги тўғрисида маълумот қолдирадилар. Маҳаллий ёки хорижий туристлар ушбу хизматдан бекорга, кичик ҳақ эвазига ёки ёнилғи учун харажатни қоплаган ҳолда фойдаланишлари мумкин.
26.	“Капсул хостели”ни ташкиллаштириш	Фақатгина ухлаш ёки ноутбукда ётган ҳолда ишлаш имконини берувчи 1,5 м*2 м*1,3 м ҳажмдаги бир нечта ячейкалардан иборат хостел.
27.	Велорикшаларда экскурсиялар ташкил қилиш	Экскурсоводлар стандарт хизматларини велосипедларни ижарага бериш нукталари билан бирлаштирувчи велорикшаларда экскурсиялар уюштириш.
28.	Ҳаво шарларида экскурсиялар ташкил қилиш	Тарихий жойлар бўйлаб ёки очик табиатда ҳаво шарларида экскурсиялар уюштириш.
29.	“Олов томошалари” ёки “фаер-шоу” ўтказиш	Оловдан фойдаланган ҳолда кўчада томошалар қўйиш, шунингдек оловдан ижодий гояларни амалга ошириш учун фойдаланиш. Олов томошалари, одатда, олов театри деб номланувчи бир неча артистлардан иборат гурӯҳ томонидан ижро этилади.
30.	Пейнтбол	Нишонга текканда ёрилиб рангга бўяйдиган бўёкли шарларни (желатин қопламали майший бўёқ) отувчи маркерлардан (пневматик восита) фойдаланган ҳолда жамоавий ўйин ташкил қилиш.

31.	Лазертаг	Юқори технологиялы зарарсиз лазер воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган пейнтбол форматидаги жамоавий ўйин ташкил қилиш.
32.	Роллер-дром	Роллерда учувчилар учун турли хил қияликлар ва хар хил баландликдаги деворларга эга бўлган маҳсус жиҳозланган платформа.
33.	Велодром	велосипедда машқ қилиш ва мусобака юютиришга мўлжалланган иншоот
34.	Картинг	Спорт ва хордиқ чиқаришнинг бир тури, “карт”да (кузовсиз энг оддий пойга автомобиллари) пойга ташкил қилиш.
35.	Кузатув минораси	Теварак атрофни юқоридан томоша қилиш ва фото/видеосуратлар олиш учун маҳсус жиҳозланган минора.
36.	Флайбординг	Сув оқимининг реактив кучи ҳисобига ҳаракатга келтирилувчи маҳсус тахтачада (доска) парвозни назарда тутувчи экстремал спор тури

Изоҳ: Рўйхатга, зарур ҳолатда, Туризмни ривожлантириши бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
19-илова

**Туарар-жойларни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрини
юритиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом амалдаги автоматлаштирилган маҳсус электрон дастурда (кейинги ўринларда – Дастур) ижарага бериладиган туарар-жойлар ва яшовчилар ҳисобини юритиш, шунингдек, уларни сертификатлаштириш ва Туарар-жойларни ижарага беришнинг ягона реестрини юритишнинг тартибини белгилайди.

Ушбу Низом:

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган, туристларга ўттиз кунгача ижарага бериладиган туарар-жойларни рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик қилишга;

қўйидаги ҳолларда жисмоний ва юридик шахслар тасарруфидан бўлган, туристларга ўттиз кунгача ижарага бериладиган туарар-жойларни рўйхатдан ўтказишида;

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрувчи туристларни ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатга вақтинча рўйхатдан ўтказишида, худудий ички ишлар органларига мурожаат қилиш ҳоллари бундан мустасно;

туристларга ижарага бериладиган туарар-жойларни, шу жумладан ижарачиларни соликка солиш ва туристларни турган жойи бўйича ўттиз кунгача вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун туарар-жойларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишга;

ижарага бериладиган туарар-жойларни сертификатлаштиришга татбиқ этилади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аризачи – ижарага бериладиган туарар-жойнинг эгаси (жисмоний ёки юридик шахс) ёки Туарар-жойларни ижарага беришнинг ягона реестрига киритиш учун мурожаат қилган мулкдорнинг бошқа ваколатли шахси;

туарар-жой эгаси (кейинги ўринларда – ижарага берувчи) – туарар-жойнинг ижарага берувчиси сифатида Туарар-жойларни ижарага беришнинг ягона реестрига киритилган шахс;

туарар-жой – жисмоний шахсларнинг вақтинча яшашлари учун мўлжалланган, белгилangan санитария, ёнфинга қарши, техник ва бошқа талабларга жавоб берадиган кўп квартирали уйлардаги хонадонлар, уйлар;

Туарар-жойларни ижарага беришнинг ягона реестири (кейинги ўринларда – Реестр) – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш

давлат қўмитаси хузуридаги “Туризм хизматларни сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан юритиладиган ижарага бериладиган Туар-жойлар тўғрисида маълумотлар базаси.

3. Туар-жой эгалари, фақат туар-жойни Реестрга киритилгандан сўнг ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлади, меҳмонхона хизматларига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4. Туар-жойни Реестрга киритиш тартиби ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Ижарага бериладиган туар-жой белгиланган норматив талабларга жавоб бериши лозим.

6. Туар-жой ижараси электрон шаклда Дастур орқали амалга оширилади.

2-боб. Туар-жойни сертификатлаш ва Реестрга киритиш

7. Туар-жойни сертификатлаш ва Реестрга киритиш аризани Дастурда рўйхатдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

8. Аризачи туар-жойни сертификатлаш ва Реестрга киритиш учун Интернет бутун жаҳон аҳборот тармоғида онлайн режимда Дастур орқали ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича қуидаги хужжатларни илова қилган ҳолда ариза беради:

аризачининг паспорт маълумотлари – жисмоний шахслар учун;

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси – тадбиркорлик субъектлари учун;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқининг давлат реестридан кўчирма.

Бунда аризачилар паспорт тизими қоидаларини бузганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳатти-харакатларни содир этганлиги учун жавобгар бўлади.

9. Аризачидан мазкур Низомда назарда тутилмаган хужжатлар ва маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Реестрни юритиш туар-жой эгасига реестр рақамини берган ҳолда туар-жой эгаси (ижрага берувчи), ижарага бериладиган туар-жой ва ижарачи тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритишни назарда тутади.

Реестр маълумотлар базаси онлайн режимда янгиланади.

11. Реестр Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ҳолда электрон шаклда юритилади.

12. Ижарага бериладиган туар-жойларни сертификатлаштириш соддалаштирилган ҳолда уларни Реестрга киритиш йўли билан амалга оширилади.

13. Ҳаққоний бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этгани учун аризачи қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. Марказ ариза ва унга илова қилинган хужжатларни олган кунидан бошлаб уларни бир иш куни давомида ўрганиб чиқади, ўрганиш натижалари юзасидан тураг-жойни Реестрга киритади ва бу ҳакида аризачига автоматик режимда QR-код саноқли тизимидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда билдирилади.

Бунда ёнғин ва санитария-гигиена хавфсизлигини таъминлаш ижарага берувчининг зиммасига юклатилади.

Ижарага берувчи тураг-жойдаги санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидалари тўғрисида ижаракини мажбурий тартибда хабардор қиласи ва зарур ҳолларда икки ёки ундан кўп хорижий тилларда ёнғин хавфсизлиги чоралари тўғрисида эслатмалар (йўриқномалар) ўрнатилишини таъминлайди.

15. Ишончсиз ва (ёки) нотўғри хужжатлар тақдим этилган шунингдек, ижарага бериладиган тураг-жойнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Марказ бир иш куни ичида аризачига аниқ номувофиқликлар ва унинг давомида аризачи белгиланган номувофиқликларни бартараф қилиш ва қайта кўриб чиқиш учун хужжатларни тақдим этиш хуқуқига эга бўлган муддатни (икки ойгача) кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда билдириш хати юборади.

16. Белгиланган муддатда аризачи томонидан Реестрга киритиш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, бир иш куни давомида хужжатларни қайта кўриб чиқиш амалга оширилади. Ўрганиб чиқиш натижалари юзасидан Марказ тураг-жойни Реестрга киритади ва бу ҳакида аризачига автоматик режимда QR-код саноқли тизимидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда билдиради.

Қайта кўриб чиқишида Марказ томонидан мукаддам аризачига билдириш хатида баён этилмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

17. Аризачи томонидан Реестрга киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги билдириш хатида кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан кейин топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва Марказ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

18. Реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қуйидагича йиғим:

жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) учун – ҳар бир тураг-жой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун – ҳар бир тураг-жой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баровари миқдорида ундирилади.

Реестрга киритиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш учун йиғим Дастур орқали автоматик режимда ундирилади.

Йиғим миқдори Марказнинг маҳсус хисоб рақамига ўтказилади.

Ушбу банднинг талаблари нотижорат мақсадларда ижарага туарар-жой берадиган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда Дастур орқали нотижорат сифатида белгиланган ҳолда, тижорат мақсадларида ижарага берувчи туарар-жой эгаларини аниқлаш амалга оширилади ва ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган тартибда хабардор қиласи.

19. Туарар-жой эгалари ва чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари, туристик йиғимни тўлаш тизими, туарар-жойни ижарага бериш муддати, шунингдек, қонунчилиларни оширилади ва ушбу Низомнинг шартлари ва талаблари бузилганлиги тўғрисида ижарага берувчиларни аниқлаш ҳамда хабардор қилиш Дастур орқали амалга оширилади.

20. Туарар-жойни ижарага бериш муддатлари (йилига 120 кундан ортиқ) ошиб кетганлиги борасида жисмоний шахсларни тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиш зарурлигини хабардор қилиш дастур орқали амалга оширилади.

Туарар-жой эгалари уч кун ичида рўйхатдан ўтишлари ва ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган маълумотларни киритишлари лозим.

Ушбу бандда кўрсатилган муддат ўтиб кетгандан кейин киритилган маълумотлар янгидан топширилган хисобланади ва Марказ томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

21. Реестрга аввал киритилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, туарар-жой эгалари бундай ўзгариш юзага келган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, Марказга маълум килишлари ёки онлайн режимда Дастур орқали Реестрга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тегишли ўзгаришишларни мустакил равишда киритишлари шарт.

22. Реестрдан кўчирмани қайта расмийлаштириш ва бериш қуйидаги ҳолларда ариза келиб тушган кунидан бошлаб бир иш куни мобайнида амалга оширилади:

аризачининг паспорт маълумотларидаги ўзгаришлар – жисмоний шахслар учун;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги ўзгаришлар – тадбиркорлик субъектлари учун.

Кўчирмани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган йиғимнинг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

23. Туарар-жойни Реестрдан чиқариш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

агарда туарар-жой бир йил давомида ижарага берилмаган бўлса;

аризачи томонидан Дастурга ишончсиз маълумотлар (қалбаки хужжатлар) киритилганда;

турар-жой эгаси томонидан Реестрдан ихтиёрий равиша чиқариш тўғрисида ариза берилса;

турар-жой эгаси томонидан ушбу Низомнинг шартлари ва талаблари бажарилмаса;

турар-жой эгаси – юридик шахснинг фаолияти тугатилса ёхуд тўхтатилса;

жойлаштириш воситалари томонидан норматив хужжатлар талабарининг сурункали равиша бузилиши ҳолатлари аниқланса.

24. Марказ Реестрдан берилган ва қайта расмийлаштирилган кўчирмалар, шунингдек, Реестрдан чиқарилган турар-жойлар тўғрисидаги маълумотларнинг долзарб ҳолатда электрон шаклда сакланишини ва ўзининг бутун жаҳон Интернет бутун жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтида онлайн режимда эълон қилинишини таъминлайди.

Марказ реестрдан чиқарилган ва қайта расмийлаштирилган кўчирмалар, шунингдек реестрдан чиқарилмаган маълумотларнинг электрон кўринишда янгиланишини ва Интернет бутун жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтида эълон қилинишини таъминлайди.

З-боб. Тураг-жой эгасининг белгиланган талабларга риоя қилишини мониторинг қилиш

25. Марказ томонидан қуйидаги мақсадларда турар-жой эгаларининг ижарага беришнинг қонунчиликда назарда тутилган талаблари бажарилиши устидан мониторинг олиб борилади:

турар-жой эгалари томонидан белгиланган талабларнинг бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

турар-жой ва уларда кўрсатиладиган хизматларнинг жойлаштириш воситаларига доир норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш;

турар-жой эгаларининг ижарага берилган турар-жойда яшаш сифати ва хавфсизлигига таъсир қилиши мумкин бўлган инсофисиз ахлоқи ва ноҳақ харакатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

Реестрга киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш.

Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ёнгин хавфсизлиги талабларига амал қилиш, газ ва электр курилмаларининг хавфсиз ишлатилиши юзасидан ўрганишларни амалга ошириши мумкин.

26. Мониторинг:

Тураг-жойларнинг “Туристик хизматлар, Жойлаштириш воситалар ва умумий талаблар” бўйича давлат стандартида белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш;

Туар-жой ижарачиларини Марказ томонидан тасдикланган шаклда анкеталаштириш йўли билан амалга оширилади.

4-боб. Туар-жой эгалари ва Марказнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

27. Туар-жой эгалари қуйидаги хуқуқларга эга:

туар-жойни ўз ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикасининг туар-жой тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган меъёрлар доирасида тасарруф этиш;

туристларга туар-жойни ушбу Низомда белгиланган тартибда уни Реестрга киритиш йўли билан ижарага бериши мумкин.

28. Туар-жой эгалари қонунчиликка мувофик бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Марказ ушбу Низомда кўзда тутилган талабларнинг бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида қоидабузарлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлардатурар-жой манзилига аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш учун аник муддатлар кўрсатилган ҳолда бажарилиши мажбурий бўлган огоҳлантириш юбориш хуқуқига эга.

29. Туар-жой эгалари:

ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиши;

туар-жойда санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативлари, шунингдек, эпидемияга қарши ва ёнгин хавфсизлиги, газ ва электр қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

Реестрга киритилган маълумотлар ўзгарганлиги, шунингдек, ўз фаолиятини тутатганлиги тўғрисида уч иш куни ичida Марказни хабардор қилиши;

яшовчилар томонидан жамоат тартиби меъёрлари бузилган ҳолларда жойлардаги хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро боғланиб харакат қилиши шарт.

туар жой эгалари қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Марказ:

вақтингачалик яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби билан таништириш учун профилактика ва тушунтириш ишлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкиллаштириши;

манфаатдор давлат органлари билан ҳамкорликда Туар-жой эгаларини фавқулодда вазиятлардаги харакатлар тартиби билан таништириши;

туар-жой эгаларини туризм соҳасидаги меъёрий-хукукий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида хабардор қилиб бориши;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ижарага берувчи ва ижарчилар билан ўзаро муносабатлар соҳасига фаол равишда жорий қилиб бориши лозим.


Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоида

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Туарар-жойни ижарага беришнинг Ягона электрон
реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Туарар-жойни Реестрга киритиш
СХЕМАСИ**



*)Реестрга киритишни рад этиш тўғрисида Марказнинг карори қабул килинган холатларда аризачи 3 ва 4-босқичлардан ўтади.

Туар-жойни ижарага беришнинг Ягона электрон
реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Туар-жойни ижарага беришнинг Ягона реестрга киритиш учун ариза

1. _____
(аризачининг тўлиқ номи)
манзил бўйичашуни маълум қиладики,
(Туар-жой манзили (хонадон, уй)

у томонидан кўрсатаётган хизматлар: _____
(хоналар ва ётиш сони)

O‘z DSt 3220 талабларига жавоб беради ва уни Туар-жойни ижарага беришнинг ягона
реестрига киритишни сўрайди.

2. Шахсий маълумотлар:

Аризачининг манзили: _____
телефон рақами: _____
Электрон почта манзили: _____

**3. Аризачи O‘z DSt 3220 талабларига ва қонунчиликда белгиланган шартларга риоя
қилишга мажбур.**

4. Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

жисмоний шахслар учун – паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш
руҳсатномасининг нусхаси;
юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома
нусхаси;
ижарага бериладиган мулк ҳукуки хужжатларининг нусхаси.

(аризачининг тўлиқ номи)

(аризачининг шахсий имзоси)

20 ____ й. “____” _____
(санаси)

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
20-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 5-банди биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи “туризм операторлари” сўzlари “туроператорлар ва турагентлар” сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 йил, 11-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Уй-жой-коммунал хизматлари қўрсатиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги вактинчалик низомнинг иловасига қўйидаги мазмундаги 7-банд қўшилсин:

“Бир вақтнинг ўзида 10 кишидан кўп бўлмаган шахсларга меҳмонхона хизматларини қўрсатиш”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 йил, 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида:

а) 37-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ 37. Оилавий меҳмон уйлари ва хостелларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш ”;

б) 80-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“ 80. Туристик фаолият – турагентлик ва экскурсия хизматлари, шунингдек, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ”; ва йўриқчи-йўл бошловчилар хизматлари ”;

в) қўйидаги мазмундаги 86-банд қўшилсин:

“ 86. Туристларга уй-жойни қисқа муддатга ижарага бериш ”; (30 кунгача) ”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 мартағи 137-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 27-модда):

а) 1-илованинг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш;

б) туризм инфратузилмаси объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг лойихаолди хужжатларини тайёрлаш;

в) туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан соҳавий хорижий ўқув марказларида ва таълим муассасаларида стажировкалардан ўтиш;

г) худудлардаги салоҳиятли туризм обьекти ва масканларини бирламчи чораларни кўрган ҳолда туристлар ташрифи учун тайёрлаш ва уларни тарғиб қилиш;

д) Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини чет эл туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича ташкилий ва реклама-ахборот тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида мақсадли рекламалар, мақолалар ва бошқа материалларни жойлаштириш;

е) хорижий туризм ярмаркаларида, кўргазмаларда, лойиҳалар ва дастурларда қатнашиш;

ж) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон Туристик Ташкилоти (ЮНВТО)га аъзолик бадаллари тўлаш;

з) Кўмита, шу жумладан унинг ҳудудий бошқармалари ва “Ипак йўли оғиси” УК фаолиятини молиялаштириш, вакиллик харажатлари ва совғалар харид қилиш;

и) Кўмита ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-куватлаш;

к) Кўмита томонидан давлат унитар корхоналарининг устав жамғармаларини шакллантириш ҳамда тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида уларнинг уставларига мувоғиқ улар томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) учун тўлов;

л) Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида туризм тармоғини ривожлантириш учун жалб этилган кредитларни ва улар бўйича фоизларни кайтариш;

м) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг давлат унитар корхоналарига авиачипталар харид қилиш, хизмат сафарлари харажатларини қоплаш, аъзолик бадалларини тўлаш, хорижий адабиётлар харид қилиш ва конун хужжатларида назарда тутилган хорижий валютадаги бошқа харажатларга ҳақ тўлаш учун хорижий валютада маблағлар ажратиш;

н) Туризмни ривожлантириш институти ҳамда Конгресс ва кўргазмалар маркази фаолияти молиялаштириш;

о) “Туризм фидойиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаларини тайёрлаш ҳамда туризм соҳасини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

п) нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш, улар фаолиятини рағбатлантириш,

туризм соҳасидаги лойиҳаларга грантлар ажратиш, шунингдек, фаолияти туризм соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлган жамоат ташкилотларининг халкаро ташкилотларга аъзолик бадалларини Кўмита раисининг қарори билан тўлаб бериш;

р) Ҳукумат топшириклари асосида туризм соҳасидаги тадбирлар билан боғли бўлган харажатларни молиялаштириш (коплаш);

с) туризм соҳасида тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан ёш тадбиркорларни рағбатлантириш. Мазкур рағбатлантириш шартлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан белгиланади;

т) Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини ташқи бозорларга ва республика ҳудудида ҳар чоракда қўйидаги ҳисоб ракамларга маблағлар ўтказиш орқали илгари суриш:

Жамғармага ўтган чорак якунлари бўйича тушган умумий маблағларнинг – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Миллий PR-марказ” ДУКга – 20 фоизи микдорида;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига ўтган чорак мобайнида тегишли ҳудуддаги жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган хорижий фуқароларнинг тунаб қолиш сонига мутаносиб равишда – 5 фоиз микдорида;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига қўшни давлатлар, МДҲнинг бошқа давлатлари ва узоқ хориж мамлакатларидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республикага келган хорижий фуқаролар сонининг ўсиши асосида – 10 фоизи микдорида. Ажратмалар микдори Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг қарори билан уларнинг иш самарадорлигига караб ўзгартирилиши мумкин;

у) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар (дипломатик ваколатхоналарнинг ҳисобига тўғридан-тўғри хорижий валютада пўл ўтказиш йўли билан), шу жумладан, В2В учрашувлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан тасдиқланган дастурлар асосида хорижий делегация вакилларининг харажатларини коплаш;

ф) Жамғармага келиб тушадиган барча маблағларнинг 10 фоизини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармасига ўтказиш”;

б) 2-иловада:

2-банднинг еттинчи хатбошисига “хорижий фуқаролар томонидан” сўзларидан кейин “тижорат банкларининг филиаллари, туристик ахборот марказлари ва электрон ахборот тизимлари орқали” сўзлари қўшилсин;

4-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“туристик (мехмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, жойлаштириш воситаларида яшовчи жисмоний шахслар ва жойлаштириш воситаларида мустақил саёҳат қилувчи сифатида рўйхатдан ўтган фуқароларнинг сонини, уларнинг яаш кунлари сонини ҳамда Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим бўлган миллий валютадаги миқдори ҳисобини юритишга;

жойлаштириш воситаларида яшовчиларнинг ҳисобини юритиш маҳсус электрон автоматлаштирилган дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) қўллаган холда туристик (мехмонхона) йиғим ундирилиши лозим бўлган, амалда яшаётган жисмоний шахслар ва жойлаштириш воситаларида мустақил саёҳат қилувчи сифатида рўйхатдан ўтган хорижий фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни Кўмитага ўз вактида тақдим қилишга”;

иловада:

“Жойлаштириш воситалари” графасининг “Якка тартибдаги жойлаштириш воситалари, жумладан” позициясидан “ўтов” сўзи чиқарib ташлансин;

“Жойлаштириш воситалари” графасининг “Оилавий меҳмон уйлари” позициясига “ўтов” сўзи қўшилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 4-сон, 77-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ташки сектори статистикасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида:

а) 3-иловадаги “туристическая” сўzlари “отдых и досуг” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 4-иловадаги “туристическая” сўzlари “отдых и досуг” сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низомнинг:

17-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“17. Вилоятлардаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийлар, дам олиш уйларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келиб жойлашган вактда, уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган хужжатлар асосида “E-Mehmon” автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш орқали амалга оширилади.

26-бандининг 3-хатбоисидаги “12 соат мобайнида” сўzlари “улар келиб жойлашган вактда” сўzlари этиб ўқилсин.

б) Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вактинча прописка қилиш тартиби тўғрисида Низомнинг 28-банди

2-хатбоисидаги “12 соат мобайнида” сўзлари “улар келиб жойлашган вактда” сўзлари этиб ўқилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги “е” кичик хатбоши билан тўлдирилсин:

“е) туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳудудларида бўш ер участкаларининг рўйхатини тузиш, кейинчалик уларни тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга бериш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади;”;

“е” кичик хатбоши “ж” хатбоши деб ўқилсин;

б) Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида Низомда:

10-банд қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳудудларида бўш ер участкаларини аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга келишиш учун, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиаллари ер участкасини захира олиш учун юборади.

Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ижобий қарори асосида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳудудларида бўш ер участкалари “YERELEKTRON” ААТда “Давергеодезкадастр” қўмитаси органлари томонидан беш иш кунида захирага олинади. Захирага олинган ер участкаларида туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишлари ташкил этилади ва “YERELEKTRON” ААТда таклиф ташаббус қилинади. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан “YERELEKTRON” ААТда таклифлар ташаббус қилинганида “Давергеодезкадастр” органлари томонидан беш иш куни мобайнида қонунчиликда назарда тутилган зарур материаллар тайёрланади. Бунда ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.”;

20-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Туман (шахар) ҳокимлиги беш иш кунида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш худудларида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қорқалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташки савдо бошқармалари билан келишган ҳолда, ер участкаларига инвестиция киритиш мажбуриятларини белгилайди.”.

в) “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимида уланадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар Рўйхати қуйидаги мазмундаги “14” позиция билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси.”;

14 позиция 15 позиция деб ўқилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳакидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисида “топ-50 меҳмонхона брендларидан” деган сўзлардан кейин “ёки топ-5 меҳмонхона тармоқларидан” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 9-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“меҳмонхона шартнома асосида бошқа юридик шахсга ишончли бошқарувга берилган ҳолларда – инвестор ва ишончли бошқарувчи ўртасида белгиланган тартибда тузилган мол-мулкни ишончли бошқариш тўғрисидаги шартнома нусхаси;

Кўмита хузуридаги “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” ДУК томонидан аризачига, меҳмонхона ишончли бошқарувга берилган ҳолларда – ишончли бошқарувчига тақдим этилган 3 ёки 4 юлдузли меҳмонхона тоифаси кўрсатилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси”;

г) 10-банднинг биринчи хатбошисига “инвестор” сўзидан кейин “ёки ишончли бошқарувчи” сўзлари қўшилсин;

д) в) 19-банднинг:

биринчи хатбошисида: “топ-50 рейтингига” деган сўзлардан кейин “ёки топ-5 меҳмонхона тармоқларига” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“«Brand Finance» компаниясининг топ-50 рейтингига ёки топ-5 меҳмонхона тармоқларига кирувчи меҳмонхона билан франчайзинг тўғрисида шартнома тузилгандан сўнг ушбу меҳмонхона топ-50 рейтинг ёки топ-5 меҳмонхона тармоқлари рўйхатидан чиқарилган тақдирда,

франчайзинг шартнома ўз кучини йўқотмаган бўлса ҳам, топ-50 рейтинг ёки топ-5 меҳмонхона тармоқлари рўйхатидан чиқарилгани эълон қилинган йилдан кейинги йил учун қисман молиялаштириш давом эттирилиши тўхтатилади.”;

д) 38-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“38. 3 ёки 4 юлдузли тоифага эга бўлган меҳмонхона учун субсидия ажратилган даврдан бошлаб 5 йилдан кам бўлмаган муддатда меҳмонхонанинг камида ушбу тоифага эгалиги меҳмонхона ишончли бошқарувга берилганлигидан қатъий назар, инвестор томонидан таъминланиши лозим, акс ҳолда ажратилган субсидия Давлат бюджетига қайтарилади”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “10” июлдаги 433-сон қарорига
21-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РҮЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 6 апрелдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 4-сон, 42-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 5 июндаги 355-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2017 й., 6-сон, 94-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони, “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон ва “Ички туризмни жадал ривожлантиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарорлари” 2018 йил 29 майдаги 398-сон қарорига илованинг 12-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 7 августдаги 631-сон қарорига 2-илованинг 5-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2018 йил 1 октябрдаги 781-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 29 октябрдаги 884-сон қарорига илованинг 39-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиши” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон қарори)” 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 46-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий худуди фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида” 2019 йил 12 сентябрдаги ПФ-5819-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармонига қўшимча киритиш тўғрисида” 2019 йил 19 сентябрдаги ПФ-5833-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон қарори)” 2019 йил 21 октябрдаги 885-сон қарорига илованинг 6 ва 9-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш хақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартағи ПФ-5690-сон Фармони)” 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 13-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мехнатга ҳак тўлаш, пенсиялар ва бошка тўловлар миқдорларини аниклаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон Фармони)” 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 157 ва 165-бандлари.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни)” 2020 йил 16 июндаги 384-сон қарорига 1-иловасининг 24-банди.

